



**O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi
Pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va ularning
malakasini oshirish Tarmoq markazi**

**“IXTISOSLIK FANLARINI O‘QITISHNING
ZAMONAVIY METODIKASI”
MODULI**

DOTSENT AXMEDOV MA'RUFJON

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси мажмуаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил 25 августдаги 391--сонли бўйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи:

ЎзДК “Мусиқа педагогикаси” кафедраси
мудири, п.ф.н.,доцент Ахмедов Маъруфжон

Тақризчилар:

Тигран Шиганян – Флинт мусиқа институти
санъатшунослик фанлари доктори, (АҚШ).

Б.Лутфуллаев – ЎзДСМИ “Вокал” кафедраси
профессори.

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	12
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	21
IV.	АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	92
V.	КЎЧМА МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	112
VI.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	115
VII.	ГЛОССАРИЙ.....	121
VIII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	126

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Ихтисослик фанларини ўқитишнинг замонавий методикаси” модулининг мақсади:

Педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойихалаштириш, соҳадаги илфор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, қўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

“Ихтисослик фанларини ўқитишнинг замонавий методикаси” модулининг вазифалари:

- педагог кадрларнинг касбий билим, қўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизmlарини яратиш;

- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Ихтисослик фанларини ўқитишининг замонавий методикаси” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- фанларни ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- янги илмий натижалар, яратилган илмий адабиётларни;
- республика ва хорижда “Мусиқа санъати” йўналиши бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини;
- ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш методикасини;
- дарс технологик харитасини ишлаб чиқишни;
- адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалаларини;
 - ижрочилик турларини ўзлаштиришнинг услугий асосларини;
 - якка ва жамоавий ижронинг ривожланиш тенденцияларини;
 - замонавий талабларда машғулотларни ташкил қилишнинг илмий ва амалий асосларини;
 - фанларини ўқитишда сўнгги йилларда эришилган ютуқларни;
 - санъат соҳасидаги таълим мазмуни узвийлиги ва интеграциясини таъминлашда новаторлик ва анъанавийлик мезонларини;
- санъатидаги замонавий йўналиш ва услублар ҳамда тенденцияларни **билиши** лозим.

- санъат йўналиши бўйича янги электрон ўқув адабиётларни яратиш ва улардан фойдаланиш;
- санъат йўналиши бўйича хорижий тилдаги манбалардан фойдалана олиш;
- анъанавий ўқитиши услубларини замонавийлаштириш;
- илғор маҳаллий ва хорижий тажрибалардан фойдаланиш;
- модернизация ва ўзгаришларни ўзлаштирган ҳолда унинг мазмун-моҳиятини талабаларга етказиши;
- фанларни ўқитишида инновацион технологияларни жорий этиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.
- мусиқа санъати таълимида аудио ва видео ёзувларини яратиш ва қўллаш;
- мусиқий асарларни ўзлаштиришида анъанавий ва замонавий услубларни қўллаш;
- мусиқа санъати фанларини ўқитишида замонавий техник воситалардан фойдаланиш;
- мусиқа ижрочилигига замонавий услублар ва жаҳон тажрибасидан самарали фойдаланиш;
- якка тартибда, жамоалар билан ишлашда ижро малакаларини ўстириш;
- гурухли ва якка тартибдаги машғулотларни ташкил этиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.
- мусиқа соҳасида машғулотларни юқори савияда ташкил этиш;
- машғулотларни илғор педагогик ҳамда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш;
- гурухли ва якка тартибдаги машғулотлар учун тегишли фанлар бўйича модулларни ишлаб чиқиши ва модул тизими асосида машғулотларни ташкил этиш;
- мусиқа санъати соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориши **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модул ташкил этиш бўйича тавсиялар

“Ихтисослик фанларини ўқитишининг замонавий методикаси” модули ҳозирги кунда таълимнинг замонавий методлари, ахборот коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, шунингдек анъанавий ва замонавий дирижёрлик асарларидан ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиши, ижрочилик

малакаларини шакллантириш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Ихтисослик фанларини ўқитишнинг замонавий методикаси” модули мазмуни ўқув режадаги “Вокал санъатида барқарор тараққиёт ва номоддий маданий мерос”, “Замонавий ижрочилик ва вокал санъати техникаси” “Замонавий ижрочилик ва вокал санъати техникаси” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида номоддий маданий мероснинг ўрганилишини таъминлаш, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Жами	назарий	амалий	кўчма
1.	Таълим жараёнининг тузилмаси. Машғулот турлари, шакллари. Мусиқа фанлари ўқитилишида замонавий ёндашувлар.	2	2		
2.	Очиқ дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси. Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш методикаси.	2	2		
3.	Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.	2	2		
4.	Илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва модул асосида дарсларни ташкил этиш услубиёти.	2		2	

5.	Мусиқа фанларини ўқитишида “Устоз-шогирд” анъаналари. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси.	6		2	4
6.	“Мусиқа санъати” фанини ўқитишида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш.	2		2	
Жами:16		16	6	6	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Таълим жараёнининг тузилмаси. Машғулот турлари, шакллари. Мусиқа фанлари ўқитишида замонавий ёндашувлар.

Таълим жараёнининг тузилмаси. Машғулот турлари, шакллари. Мусиқа фанлари ўқитишида замонавий ёндашувлар. Узлуксиз мусиқа таълими тузилмаси ва хусусиятлари. Таълим сифатини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар. “Ихтисослик фанларини ўқитишининг замонавий методикаси” фанининг мақсади ва вазифалари. Мусиқа санъати фанларининг ўзига хос жиҳатлари. Хорижий тажрибалар асосида дарсларни ташкил этиш услублари.

2-мавзу: Очиқ дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси. Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш методикаси.

Очиқ дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси. Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш методикаси. Мусиқа фанларини ўқитишида “Устоз-шогирд” анъаналари. Мусиқа санъати фанларини ўқитишида таълим методлари ва воситалари. Очиқ дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш. Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш методикаси

3-мавзу: Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари. Мусиқа ўқитишида инновацион технологияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши. Инновацион таълим тамойиллари. Мусиқа таълимида замонавий стратегиялар.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Маъruzадан сўнг режалаштирилган дастлабки тўрт мавзу бўйича амалий машғулотлар маъруза машғулотининг мавзуси асосида ташкил этилади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган йўналиш бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ ёзма, савол-жавоб тарзида ёки амалий ижро ёки бошқа шаклда бажарилиши мумкин.

Назарий таълим режалаштирилмаган амалий машғулотлар қўйида келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан маҳсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, қўшимча воситалар, шунингдек оркестр ёки хор жамоалари билан амалий ишлаш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

1-амалий машғулот: Илгор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва модул асосида дарсларни ташкил этиш услибиёти. (2 соат)

Илгор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва модул асосида дарсларни ташкил этиш услибиёти. Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиши ва ташкил этиши. компьютер технологияларига асосланган ўқитиш методларидан фойдаланишга мўлжалланган ўқитиш воситаси сифатида. Дарслик ва электрон дарсликдан мустақил таълим олишда ва ўқув материалларини ҳар томонлама самарали ўзлаштиришда фойдаланиш методлари. Электрон дарсликда фаннинг ўқув материаллари талабага интерактив усуллар билан, психологик ва педагогик жиҳатлар, замонавий ахборот технологиялари, аудио ва видео анимациялар имкониятларидан ўринли фойдаланиш.

2- амалий машғулот: Мусиқа фанларини ўқитишда “Устоз-шогирд” анъаналари. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси. (2 соат)

Мусиқа фанларини ўқитишда “Устоз-шогирд” анъаналари. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси. Тингловчилар томонидан номоддий маданий мерос муҳофазаси борасида қабул қилинган қонунлар таққосланади, уларнинг такомиллашув жараёни таҳлил этилади, Ўзбекистонда қабул қилинган қонунларнинг Конвенция мақсадларига мос келиши ва ундаги зиддиятлар ўрганилади, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. Бунинг учун тингловчилар мустақил равишда хорижий адабиётлар ва интернетдан қўшимча маълумотлар тўплайдилар ҳамда мавзу

бўйича кўтарилиган масалалар бўйича амалий кўнилмаларини намойиш этадилар.

3- амалий машғулот: “Мусиқа санъати” фанини ўқитишида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш. (2 соат)

“Мусиқа санъати” фанини ўқитишида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш. Аввалдан режалаштирилган ҳолда тингловчилар орасида инновацион педагогик технологиялари турлари бўлинади ва ҳар битта тингловчи ўз тегишли соҳаси бўйича ўз маълумотларини тақдимот (презентация) кўринишида тақдим этади. Тингловчилар томонидан ўз соҳасига оид бўлган педагогик технологиялар турлари муҳокама этилади ва тўлдирилади.

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-кўчма машғулот: Мусиқа фанларини ўқитишида “Устоз-шогирд” анъаналари. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси.

Мусиқа фанларини ўқитишида “Устоз-шогирд” анъаналари. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси. Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари. Аввалдан режалаштирилган ҳолда тингловчилар билан ижро санъати соҳаси ташкилотига ташриф буюрилади. Муайян ташкилотнинг харажатлари ва даромадлари ўрганилади. Олинган маълумотларга қараб, тингловчилар нарх белгилаш мақсад ва стратегиялари таклифини биргаликда ишлаб чиқадилар.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиши шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш), кўчма машғулотлар;
- давра суҳбатлари (муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

**I. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

Ақлий хужум (брейнстроминг-ақллар түзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавоавий юзага келтириш.

Ақлий хужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қофозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар тақрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш учун гурухлаштириш мумкин.
6. Гурухнинг умумий жавоби шакллантирилади.

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-урганишда ёрдам беради. Бунда маъзуза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан таълим олувчига вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – менинг ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Таълим методи ва таълим технологияси				
Таълимда интерфаол методлардан фойдаланиш йўллари				
Таълим ва тарбияни ташкил этиш шакллари				
Педагогик технологияларнинг хусусиятлари				
Педагогик технология турлари				

Педагогик технологиянинг ривожланиш назарияси				
Педагогик технологияларнинг самарадорлиги				

"Қарама-қарши муносабат" методи

Метод ўз моҳиятига қўра ўзлаштирилган билимларни таҳлил ва синтез қилиш асосида асосий ҳамда иккинчи даражали маълумотлар сифатида гурухларга ажратиш имконини беради. Методни қўллашда қўйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- мавзунинг умумий мазмунин ёдга олиниб, унинг аҳамиятини ёритувчи таянч тушиунчалар аниқланади;
- улар муайян кетма-кетликда қайд этилади;
- тушиунчалар шахсий ёндашув асосида муҳим ва у қадар муҳим бўлмаган тушиунчалар тарзида гурухланади;
- жадвал яратилиб, унинг 1-устунига муҳим бўлган, 2-устунига муҳим бўлмаган тушиунчалар ёзилади;
- кичик гурухлар асосида шахсий ёндашувлар муҳокама қилинади;
- жамоанинг умумий фикрига қўра якуний холосани ифода этувчи жадвал яратиласди.


"Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим" методи

Ушбу метод талабаларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Методни қўллаш жараёнида талабалар билан гурухли ёки оммавий ишлаш мумкин. Гурух шаклида ишлашда машғулот якунида ҳар бир гурух томонидан бажарилган фаолият таҳлил этилади. Гурухларнинг фаолиятлари қўйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:

- 1) ҳар бир гурух умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради ва машғулот якунида гурухларнинг муносабатлари лойиҳа бандлари бўйича умумлаштирилади;
- 2) гурухлар умумий схеманинг алоҳида бандлари бўйича ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради.

Ўқув фаолияти бевосита ёзув таҳтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган қўйидаги схема асосида ташкил этилади:

17-шакл



Методдан фойдаланиш уч босқич асосида амалга оширилади, яъни:

1. Талабаларнинг ўрганилиши режалаштирилаётган мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражалари аниқланади.

2. Талабаларнинг мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади.

3. Талабаларни мавзуга оид маълумотлар билан батафсил таништирилади.

Босқичлар бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тўлиқ тафсилоти куйидагича:

- *Талабалар гуруҳларга биректирилади;*
- *Талабаларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимларни бойитишга бўлган эҳтиёжлари сифатида баён этилган тушунчалар лойиҳанинг 1-бандига ёзиб борилади;*
- *Талабаларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимларни бойитишга бўлган эҳтиёжлари сифатида баён этилган тушунчалар лойиҳанинг 2-бандига ёзиб қўйилади;*
- *ўқитувчи Талабаларни янги мавзуга оид умумий маълумотлар билан таништиради;*
- *Талабалар ўзлаштирган янги тушунчалар аниқланади;*
- *баён этилган янги тушунчалар лойиҳанинг 3-бандига ёзиб қўйилади;*
- *машгулот якунида ягона лойиҳа яратилади.*

Кейс -стади методи

Кейс-стади (инглизча case - тўплам, аниқ вазият, stadi -таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.

Кейс – бу реал хаётнинг «бир бўлаги» (инглиз терминалогиясида TRUE LIFE).

Кейс – фақат вазиятни тўғри ёритиш эмас, балки вазиятни тушунириш ва баҳолашга имкон берадиган ягона маълумот комплекси.

Кейсда акс этган вазият, бу реал ёки сунъий ҳодисани институционал тизимда маълум вақтда хаётда юзага келишини акс эттиради.

Кейсда баён қилинган вазият институционал тизимда (шу ўринда ва кейинчалик - корхонада) дискрет (айни шу) вақтда ташкилий ҳаётдаги типик муаммоларни қайта яратадиган реал ёки сунъий қурилган ҳодисаларнинг идеал тарздаги инъикосидан иборатdir.

Муаммоли вазият. Мазкур ҳолда вазият субъективнинг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.

Муаммоли вазият. Бунда субъектни ҳозирги шароитда ёки келгусида мақсадига эришишига хавф туғдирувчи вазият тушунилади

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иэрархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг эчимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил эчим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир эчимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил эчимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини эчимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият эчимининг амалий аспектларини ёритиш

“BEEP” технологияси

Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммо характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари белгиланади.

Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “BEEP” технологияси умумий мавзуни айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гурӯҳларнинг ҳар бир қатнашувчининг, гурӯҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

“BEEP” технологияси мавзуни ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

- бошида: ўз билимларини эркин фаоллаштириш;
- мавзуни ўрганиш жараёнида; унинг асосийларини англаб етиш;
- якунлаш босқичида; олинган билимларни тартибга солиш.

Асосий тушунчалар қуидагилар:

Аспект (нуқтаи назар) билан предмет, ҳодиса, тушунча текширилади.

Афзаллик - бирор нарса билан қиёслангандаги устунлик, имтиёз.

Фазилат-ижобий сифат.

Нуқсон-номукаммаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик.

Хулоса-муайян бир фикрга, мантиқий, қоидалар бўйича далилдан натажага келиш.

ФСМУ технологияси.

(Φ) - фикрингизни баён этинг.

(С) - сабабини кўрсатинг.

(М) - мисол (далил) келтиринг.

(Ү) - умумлаштиринг.

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс мунозаралар ўтказишида ёки ўқув-семинар якунида (tinglovchilarning ўқув семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишига, очик ҳолда баҳслашишига, шу билан бир қаторда тингловчиларнинг, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишига, қай даражада эгалаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиб маданиятини ўргатади.

Ушбу технологиянинг асосий мақсади тингловчиларга тарқатилган оддий қофозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ифода этиб, тасдиқловчи даллиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

1-босқич.

-ўқитувчи тингловчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони, ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади;

-ўқитувчи ўқув машғулотида аввал ҳар бир тингловчи якка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гурухларда иш олиб борилиши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида тингловчиларга маълумот беради:

-машғулот давомида ҳар бир талаба ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатиб ўтилади.

2- босқич.

Ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф- фикрингизни баён этинг.

С - фикрингизни баён этишга сабаб кўрсатинг.

М - кўрсатилган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.

У - фикрингизни умумлаштиринг.

Ҳар бир тингловчи якка тартибда тарқатилган қозоздаги ФСМУ нинг 4 босқичини ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлатади.

3 - босқич.

-Ҳар бир тингловчи ўз қоғозларини тўлатиб бўлгач, Ўқитувчи уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қиласди ёки ўзи турли гуруҳларга бўлиш усулларидан фойдаланган ҳолда тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлиб юборади:

-ўқитувчи ҳар бир гурухда ФСМУ технологиясининг 4 босқич ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади:

-ўқитувчи кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардан фикр ва даллилларни катта форматдаги умумлаштирган ҳолда 4 босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

4 - босқич.

-Кичик гуруҳларда аввал ҳар бир тингловчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гурух аъзоларини танишириб ўтади. Гурух аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач, кичик гурух аъзолари уларни умумлаштиришга киришади:

-гурух аъзолари ФСМУнинг 4 босқичини ҳар бири бўйича умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар:

-фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир тингловчи ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботлаши мумкин.

5- босқич.

-Кичик гуруҳларда умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиласдилар: Гурух вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди иложи борича изоҳ бермаган ҳолда. Баъзи бўлимларни исботлаш яъни гуруҳнинг айнан нима учун шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

6 - босқич.

-ўқитувчи машғулотга яқун ясади, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради;

-қўйидаги саволлар билан тингловчиларга мурожат қиласди:

-ушбу технологиядан нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз?

-ушбу технологияни ўкув жараёнида қўлланилиши қандай самара берди?

-ушбу технологияни қўлланилиши тингловчиларда қандай ҳислатларни тарбиялайди, нималарни шакллантиради, уларнинг қандай фазилатларини ривожлантиради?

-ушбу технологиянинг ўкув жараёнининг қайси босқичида қўлланилгани маъкул ва нима учун?

-ушбу технологияни дарс жараёнида қўлланилиши тингловчиларга нима беради ва нимага ўргатади?

-ушбу технологияни яна қандай тартибда ёки қандай шаклда ўтказиш мумкин?

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Таълим жараёнининг тузилмаси. Машғулот турлари, шакллари. Мусиқа фанлари ўқитилишида замонавий ёндашувлар (2 соат).

Режа:

- 1.1. Таълим жараёнининг тузилмаси. Машғулот турлари, шакллари. Мусиқа фанлари ўқитилишида замонавий ёндашувлар.
- 1.2. Узлуксиз мусиқа таълими тузилмаси ва хусусиятлари. Таълим сифатини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар.
- 1.3. “Ихтисослик фанларини ўқитишнинг замонавий методикаси” фанининг мақсади ва вазифалари.
- 1.4. Мусиқа санъати фанларининг ўзига хос жиҳатлари. хорижий тажрибалар асосида дарсларни ташкил этиш услублари.

Таянч сўзлар: Тьютер, эдвайзер, фасилитатор, модератор, супервизор, супервизация, модулли технологиялар, модуль, модуль дастур, ўқув модули, инструментал компентенциялар, коммуникатив компентентлик, тизимли компентентлик.

1.1. Таълим жараёнининг тузилмаси. Машғулот турлари, шакллари. Мусиқа фанлари ўқитилишида замонавий ёндашувлар.

Мусиқа фанлари машғулотларлари педагогиканинг дидактик назарияси ва принциплари асосида тузилади. Мазкур принциплар мусиқа фанлари ўқитувчиси ҳамда талаба томонидан бажариладиган барча таълим асослари-машғулотлар мазмунининг методлари ва машғулотларларнинг тузилишидаги асосий талаблар ва унинг йўналишларини белгилаб беради. Мазкур принциплар асосан, ўқув материалларини қўллаш, мусиқа машғулотлари (дарслари) мазмuni ва режасини тузиш жараёнida қўлланади. Юқоридаги қайд этилган умумдидактик принциплари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, мусиқа машғулотларини давлат таълим стандартига мувофиқ миллий хусусиятларини асос қилиб мусиқа фаолияти изчилигини таъминлайди.

Мусиқа фанлари машғулотларларининг дидактик принциплари бир неча турдан иборат:

1. Мусиқа фанлари таълими ва тарбиясида тизимлилик, илмийлик ва давомийлик принципи.

Мусиқа таълими фанлари ва тарбиясида тизимлилик, илмийлик ва давомийлик принципи ҳар бир машғулотларда ўзининг тузилиши ва мазмуни билан илмий асосда ташкил топиши лозим. Мусиқа ҳақидаги билимлар дойраси, мусиқа таълими ва тарбиясининг асосий омилидир. Унда инсоният

яратган мусиқага оид қоидалар, хулосалар, умумлашган мусиқий тажрибалар ўз аксини топган. Уларни ўзлаштириш - мусиқа амалиёти йўлида билим ва кўникмалар ҳосил қилиш демакдир.

Илмийликни, тизимлиликсиз амалга ошириш қийин. Машғулот (дарс)ларнинг барча ўқув фаолиятини ҳамда кейинги машғулот (дарс)ларнинг ўзаро мантикий боғланиши тизимлилик асосини ташкил этади. Куйлаш ва тинглаш учун асарларни билим ва малака даражасига қўтариб, соддадан мураккабга, номаълумдан маълумга қараб ўзлаштириб бориш принциплари муайян тартибга мос бўлиб, тизимлилик демакдир. Машғулотларнинг ҳар бир фаолияти ўз навбатида, ҳар бир машғулот, дарсларнинг мантикий давоми бўлиб, педагогик мақсадларни тобора амалга ошириши давомийлик принципи демакдир.

Мусиқа дарсларида мусиқий билимларни ўзлаштириш мукаммал ўйланган ва асосланган тизим бўйича ўтилиши ўта муҳим аҳамиятга эга. Бериладиган билимлар соддадан мураккабга қараб йўналтирилган бўлмоғи даркор. Ушбу принципнинг бузилиши болаларнинг ўқув материалини ўзлаштиришларига салбий таъсир кўрсатади, уларнинг мусиқа маданияти машғулот (дарс)ларига бўлган қизиқишлирини сўндиради. Мусиқий билимларни тушунтиришда мусиқа раҳбари (ўқитувчиси), аввало, ўтилган мавзуларга таянмоғи лозим. Мусиқа саводи, жумладан, мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида бериладиган билимлар аниқ тизимга солинган бўлмоғи керак. Янги тушунча ва билимлар аввал ўзлаштирилган билимларга асосланган бўлиши, аста-секин кенгайтирилиб ва чуқурлаштириб борилиши лозим.

Э.Б.Абдуллин:-«...Мусиқий таълимнинг моҳияти, мақсад ва вазифалари, йўналиши, мазмун ва жараёнининг ҳарактерини очиб беришда принциплар асосий ўрин эгаллайди», дейди. У мусиқий таълимдаги бир нечта принципларни йўналишларга ажратади:

1. Фалсафий-эстетик йўналиш (... Мусиқий таълим да инсонпарварлик қарashi; бола шахсини санъат билан мулоқотда ўз-ўзини баҳолаши...).
2. Мусиқашунослик йўналиши (... ҳалқ, миллий ва замонавий мусиқа бирлигига таяниш; мусиқа жанрлари ва уларнинг ҳаёт билан боғлиқлигига таяниш; тинглаш, ижро этиш, ижод этиш фаолият асоси сифатида...).
3. Бадиий-психологик йўналиш (... Мусиқий таълимда онг ва тафаккур бирлигига таяниш...).
4. Бадиий-дидактик йўналиш (... Мусиқий таълим -тарбия бирлиги, изчиллик ва тизимлилик, илмийлик, мусиқий таълим натижалари мустаҳкамлиги...).

5. Мусиқий педагогик йўналиш (... образлилик ва бутунлик, мусиқий-педагогик мақсад ва воситалар алоқадорлиги, бадиийлик ва технология бирлиги...)

Олий мусиқа таълими мазмунида ихтисослик ўкув предметларининг вазифаси танланган касб ва ихтисосликлар бўйича зарур ва етарли даражадаги билим, хатти-харакат усуллари (кўникма ва малакалар) ва шахсий фазилатларни шакллантириш масалалари назарда тутилади. Машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш, талабаларнинг мустақил ишларини ҳамда ўкув предмети бўйича тўгарак ишларини ташкил этиш ва меъёrlаш, таҳсил олувчиларнинг фаол ўкув-билиш фаолиятларини таъминлаш йўлларини аниқлаш, таълим-тарбия методларини танлаб амалга жорий этиш, ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаб, баҳолаш каби масалаларда методика ўкув предмети мансуб бўлган фанга нисбатан кўпроқ дидактика ва педагогик психологияга таянади. Лекин, таълимнинг қўйидаги муҳим бир масаласи мавжуд-ки, бир томондан, энг аввало, методика ўзи тегишли фанга, иккинчи томондан педагогик психологияга таянади. Бунда сўз ўкув предметининг асосини ташкил этувчи тушунча (ибора)лар ва назарий концепцияларни шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида бормоқда: чолғу ижроилиги, хонандалик, сольфеджио, гармония, мусиқий асарлар таҳлили ... кабилар.

Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори Олий таълим муассасаларини модернизациялаш, уларнинг замонавий ўкув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнларини сифат жиҳатдан янги босқичга қўтариш, илғор педагогик технологиялар ҳамда ўқитиши шаклларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодий соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадларини қамраб олган.

Ҳар бир жамиятнинг ривожланишида таълим тизимининг ривожланиши энг муҳим рол ўйнайди. Шундай экан, ривожланган жамият қуриш йўлидаги устозларнинг саъй ҳаракатлари ҳам таълим тизимининг сифат босқичини юқори савияда босиб ўтиб, таълим самарадорлигини оширишга қаратилган. Таълим жараёни жадал ривожланиб бораётган бугунги кунда асосий мазмун берувчи яна бир тизим “Устоз-шогирд” тизимиdir. Бугунги кунда мустақил фикрловчи, ишонч-эътиқодли шогирдларни тарбиялашда ва замон талабига мос кадрлар етказиб беришда бу тизим алоҳида ўринга эгадир.

“Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай вазифани ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир-оқибат барибир кадрларга бориб

тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрларни тайёрлашга боғлиқдир” — деган эди Президентимиз И.А.Каримов.

Дарҳақиқат, ҳар бир машғулот мазмунининг кенглиги ва чуқурлиги унинг давлат талабларига мувофиқлиги, шогирдларнинг таълим технологиялари ва методиканинг тўғри усулини танлаши ва ундан унумли фойдаланишни талаб этади. Фикримиздан келиб чиқкан ҳолда, устоз — шогирд тизими самарадорлигининг ортиб боришини жадаллаштиrimиз зарур. Бу самарадорликни эса, устоз-шогирд тизимида тинновацион таълим технологиялари орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, шогирд устозидан ўзади, деган халқ ибораси ҳам бежиз эмас, албатта.

Машғулот турлари, шакллари. Кейинги вақтларда модулли таълим тизимида комплекс ёндашув тамойили кучайиб бормоқда. Унда турли шакл, усуллар мослаштирилган ҳолда жойлаштирилмоқда. Бугунги кунда аралаш таълим инновация сифатида кириб келмоқда.

Деклан Берн "blended learning" (аралаш таълим) ҳақида шундай дейди-ушбу таълим бой педагогик тажрибадан самарали фойдаланишга қаратилган. Бундай ёндашув ахборотни тақдим этишда турли методикалардан фойдаланишни, таълимни ташкил этишда ва таълим жараёнида ахборот технологиялари, индивидуал ва гурӯҳларда анъанавий фаолиятни ташкил этишга асосланиши мумкин. Бундай турлича ёндашув талабани чарчатмайди ва ўқишига бўлган мотивларини кучайтиради. Асосий масала танланган методикаларнинг ўзаро муттаносиблигини таъминлаш ва кам ҳаражат асосида юқори самарадорликка эришиш ҳисобланади.

Аралаш таълим кўпроқ тренингларни ташкил этишни талаб этади. Тренингларни ташкил этишда қуйидаги босқичларга эътибор қаратиш лозим:

1. Тайёргарлик босқичи.
2. Мақсадларни аниқлаб олиш босқичи.
3. Тренингни ўтказиш босқичи.

Бугунги кунда blended learning таълими деганда кундузги анъанавий таълим ва масофавий таълимнинг элементларини комбинацияси ҳам тушунилмоқда. Бу тизимда ўқитувчи таълим марказида қолади ва интернет имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланди. Айтиш жоизки, ахборот технологияларининг таълим тизимидағи ахамияти беъзиёс, тобора унинг янги кўринишлари таклиф этилмоқда. Таълим тизимига ушбу технологияларнинг кириб келиши тарихига назар ташласак.

XVIII аср охирида Европада, муңтазам равиша фаолият кўрсатувчи ва кўпчилик аҳоли учун имкониятли бўлган почта алоқасининг жорий қилиниши

натижасида “корреспондентлик ўқуви” пайдо бўлди. Талабалар почта орқали ўқув материаллари олар ва ўқитувчилар билан ёзма алоқа олиб борардилар ҳамда илмий иш шаклида ёки ишонч билдирилган шахсга имтиҳон топширадилар. Россияда бундай шакл XIX аср охирида пайдо бўлди. XX аср боши технологияларнинг жўшқин ривожланиши радио ва телевидениенинг пайдо бўлиши масофавий ўқитиш усулларига янги ўзгаришлар киритди. Бундай технологияларнинг кириб келиши жамият ҳаётининг кескин ўсиши билан боғлиқ бўлиб, талабалар аудиторияси бир неча юз баробар ошиб кетди. XX асрнинг 50-йилларидан ўқув-телеқўрсатувлар ташкил қилина бошлади. Бироқ телевидение ва радиода олиб борилаётган бундай ўқув машғулотларининг жиддий камчилиги мавжуд эди, яъни талабада қайтарув алоқа олиш имкониятлари мавжуд эмас эди. 1969 йил Буюк Британияда жаҳонда биринчи бўлиб масофавий таълим университети очилди. Университет "Буюк Британия очиқ университети" деб номланди. Унинг бундай номланишининг сабаби, машғулот аудиторияларига тез-тез бориши зарурияти бўлмаган ҳолларда, юқори бўлмаган ҳақ ҳисобига масофавий билим олиш имкониятларини очиш эди.

Хорижий мамлакатларда масофавий ўқитиш дастурлари асосида фаолият юритувчи машҳур университетлар вужудга келди. Жумладан, University of South Africa 1946. Fern Universitat in Hagen (Германия, 1974). Миллий технология университети АҚШ 1984 (инженер мутахассислиги бўйича дастурлар асосида масофавий машғулотлар олиб борилади), Хаген очиқуниверситети (Германия), INTEC коллежКейптаун (ЮАР), Испания масофавий ўқитиш миллий университети, Британия очиқ университетининг очиқ бизнес мактаби, Австралия ҳудудий ахборот тармоғи ва ҳоказолар. Масофадан ўқитиш таълимининг оммавийлашувида Интернет (“on-line”)нинг роли, телекоммуникацияларнинг ўрни, барча инсонларнинг Интернетга баробар очиқ ташрифи учун йўлак WWW (Web) технологиясини яратган олим Тим Бернерс Лининг хизмати бекиёсdir. Ҳозирги кунда масофавий таълим АҚШда мукаммал шаклланган бўлиб, унинг вужудга келиши 1970-йиллар охирига бориб тақалади. Дунёда интерактив таълим олишнинг қўплаб базалари вужудга келяпти. Жумладан, Британия очиқ университетига қарашли масофавий таълим умумжаҳон марказининг маълумотлар базасини мисол қилиб келтириш мумкин. Дистант услубида Халқаро Кенгаш фаолият кўрсатяпти, “D – Learning” – масофавий таълим олаётган тингловчиларнинг сони тобора ортиб боряпти. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида шахсий компьютер имкониятларининг ошиши ўқитиш тизимини соддалаштириш ва автоматлаштириш билан боғлиқ янги имкониятларни вужудга келтирди. Компьютер ўргатувчи дастурлар ҳар хил ўйинлар шаклида пайдо бўлди.

XXI аср компьютерлари ва Интернет масофавий ўқитишининг тезкорлик ва соддалаштирилган тартибда кенг тарқалишига имкон берди. Интернет радио ва телевидениега нисбатан жуда катта силжишларга олиб келди. Ҳар қандай талаба билан у қаерда жойлашганлигидан қатъи назар мулоқотга киришиш ва қайтарув алоқага киришиш имкониятлари пайдо бўлди. Тезкор интернетнинг тарқалиши ўқиш учун "онлайн" семинар тизимиға ўтиш имконини берди ва натижада масофавий ўқитиши тизими вужудга келди. Масофавий ўқитиши жараёнида тингловчиларнинг ҳамма вақт аудиторияда бўлиши талаб қилинмайди. Масофавий ўқитиши амалга оширувчи кўпчилик ўқув муассасаларида умумий машғулотлар ўтказиб келинмоқда, айрим ҳолатларда улар кечки вақт ёки дам олиш кунлари ўтказилади. Бундай машғулотларда тингловчиларнинг қатнашиши шарт эмас, бироқ тингловчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш учун уларнинг бундай машғулотларда иштирок этиши жуда фойдали ҳисобланади.

Масофавий ўқиш таълим беришда икки асосий ёндашиши изоҳлаб беради – булар кенгайтириш ва трансформация моделларидир. Кенгайтириш моделида ўқитиши технологияси ҳозирги анъанавий усулдан деярли фарқ қилмайди. Трансформация модели ўқитувчи ва тингловчи ҳамкорлиги учун ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини ўзида мужассам қиласди.

Бугун масофавий таълимнинг яна бир тури «webinar» (1998 йилда бу термин мулоқатга киритилди) технология вужудга келди. Вебинар технология ўқитиши web –технология асосида интерактив ҳолда ташкил этишни назарда тутади. Бу технология нафақат тингловчиларга ахборотни етказади балки, улар билан мулоқатга киришиш (оғзаки, ёзма) имконини яратади, яъни семинар кўринишида фикрларни алмашиш, ўз фикрини баён этиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда интернет тармоғи асосида ташкил этилувчи таълим ҳам субъект-субъект парадигмасига ўтмоқда.


Талабаларнинг мустақил фаолиятини самарали бўлиши учун педагогдан турли хилдаги маслаҳатлар тизими талаб қилинади. Шу сабабли педагогик усулларнинг замонавий ёндашувлар кўринишидаги турлари такомиллашиб борди ва бугунги кунда педагогик фаолиятига кўра бир қанча тушунчалар келиб чиқишига сабаб бўлди.

Мусиқа фанлари ўқитилишида замонавий ёндашувлар ҳақида гап кетадиган бўлса, биз қўйидагиларга эътибор қаратишимиш зарур

Мусиқа санъати фанларини ўқитиши замонавий инновацияларни қўллашсиз амалга ошириб бўлмайди.

Инновация (инглизча innovation) - янгилик киритиш, янгиликдир. А.И.Пригожин **инновация** деганда *муайян ижтимоий бирликка - ташкилот,*

аҳоли, жамият, гурухга янги, нисбатан турғун унсурларни киритиб борувчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунади. Бу инноватор фаолиятидир.



Тадқиқотчилар (А.И. Пригожин, Б.В. Сазонов, В.С. Толстой, А.Г.Кругликов, А.С.Ахиезер, Н.П.Степанов ва бошқалар) инновацион жараёнлар таркибий қисмларини ўрганишнинг икки ёндашувини ажратадилар: *янгиликнинг индивидуал микросатҳи ва алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларни ўзаро таъсири микросатҳи*.

Биринчи ёндашувда ҳаётга жорий этилган қандайдир янги ғоя ёритилади.

Иккинчи ёндашувда алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири, уларнинг бирлиги, рақобати ва оқибат натижада бирининг ўрнини иккинчиси эгаллашдир.

Олимлар инновацион жараён микротузилмасини таҳлил қилишда ҳаётнинг даврийлиги концепциясини фарқлайдилар.

Бу концепция янгилик киритишга нисбатан ўлчанадиган жараён эканлигидан келиб чиқади.

Педагогикага оид адабиётларда инновация жараёни схемаси берилади. У қўйидаги босқичларни қамраб олади:

1. Янги ғоя тугилиши ёки янгилик концепциясини пайдо қилиши босқичи, у кашфиёт босқичи деб ҳам юритилади.
2. Ихтиро қилиши, яъни янгилик яратилиши босқичи.
3. Яратилган янгиликни амалда қўллай билиши босқичи.
4. Янгиликни ёйиш, уни кенг тадбиқ этиши босқичи.
5. Муайян соҳада янгиликнинг ҳукмронлик қилиши босқичи. Бу босқичда янгилик ўзининг янгилигини йўқотади, унинг самара берадиган муқобили пайдо бўлади.

6. Янги муқобиллик асосида, алмаштириши орқали янгиликнинг қўлланиши доирасини қисқартириши босқичи.

В.А.Сластенин янгилик киритишни мақсадга мувофиқ йўналтирилган янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланиш жараёни мажмуи, унинг мақсади инсонларнинг эҳтиёжи ва интилишларини янги воситалар билан қондириш деб билади.

Янгилик киритишнинг тизимли концепцияси муаллифлари (А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С. Толстой) инновацион жараёнларнинг икки муҳим шаклини фарқлайдилар.

Биринчи шаклга янгилик киритишни оддий ишлаб чиқиши киритилади. Бу илк бор маҳсулот ўзлаштирган ташкилотларга тааллуклидир.

Иккинчи шаклга янгиликни кенг қўламда ишлаб чиқиши тааллуклидир.

Педагогик инновацияда "янги" тушунчаси марказий ўрин тутади. Шунингдек, педагогик фанда хусусий, шартли, маҳаллий ва субъектив янгиликка қизиқиш уйғотади.

Янгилик киритиш ҳам ички мантиқ, ҳам вақтга нисбатан қонуний ривожланган ва унинг атроф-муҳитга ўзаро таъсирини ифодалайдиган динамик тизимдир.


Хусусий янгилик В.А. Сластениннинг аниқлашича, жорий замонавийлаштиришда муайян тизим маҳсулоти унсурларидан бирини янгилашни кўзда тутади.

Мураккаб ва прогрессив янгиланишга олиб келувчи маълум унсурларнинг йифиндиси **шартли янгилик** ҳисобланади.

Маҳаллий янгилик конкрет объектда янгиликнинг фойдаланиши билан белгиланади.

Субъектив янгилик маълум объект учун объектнинг ўзи янги бўлиши билан белгиланади.

Янгиликни яратиш ва амалга оширишни таъминловчи босқичлар



В.И. Загвазинский **янги** тушунчасига таъриф бериб, педагогикадаги **янги** бу фақатгина ғоя эмас, балки ҳали фойдаланилмаган ёндашувлар, методлар, технологиялардир, лекин бу педагогик жараённинг унсурлари мажмууан ёки алоҳида олинган унсурлари бўлиб, ўзгариб турувчи шароитда ва вазиятда таълим ва тарбия вазифаларини самарали ҳал этишнинг илфор бошлилмаларини ўзида акс эттиради.

Р.Н.Юсуфбекова **педагогик янгиликка** ўқитиш ва тарбия беришда аввал маълум бўлмаган ва аввал қайд қилинмаган ҳолат, натижа, ривожланиб борувчи назария ва амалиётга элтувчи педагогик воқеликнинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмуни сифатида қарайди.

Педагогик инновацияда Р.Н.Юсуфбекова *инновацион жараён тузулмасининг уч блокини фарқлайди:*

Биринчи блок - педагогикадаги янгини ажратиш блоки. Бунга педагогикадаги янги, педагогик янгиликнинг таснифи, янгини яратиш шартшароити, янгиликнинг меъёрлари, янгининг уни ўзлаштириш ва фойдаланишга тайёрлиги, анъана ва новаторлик, педагогикадаги янгини яратиш босқичлари киради.

Иккинчи блок - янгини идрок қилиш, ўзлаштириш ва баҳолаш блоки: педагогик ҳамжамиятлар, янгини баҳолаш ва уни ўзлаштириш жараёнларининг ранг-баранглиги, педагогикадаги консерваторлик ва новаторлик, инновация муҳити, педагогик жамиятларнинг янгини идрок этиш ва баҳолашга тайёрлиги.

Учинчи блок - янгидан фойдаланиш ва уни жорий этиш блоки, яъни янгини тадбиқ этиш, фойдаланиш ва кенг жорий этиш қонуниятлари ва

турларидир. М.М.Поташникнинг инновация жараёнлари талқинлари киши эътиборини ўзига тортади. У инновация жараёнининг қуидаги тузилмасини беради:

- фаолият тузилмаси - мотив - мақсад - вазифа - мазмун - шакл - методлар - методика компонентлари йиғиндиси;
- субъектив тузилма-инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;
- сатҳий тузилма-инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;
- мазмун тузилмаси - ўқув-тарбиявий ишлар, бошқарув (ва б.)да янгиликнинг пайдо бўлиши, ишлаб чиқилиши ва ўзлаштирилиши;
- босқичлиликка асосланган ҳаёт даврийлик тузилмаси – янгиликнинг пайдо бўлиши - илдам ўсиш - етуклик – ўзлаш тириш - диффузия (сингиб кетиш, тарқалиш) – бойиш (тўйиниш) – қолоқлик - инқироз – иррадиация(алданиш) – замо навийлаштириш;
- бошқарув тузилмаси - бошқарув ҳаракатларининг 4 та турининг ўзаро алоқаси: режалаштириш - ташкил этиш - раҳбарлик қилиш - назорат қилиш;
- ташкилий тузилма - диагностик, олдиндан кўра билиш, соф ташкилий, амалий, умумлаштирувчи, татбиқ этувчи.

Инновация жараёни таркибий тузилмалар ва қонуниятларни қамраб олган тизимдан иборатdir.

Педагогикага оид адабиётларда инновацион жараёни кечишининг 4 та асосий қонунияти фарқланади:

- педагогик инновация муҳитининг аёвсиз bemaromlik қонуни;
- ниҳоят амалга ошиш қонуни;
- қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонуни;
- педагогик инновациянинг даврий такрорланиши ва қайтиши қонуни;

Аёвсиз bemaromlik қонунида педагогик жараён ва ҳодисалар тўғрисидаги яхлит тасаввурлар бузилади, педагогик онг бўлинади, педагогик янгилик баҳоланади ва у янгиликнинг аҳамияти ва қимматини кенг ёяди.

Ниҳоят амалга ошиш қонуни янгиликнинг ҳаётийлиги бўлиб, у эрта ё кеч, стихияли ёки онгли равишда амалга ошади.

Қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонуни шундан иборатки, унда педагогик инновация фикрлашни бир қолипга тушириш ва амалий ҳаракатга ўтиш тенденциясига эга бўлади. Бундай ҳолатда педагогик қолип (стереотип) қолоқликка, бошқа янгиликларнинг амалга ошиш йўлига тўсиқ бўлишга мажбур бўлади.

Педагогик инновациянинг даврий такрорланиши ва қайтиши қонунининг моҳияти шундаки, унда янгилик янги шароитларда қайта тикланади.

Педагогик инновация тадқиқотчилари инновация жараёнининг икки типини фарқлайдилар:

Инновациянинг биринчи типи стихияли ўтади, яъни инновацион жараёнда унга бўлган эҳтиёж ҳисобга олинмайди, уни амалга оширишнинг барча шарт шароитлари тизими, усуллари ва йўлларига онгли муносабат бўлмайди.

Инновациянинг иккинчи типи онгли, мақсадга мувофиқ, илмий асосланган фаолият маҳсулидир.

Олий мактабдаги инновацион жараёнлар В.А.Сластенин, М.М.Левина, М.Я.Виленский ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Олий мактаб инновацион жараёнлари негизида қуидаги ёндашувларни белгилаш мумкин:

- *маданиятический жицетидан (инсонни билишининг устувор ривожланиши) ёндашув;*
- *шахсий фаолият жицетидан (таълимдаги янги технологиялар) ёндашув;*
- *кўп субъектли (диалогик) ёндашув, касбий тайёргарликни инсонпарварлаштириши;*
- *индивидуал - исходий (ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро муносабатлари) ёндашув.*

Олий мактабда **инновацион фаолиятнинг субъекти** ўқитувчи, унинг шахсий имконияти ҳисобланади. Бунда ўқитувчи шахсининг ижтимоий-маданий, интеллектуал ва ахлоқий имкониятлари юксак аҳамиятга молик бўлади.

С.М.Годниннинг ишларида *талабанинг шахсий хислатлари педагогик жараённинг субъекти сифатида ёритилади*. Унга қуидагиларни киритади: ўқитишининг ҳозирги ва келгуси босқичлари учун қабул қилинган ўкув - тарбия жараёнининг мақсади, вазифаси ва кўрсатмаларини англай билиш; интеллектуал меҳнатнинг янги тадбирларини эгаллаш; мақсадга мувофиқ касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва мустақил таҳсил олиш, қийинчиликларни аъло даражада енга билиш, ўсиш ва мустаҳкам ўрин эгаллашнинг кенгаяётган интеллектуал ва касбий имкониятлари, истиқболлари билан қониқиши, ўзининг социал роли функциясини бажаришида фаол муносабатда бўлиш ва ҳоказо.

Инновацион педагогик жараённинг муҳим унсурлари *шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва ўзини-ўзи сафарбар қила олиши ҳисобланади*. Унинг энг муҳим йўналишларидан бири **талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириши**.

Бундай йўналиш талабаларнинг ўкув ишларини фаоллаштириши, уларнинг касбий ихтисослашишини аниқлаб олиш фаоллигини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, инновацион фаолият омиллари назарияси таҳлили унинг энг муҳим йўналиши *гуманистик аксиология* экан деган хulosага олиб келади.

1.2. Узлуксиз мусиқа таълими тузилмаси ва хусусиятлари. Таълим сифатини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар.

Таянч тушунчалар: узвийлик, узлуксизлик, узлуксиз таълим, инновациялар, умумий ўрта таълимда мусиқа фанларини ўқитиши, олий таълимда мусиқа фанларини ўқитиши.

Узлуксиз таълим тизимида мусиқий фанларини ўқитишида инновациялар.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳукуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти курмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидағи жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

3.1.1. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели:

-шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва обьекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

-узлуксиз таълим -малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиши муҳитини ўз ичига олади;

-ишлаб чиқариш кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳукуқлари, таълим, бола ҳуқуқи соҳасидаги шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳон илфор тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига дахлдор бўлиб, унинг ривожланиши омилларидан биридир.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс фуқарони шакллантиришни назарда тутади. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади.

Қонун умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими стандартлари орқали сифатли таълим олиш, шунингдек таълим ва касб-хунар жиҳатдан тайёргарликнинг шакллари ва турларини танлашни, узлуксиз малака ошириб бориш, зарурат тақозо этса, тегишли қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқини ва кенг имкониятларини назарда тутади.

Шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади ва ўз билими ва тажрибасини ўргатишида иштирок этади.

Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизими амал қилиши ва ривожланишининг кафиллари, юқори малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини ўйғунлаштирувчи сифатида фаолият кўрсатади.

-Фуқароларнинг билим олиш, касб танлаш ва ўз малакасини ошириш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишига;

Давлат грантлари ёки пуллик-шартномавий асосда олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим олиш ҳуқуқига;

-Таълим олувчиларнинг ўқиши, турмуши ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги вазифалар ҳал этилишида жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришга;

-Соғлиқ ва ривожланишда нуқсони бўлган шахслар таълим олишига кафолат берадилар.

-Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.

3.1.2. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари

таълимнинг устуворлиги унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи;

таълимнинг инсонпарварлашуви инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши,

миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;

таълимнинг миллий йўналтирилганлиги таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;

иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва маҳсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

3.1.3. Узлуксиз таълим соҳасидаги ислоҳотлар қўйидагиларни назарда тутади:

давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг ҳар хил турларини ривожлантириш;

мажбурий умумий ўрта таълимдан ўрта маҳсус, касб-хунар таълимига ўтилишини таъминлаш;

илфор технологияларни кенг ўзлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари кўламларининг кенгайиши, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ янги касб-хунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамоат бошқаруви шаклларини ривожлантириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш;

таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига холис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий этиш;

узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаштиришнинг пухта механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахслар зич яшайдиган жойларда улар ўз она тилларида таълим олишлари учун ташкилий ва педагогик шарт-шароитлар яратиш;

3.1.4. Узлуксиз таълим тизими ва турлари

мактабгача таълим;

ўрта маҳсус, касб-хунар таълими; олий ўқув юртидан кейинги таълим; мактабдан ташқари таълим.

Умумий таълим дастурлари: мактабгача таълим, бошланғич таълим (I-IV синфлар), умумий ўрта таълим (I-IX синфлар), ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини қамраб олади.

Мактабгача таълим

Мактабгача тарбияни ривожлантириш учун куйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

мактабгача таълимнинг самарали психологик-педагогик услубларини излаш ва жорий этиш;

замонавий ўкув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш;

мактабгача муассасаларнинг ҳар хил турлари учун турли варианtlардаги дастурларни танлаб олиш, мактабгача тарбиянинг барча массалалари бўйича малакали консультация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш;

Умумий ўрта таълим

Умумий ўрта таълимнинг янгича тизими ва мазмунини шакллантириш учун куйидагилар зарур:

юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш;

ўкувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равища таълимга табақалаштирилган ёндашувини жорий этиш;

ўкувчилар касб-хунар танлайдиган ва психологик-педагогик жиҳатдан маслаҳатлар оладиган марказлар тармоқларини ташкил этиш.

Умумий ўрта таълим негизида ўқиши муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта маҳсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимидағи мустақил турдир.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналиши академик лицей ёки касб-хунар коллежи ўкувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицейларда ўкувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган маҳсус касб-хунар кўниkmаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўниkmаларни ўқиши муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин.

Касб-хунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибининг танланганлиги, ўкув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-хунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўкув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мини ташкил этиш ва ривожлантириш учун куйидагилар зарур:

соҳа учун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда юқори малакали

мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув муассасалари учун таълим ва касб-хунар дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;

касб-хунар колледжларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-хунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;

академик лицейлар ва касб-хунар колледжларининг моддий-техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш.

Олий таълим ўрта маҳсус, касб-хунар таълими негизига асосланади ҳамда икки (бакалавриат ва магистратура) босқичга эга.

Бакалавриат мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камидан тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камидан икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Икки босқичли олий таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

олий таълим муассасалари учун профессор-ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, шу жумладан чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларда тайёрлаш;

олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириш, бу муассасаларнинг мустақиллигини кучайтириш, муассислар, васийлар кенгашлари, жамоат назорат кенгашлари шаклидаги жамоат бошқарувини жорий этиш;

ўқиши, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш;

халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим-касб-хунар манбаатларини қаноатлантиришга қаратилган.

Яқуний давлат аттестацияси натижаларига кўра тегишли равища фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар топширилади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунга ҳамда мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

ривожланган мамлакатларнинг илфор таълим муассасалари ва илмий марказларида устувор йўналишлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланиши учун шароитлар яратиб бериш;

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуидагилар зарур:

юқори малакали ўқитувчи-мутахассис кадрлар тайёрлаш ва соҳани улар билан тўлдириб боришни таъминлаш;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиши тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

профессионал тренингнинг илфор технология ва ускуналарини, шунингдек мураккаб, фан ютуқларини талаб қилувчи технология жараёнлари имитаторларини ишлаб чиқиш, яратиш ва амалий ўзлаштириб олиш.

Болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, якка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар.

таълим бериш ва камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармогини кенгайтириш ва бундай хизматлар турларини кўпайтириш;

ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг, шу жумладан оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларининг, болалар туризмининг, халқ хунармандчилигининг мавжуд турлари ва шаклларини такомиллаштириш, миллий турлари ва шаклларини тиклаш ҳамда амалиётга жорий этиш.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели салмоқли элемент сифатида фанни ўз ичига олади, бу соҳада:

олий малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш амалга оширилади;

мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграцияси содир бўлади, замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашинув амалга оширилади.

илфор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновация лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш йўли билан илм-фанинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора-тадбиларини ишлаб чиқиш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини самарали тарзда бажаришни таъминлаш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар даражасини баҳолашга замонавий ёндашувни рўёба чиқариш, илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар натижалари тижоратлашуви асосида олимларнинг обрў эътибори ва ижтимоий мақомини ошириш;

фан ва технологиялар соҳасидаги фаолиятни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш, талабалар ва ёш олимларнинг илмий ютуқлари учун махсус мукофотлар ва совринлар таъсис этиш, махсус стипендиялар сонини кўпайтириш, ёшлар илмий-техника ижодиётининг доимий ишлайдиган кўргазма ва экспозицияларини ташкил этиш.

Ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжлари кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналиши, даражаси ва миқёсларини шакллантиради, касб тайёргарлигининг мақсади, вазифалари ва мазмунини белгилайди, малака талабларини илгари суради, таълимнинг мувозий технологиялари ва шаклларини танлашни тақозо этади. Ишлаб чиқариш пировард натижада кадрларнинг сифати ва рақобатбардошлигига баҳо беради:

турли савия ва малакадаги мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжни шакллантиради;

муассис, васий, донор, ҳомий тариқасида айрим мутахассисларни ва гурухларни мақсадли тайёрлашни, шунингдек турли тип ва даражадаги ўқув юртларини молиялашда қатнашади;

Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш тизимидағи мавқеини кучайтириш қуйидаги йўллар билан таъминланади:

кадрлар тайёрлаш ҳамда биргалиқда илмий-технология ишланмаларини олиб боришда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш;

ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжларини инобатга олиб, техника ва технологияларни ривожлантиришнинг янги йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

педагог кадрларнинг илфор технологиялар соҳасидаги малакасини бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам ошириб бориш;

ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш учун таълим олувчиларни иш жойлари билан таъминлаш;

Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари
Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш

Таълим муассасаларини ҳудудий йўналишга ўтказиш ва таркибий тузилмасини ўзгаришиш иши амалга оширилади. Узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш мониторинги амалга оширилади.

Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёrlаши, қайта тайёrlаши ва уларнинг малакасини ошириши

Олий таълим муассасаларида давлат таълим стандартлариiga мос юқори малакали ўқитувчилар тайёrlаш бўйича маҳсус факультетлар, шунингдек республика вилоятларида умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими учун ўқитувчилар ва мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёrlаш юзасидан маҳсус марказлар ташкил этилади.

Кадрларни ўқитиши ва тарбиялаш миллий тикланиш принциплари ва мустақиллик ютуқлари, халқнинг бой миллий, маънавий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда умумбашарий қадриятларга таянган, инсонпарварликка йўналтирилган таълимнинг мазмуни давлат таълим стандартлари асосида ислоҳ қилинади. Таълим олувчининг шахсига, унда таълим ва билиmlарга бўлган иштиёқни кучайтиришга, мустақил иш тутишни, ифтихор ва инсоний қадр-қиммат туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор берилади.

Барча соҳаларда маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиши

Ўзбекистон мустақиллиги принциплариغا садоқатли ҳамда жамият тараққиётига муносаб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш мақсадида таълим муассасалари ота-оналар, оила, маҳалла қўмиталари, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, жамоат ташкилотлари, фондлар билан ўзаро пухта ҳамкорлик қиласидар.

(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-87- сонли Конунитаҳририда — ЎРҚҲТ, 2007 й., 15-сон, 150-модда)

Иқтидорли болалар ва истеъододли ёшларни аниқлаш ва ўқитиши услубияти, психологик-педагогик ва ташкилий шароитлари яратилади, бундай болалар ва ёшларга оид маълумотларнинг республика банки ва мониторинги шаклланади. Маҳсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологиялар ишлаб чиқиш учун энг яхши педагог ва олимлар жалб қилинади, ўқув-тарбия жараёнида уларнинг фаол иштироки таъминланади. Фан ва техникани, сиёsat ва иқтисодиётни, маданият ва санъатни ўргатиш марказлари қабилидаги ҳамда миллий (элита) таълим муассасалари ташкил этилади.

Узлуксиз таълим тизимида мусиқий фанларини ўқитишида инновациялар.

“Мусиқа таълими” таълим йўналишида таълим олаётган талабаларнинг ақлий имкониятларини ўстириш, уларда бадиий эстетик борлиқни бутун

таровати ва жозибаси билан ҳис этишни тарбиялаш мухим педагогик-психологик вазифа бўлиб, устоз-мураббийлардан тинимсиз меҳнат ва ташаббускорликни талаб этади.

Олий таълим тизимида ўқитиладиган мусиқий фанларнинг изчиллик ва мантиқийлик асосида режалаштирилган бўлиб, бакалавриат босиқичи талабаларида ақлий имкониятларни маълум тизим асосида ривожлантириб боришига йўналтирилган.

Мутахассислик фанлари қаторига кирувчи “Мақом асослари”, “Анъанавий хонандалик”, “Чолғу ижроилиги ва ансамбли”, “Вокал ва замонавий мусиқа”, “Ўзбек халқ мусиқа ижоди”, “Хор ва хоршунослик”, “Чолғушунослик” ва қолаверса “Мусиқа назарияси”, “Гармония”, “Мусиқа асарлари таҳлили”, “Сольфеджио” каби фанлар талабаларнинг мусиқий билим ва тафаккурини, идрокини ўстиришда кенг имкониятлар эшигини очади.

Кейинги йилларда халқимизнинг маданий меросини, жумладан мусиқий қадриятларни ўрганиш, тиклаш ва ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди. Айниқса, санъат олийгоҳлари талабалари орасида мумтоз мусиқа намуналари - мақомларни, халқ ашулалари ва куйларини ўрганиш, миллий созларимизда чалиш истаги ортиб бормоқда. Ана шулар эътиборга олиниб, Республикаизда фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртларининг ўқув режаси ҳам такомиллаштирилиб, мусиқий фанларга ажратилган соатлар кўптирилмоқда.

Мазкур фанлар сарасига “Чолғушунослик” фанини ҳам киритиш жоиздир. Ушбу фан асосан миллий созларимизнинг пайдо бўлиши тарихи, шаклланиши, тузилиши ва уларнинг ҳозирги мусиқа ижроилигидаги ўрни ҳақида маълумот беришига йўналтирилди.

Фан орқали талабаларда миллий чолғуларнинг анъанавий ва таъмирланган нусхалари, тузилиши ва ижро этиш маҳоратини шакллантириш, шунингдек, уларда халқимизнинг бой мусиқий ижоди ҳақида билим ва тасаввурларни оширишдан иборат.

Дарслар жараёнида миллий созларнинг гуруҳларга бўлиниши камонли созлар, нохун билан чалинадиган, пуфлаб чалинадиган ҳамда зарбли созлар ҳақида талабаларга кенг маълумот берилади. Шунингдек, гуруҳлардаги ҳар бир чолғу асбобининг тузилиши, парда хусусиятлари (аппликатураси) анъанавий ва академик (таъмирланган) турларини таққослаш йўли билан уларнинг ижро хусусиятлари таҳлил этилади.

Шунингдек, миллий созларимизнинг бастакорлик ижодиёти билан ўзаро муносабати, уларни якка ва ансамбл (жамоа бўлиб) чалиш имкониятлари ҳамда чолғуларимизнинг ўтмиши ва ҳозирги замон устоз ижроилари ижоди билан бакалаврларни таништириш кўзда тутилган. Шу билан бирга миллий

созларнинг умумтаълим мактабларида мусиқа маданияти дарсини ўтишдаги имкониятлари борасида ҳам кенг маълумот берилади.

Шуни айтиш жоизки, “Чолғушунослик” фани мусиқа мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларнинг касбий билимлари ва дунёқарашини бойитиш билан бирга, уларнинг миллий мусиқий меросимиз, мақомларга бўлган қизиқишиларини оширади, ўз касбларига бўлган муҳаббат ва эътиқодларини янада мустаҳкамлайди ва шу орқали тафаккур ҳамда идрокни тарбиялашга олиб келади.

Мазкур дарс жараёнида талабалар жамоа бўлиб мусиқий асарларни чаладилар ва чолғушунослик фани бўйича эгалланган назарий билимларни амалга тадбиқ этадилар.

Миллий созларимизнинг пайдо бўлиш тарихи ўзбек миллий давлатчилигининг шаклланиши тарихи билан муштаракдир. Манбалардан маълумки, миллий мусиқа чолғу асбобларимизнинг тарихи олис замонларга бориб тақалар экан, яъни, эрамиздан аввалги XIII минг йилликдаёқ, дастлаб урма зарбли чолғулар сўнгра шовқинли созлар пайдо бўла бошлаган. Нега айнан урма зарбли созлар илк бор кашф этилишини буюк олимлар энг қадимги меҳнат қўшиклари - ишнинг ритмик тузилиши билан бевосита боғлиқликда юзага келганидан, дея изоҳлайдилар¹. Кейинроқ халқ усталари томонидан қамиш ёки бамбук поясидан сурнай, най, ҳуштак, шақилдоқ ва чилтор (арфа) сингари чолғулар ясалади. Маълум муддатдан сўнг торли мезробли ва торли камонли мусиқа чолғулари яратилади. Кейинчалик кўп асрлик маданий тараққиёт жараёнида ўзига хос тузилиш ва жарангдорликка эга бўлган дутор, танбур, рубоб, гижжак, чанг сингари анъанавий созлар ижод қилинган. Дунё эндинина оҳангни кашф эта бошлаганида Турон заминида анчагина ютуқлар қўлга киритилганининг ўзиёқ мусиқий меросимизнинг шажараси жуда узоқлигига ишонч ҳосил қилиш мумкинлигини изоҳлойди.

Жамиятнинг эволюцион ривожланиши жараёнида халқ чолғучилари Марказий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари халқарининг турмуши ва меҳнат фаолиятига сингиб инсон фаолиятининг ажралмас таркибий қисмига айланиб қолди ва бу чолғулардан халқлар ўз миллий маросим ҳамда оиласиб байрамларида кенг фойдаланиб келишган. Шубҳасиз, бу даврда чолғу ижрочилиги санъати ҳам маълум даражада ривожланиш босқичига кўтарилиб, халқ орасидан моҳир ва истеъдодли якканавоз созандалар етишиб чиқади. Шундан сўнг якканавозлик ижрочилиги билан бир қаторда аста- секин жўрнавозлик ижрочилиги ҳам шаклланиб омма орасида тарқала бошлади.

¹ Абдуллаева С. Современные азербайджанские музыкальные инструменты. Баку. 1984 г.С.5.

Талабаларнинг мусиқий тафаккури ва идрокини юксалтиришнинг ахборот технологиялари яна бир воситадир. Миллий қадриятлар, айниқса мумтоз мусиқа асосида олий мусиқа таълимида таҳсил олаётган бакалаврларнинг ақлий имкониятларини, уларда мусиқий тафаккур ва идрокни юксалтириш учун барча мавжуд иш усулларини қўллаш тақозо этилмоқда. Шу жумладан, ҳозирги шароитда таълим соҳасига илғор ахборот ва педагогик технологияларнинг жадал кириб келаётганлиги сабабли, мақомларнинг жозибали, мафтункор, ўзига жалб этувчи, тингловчининг ҳиссиётларига таъсир этиб, унда турли қайфият ва кечинмаларни уйғотувчи кучини бакалаврларга ушбу воситалар орқали яққол кўрсатиш, уларда мумтоз мусиқамизга нисбатан меҳр-муҳаббатни уйғотиш ўта муҳимдир.

Мусиқа таълими тизимида талабалар билан ишлаб, уларда мусиқий тафаккур ва идрокни юксалтириш учун инновацион педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш мумкин.

Яқин вақтларгача ўқув машғулотларида қўлланиб келинган аудио ва видеотехника воситалари фақатгина берилган мусиқий материал: мақом шўйбалари ҳамда турли мусиқа жанрларига хос асарларни эшилтириш ва кўрсатиш имконига эга, холос. Бирок, бугунги кунда ушбу воситалар изланувчан ўқитувчи ва талабаларни қониқтирмайди.

Бугунги кун талаби даражасида ёндашиб, олий мусиқа таълимида мусиқий фанларни амалий машғулотини ўқитиши жараёнида талабалар билан ишлаш фаолиятини олиб кўрадиган бўлсак, фан доирасида берилган мақом асарининг нота матнини таҳлилий ўрганиш, ноталарни номлари билан аниқ интонацияда куйлаш, асарда учрайдиган турли интерваллар, динамика ва ижро суръатини аниқ тасаввур этган ҳолда куйлаш, шунингдек, ноталарни сольфеджио қилиб куйлаш талаб этилади.


Бундан ташқари, асарда учрайдиган мураккаб парчаларни алоҳида машқ қилиш, асарлар ва уларнинг парчаларини таҳлилий тинглаб ўз хулосасини чиқариш вазифаси қўйилади. Бу кўпқиррали бадиий мусиқий фаолиятни юқори савияда бажариш учун нота ижросини кузатиш, тинглаш ва кўриш, яъни аудиовизуал идрок этиши мақсадга мувофиқ.

Ушбу таълимий вазифаларнинг барчасини юқори савияда амалга оширишда энг охирги компьютер дастурлари қўл келади. Мазкур замонавий компьютер дастурлари сирасига ҳозирги кунда дунё мусиқа амалиётида кенг тарқалган ва қўлланилаётган “Финал” (“Finale”) ҳамда “Сибелиус” (“Sibelius”) нота матн мухаррири дастурининг 1 – 6 версияларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу компьютер дастурлари замонавий мусиқа амалиётини унинг назарий асосларига таянган ҳолда амалий тарзда акс эттириш имконига эгадир.


Жумладан, “**Sibelius 4**” нота матн мұхаррири дастури воситасида:

- нота йўлига нотани ёзиш;
- уни таҳрир қилиш;
- тинглаш жараёнида қайси нота ижро этилаётганлигини реал тарзда кузатиб бориш;
- мусиқа асарини бошқа тоналликка транспозиция қилиш;
- мусиқа асарини олдинги тоналлигига қайтариш;
- маълум нота матнини нусхалаш;
- тингланган мусиқа асарининг нотасини автоматик тарзда экранда намойиш этиш ва зарур бўлганда қофозда босиб чиқариш ҳамда бошқа кўпгина операцияларни бажариш мумкин.


Дастурни ишга туширишда дастлаб экранда барча вазифалар аниқ кўрсатилади. Шунда улардан бири танланади, масалан, агар тайёр материал олинадиган бўлса, унда чап томон юқоридаги биринчи ёзув белгиланиб, ОК белгиси босилади (3-расмга қаралсин).




Агар янги бет очиб нота ёзиш талаб этилса, чап томондаги юқоридан пастга томон учинчи қатордаги ёзув белгиланади ва ОК белгиси босилади. Нота ёзиш учун нота йўли акс эттирилган саҳифа очилгач тоналлик белгиланади масалан, до мажор. Ушбу белгиланган вазифалар дарҳол нота матнида ўз ўрнида пайдо бўлади ва талаба онгига маълум дастлабки назарий билимлар акс этишига имкон яратади. Бу эса айнан мақомлар мусиқасига қизиқсан, иқтидорли талабаларнинг фан бўйича назарий билимлари мустаҳкамланиши баробарида уларда тафаккур ва идрок билиш жараёни юксалишига, амалий кўнималар шаклланишига шарт-шароитни кенгайтириб, мусиқий билим олишга нисбатан эҳтиёж ва мотивацияни кучайтиради.



Сүнгра ўлчов қўйилади, масалан 4/4.



Ниҳоят, махсус экран кўрсаткичи (ёрдамчи клавиатура) воситасида нота матни нота йўлига бирин-кетин жойлаштирилади.



Бундан ташқари, талаба ўзи учун муҳим бўлган мусиқа парчасини ушбу дастур орқали компьютерда ёзиб, ўз ижросидаги хатони кўриши ва тузатиши, уни махсус дастурли синтезаторда ижро эттириб тинглаши ва ўз фаолиятини баҳолаши, турли жанр ва услубларга хос бўлган асарларни ёки уларнинг парчасини таҳлилий тинглаши ҳамда асар борасида маълум хулосаларга

келиши мумкин. Бу эса талабалар билан ишлашда юқори натижаларга эришишда муҳим омил бўлади.

1.3. “Ихтисослик фанларини ўқитишнинг замонавий методикаси” фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари

Таянч тушунчалар: методика, мусиқа ўқитиши методикаси, мусиқашинослик, инновациялар, мусиқа ўқитиши тамойили, таълим-тарбия, ривожлантириши.

Методика – педагогика фанининг бир соҳаси бўлиб, турли предметларни ўқитиш услугбиятидир. Қисқача қилиб айтганда методика - бу услуг, кенг маънода – таълимот.

Мусиқа ўқитиши методикаси – мусиқа санъати воситасида бола шахсини мақсадга йўналтирган ҳолда мусиқа маданиятини шакллантириш йўлларини ўрганади. Мусиқа ўқитиши методикаси дидактик ва хусусий тамойиллар, усул, восита ва методлар ёрдамида мусиқий таълим-тарбия жараёнини олиб бориш ҳамда унинг умумий ва хусусий вазифаларини ҳал этиш йўлларини белгилайди. Умумий вазифаларга – мусиқанинг тарбиявий таъсир кучини кўрсатиш, таълим олувчиларда мусиқага бўлган муҳаббатни, эҳтиёжни ўстириш, мусиқа тинглаш жараёнини ташкил этиш, мусиқа маданиятини шакллантириш ва ҳ.к. масалалар киради.

“Ихтисослик фанларини ўқитишнинг замонавий методикаси” педагогика-психология фанларнинг соҳалари билан узвий боғлиқлайдир. Бу эса замонавий ҳаётимиизда жамият олдида турган вазифалар, таълим муассасалари ва ўқитувчилар олдига қўйиладиган талаблар, таълим олувчиларнинг ёш хусусиятлари, мусиқий таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифаларини аниqlаш, уларнинг ривожланиш истиқболини белгилаш имкониятини беради.

Методика ўз олдида турган муаммоларни ҳал этишда ҳам психологияга таянади. Масалан, мусиқа идроки, ижодий ва мусиқий қобилияtlарини ривожлантириш учун инсон рухияти, онги, тафаккури, хотираси, тасаввури қонуниятлари, унинг кўринишлари, ривожланиш босқичлари ҳақидаги билимларга, мусиқий қобилият, инсон фаолияти нима эканлиги хусусидаги тушунчаларга эга бўлиши шарт.

“Ихтисослик фанларини ўқитишнинг замонавий методикаси” умумий таълимнинг мураккаб ва кўпқиррали мақсадларини ҳамда мусиқа таълим-тарбияси вазифаларини самарали ҳал этиш учун педагогика ва психология

фанлари билан бир қаторда мусиқашунослик илми ва мусиқа ижрочилиги соҳаларига ҳам таянади.

Мусиқашунослик илмининг мусиқий тарихий-назарий фанлар мазмуни таълим олувчиларга мусиқий санъат хусусиятларини етказиш йўлларини топишга, уларга ҳаётнинг мусиқий образларда акс этиши, мусиқий ифода воситаларининг аҳамиятини тушунтиришда, мусиқий асарларни бадиий таҳлили методлари ва технологияларини аниқлаш, касбий такомиллашибишида ёрдам беради. Консерваторияда “Анъанавий ижрочилик” бўлими 1992 йилда ташкил қилинди. Мусиқа тарихи, асосий йўналишлар, услугуб ва жанрларнинг ривожланиши, йирик композиторларнинг ўзига хос ижод йўли ҳақидаги билимлар таълим олувчиларининг мусиқий дидини тарбиялаш, касбий компетенцияларини шакллантириш ва уларнинг дунёқарашини кенгайтиришга асос бўлади.

“Ихтисослик фанларини ўқитишининг замонавий методикаси” фанининг асосий тушунчалари “тарбия-таълим” – «ривожлантириш» ва уларнинг ўзаро боғлиқлигидир.

Тарбия - педагогикада тарбия деганда болалар, ўсмирлар, ёшларнинг жисмоний, маънавий кучларини ривожлантириш, уларнинг дунёқарашини шакллантириш тушунилади.

Мусиқа ҳаётни акс эттириши, ҳаёт билан боғлиқлиги, унинг мусиқа ижодкори, ижрочиси ва тингловчисининг ҳаётий қарашларига боғлиқлиги мусиқани тарбия воситасига айлантиради. Мусиқий тарбия жараёнида талабада аҳлоқий, ақлий, эстетик жисмоний сифатлар таркиб топади.

Таълим - билимлар мажмуасини ўзлаштириш жараёнидир. Хусусан, мусиқий таълим ўқувчиларни турли мусиқий фаолиятларга ўргатиш, мусиқий тасаввур, билим, малака ва кўнимкалар бериш ва бу билимларнинг талабалар томонидан ўзлаштириши жараёнидир.

Ривожлантириш – энг оддий, содда мусиқийлик қўринишларидан мураккабларига қараб такомиллашиб. Бошқача айтганда, мусиқий қобилиятларнинг ўсиши ва шаклланиши жараёни ривожланишни ҳосил қиласди.

Талабаларга мусиқий таълим бериш, уларни тарбиялаш ва ривожлантириш ишлари яхлитликда олиб борилиши мусиқа педагогикасининг энг муҳим қонуниятларидир.

Мусиқа ўқитиши тамойили (принциплари) - бу мусиқий таълим-тарбия жараёнига қўйиладиган талаблар йиғиндисидир.

Мусиқа ўқитиши методикаси педагогика фани сифатида унинг умумий қонуниятларига бўйсунади ва умумдидактик тамойилларга асосланади:

- тарбияловчи таълим;
- илмийлик, тизимлилик ва изчиллик;
- мусиқий материалнинг қулайлиги ва таълим олувчилар ёшига мослиги;
- кўргазмалилик;
- тасаввур, билим, малака ва кўникмаларнинг мустаҳкамлилиги;
- таълим олувчи мусиқий фаолиятининг фаоллиги, мустақиллиги;
- мусиқий тарбиянинг ҳаёт билан боғлиқлиги.

Мазкур тамойиллар ўқитувчи ҳамда талабалар томонидан бажариладиган барча *таълим компонентлари* - дарс мазмуни, методлари, дарс тузилишидаги асосий талаблар ва йўналишларни белгилаб беради.

Шу билан бир қаторда мусиқа ўқитиш методикаси ўзининг хусусий тамойилларини ҳам илгари суради. Булардан: *эмоционаллик ва онглийликнинг бирлиги* ҳамда *бадиийлик ва техниканинг бирлиги* тамойилларини кўриб чиқамиз.

Эмоционаллик ва онглийликнинг бирлиги тамойили. Бу тамойилнинг зарурлиги мусиқа санъати ва уни идрок этишнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади. Мусиқани идрок этишни ривожлантириш ундан олинган ҳиссий таассуротлар, унинг ифода воситаларини англашни талаб этади. Мусиқий асарни тинглашдан олинган ҳиссий таъсирни онг билан қабул қилиш унинг мазмунини тушунишга, талабаларда мусиқий тажриба тўплашга ёрдам беради. Талабаларнинг фикри, кечинмалари, ҳиссиётларини бойитади, мусиқанинг таъсирини кучайтиради. Мазкур тамойилни мусиқа ўқитишда кўллаш талабаларда идрок этилган асарга баҳо бериш қобилиятини ўстиради ва шу асосда уларнинг қизиқиши, мусиқий диди, эҳтиёжлари тарбияланади.

Бадиийлик ва техниканинг бирлиги тамойили. Мусиқий асарни бадиий ва ифодали ижро этиш учун маълум бир малака ва кўникмалар талаб этилади. Масалан, қўшиқни ўрганиш жараёнида таълим олувчиларда вокалхор малакалари шакллантирилади. Чолғу асбобларида ижро этиш учун ҳам биргаликда чалишнинг энг оддий усул ва йўлларини эгаллашлари лозим. Бунда ижрочилик малакалари бадиий вазифаларга, яъни мусиқий асар образи, кайфиятининг ёрқин, ифодали ёритилишига қаратилган бўлиши талаб этилади. Бунда мусиқий асарнинг бадиий ижросига эришиш *мақсад* бўлиб, малака ва кўникмаларни эгаллаш шу мақсадга етишишда *воситадир*.

Замонавий хонанда-ўқитувчи катта билим ва тажрибага эга бўлган ижодкор хусусиятларга эга бўлиши керак. Педагогик қайта тайёрлаш педагогик кадрларни давлат таълим стандартлари асосида машғулотлар ўtkазишга қайта тайёрлаш. Бу тамойиллар талабаларда мусиқий

қобилиятларни, мусиқага қизиқиши, дид ва мусиқа маданиятини ривожлантиришга қаратилган.

Мусиқий қобилиятлар, уларнинг турлари, маҳсус (ижрочилик, бастакорлик) ва умумий мусиқий қобилиятлар, уларнинг ривожланиш шарт-шароитлари масалалари кўплаб психолог (Б.Теплов, В.Мясишев, Б.Яворский, В.Петрушин ва ҳ.з.), педагоглар (Л.Баренбойм, В.Белобородова, Ю.Алиев, Н.Ветлугина), мусиқашунослар (Б.Асафьев, А.Алексеев ва б.) томонидан кенг ўрганиб чиқилган. Ҳозирда ҳам бу муаммолар ўз долзарблигини сақлаб келмоқда.

“Ихтисослик фанларини ўқитишнинг замонавий методикаси”нинг **мақсади** ёш авлодни миллий мусиқа меросига ворислик қила оладиган ҳамда умумбашарий мусиқа бойлигини идрок эта оладиган маданиятли инсон даражасида камол топтириш, мусиқа маданиятини шакллантириш, юқори малакалали кадрлар сифатида тайёрлашдир.

Талабаларда мусиқа маданиятини шакллантириш мақсадида бир қатор **вазифалар** белгиланади:

- мусиқий таълим-тарбияни ҳаёт билан боғлаб олиб бориш;
- талабаларнинг мусиқа санъатига меҳр, қизиқишлигини ўстириш;
- мусиқий-бадиий дидни ва мусиқа фаолиятларига эҳтиёжини ривожлантириш;
- мусиқа ҳақида билим, малакалар доирасини таркиб топтириш;
- иқтидорли талабаларнинг мусиқий ривожланишлари учун шароит яратиб бериш ва уларнинг бадиий эҳтиёжини қондириш;
- мусиқий фаолиятлар жараёнида бадиий-ижодкорлик хистайғуларини ривожлантириш;
- мусиқий асарларнинг бадиий-ғоявий мазмунин воситасида талабаларда аҳлоқий-эстетик қарашларни тарбиялаш.

Фан асосларини ўқитиш методикаси каби ихтисослик ўқув предметлари методикаси у тегишли фан билан педагогика орасида вужудга келади. Шу билан бирга умумилмий ўқув предметлари методикаси билан ихтисослик ўқув предметлари методикалари бир-биридан фарқ қилишини ҳам таъкидлаш зарур. Фан асослари амалда умумилмий ёки умумтаълим ўқув предметлари деб юритилиб, уларнинг мазмунин бевосита улар тегишли бўлган фандан ажратиб олинади ҳамда дидактик ишлов берилиб, ундан сўнг ўрганилади.

1.4. Мусиқа санъати фанларининг ўзига хос жиҳатлари

Олий таълимда мусиқа санъати дарсларини олиб бориш амалиёти жараёнида бир неча хусусий, яъни мусиқа санъатини ўқитишига хос бўлган методлар юзага келди. Шулардан бир қанчасини кўриб чиқамиз.

Контраст (тафовут) – таққослаш методи. Академик Б.Асафьев томонидан таклиф этилган ва мусиқани идрок этиш малакаларини ривожлантиришга қаратилган. Бадиий-педагогик таҳлил жараёнида ўқитувчи қўйган вазифаларга жавоб бериш учун талабалар мусиқий образнинг ўзгариши ва ривожланишини кузатишлари, ўзларининг таассуротларини англашлари ва хуносалар қила олишларини тақозо этади.

Мусиқий тажрибаси кам бўлган талабалар учун тафовутли (контраст) асарларни таққослаш орқали ижрочилик услубларини ўзлаштирган ҳолда, асарлар тўғрисида мантиқий тафаккурга эга бўлади.

«Мусиқий тасаввурни бузиш» методи. Мусиқага эмоционал таъсиранликни, мусиқа «нутқи» элементларининг ифодавийлиги ҳақидаги тасаввурни шакллантириши методидан бошқача йўл билан ҳам фойдаланиш мумкин. Ўқитувчи талабаларга яхши таниш бўлган асарнинг маълум бир ифода воситаси ёки ижро штрихларини ўзгартирган ҳолда ижро этади ва талабаларга мусиқанинг характеристики ўзгарган ёки ўзгармаганлигини аниқлашни таклиф этади. Вазифани ҳал этилиши жараёнида талабалар мусиқа ифода воситалари ва штрихларнинг аҳамиятини тўлароқ тушунадилар, асарларни янада дикқат билан тинглашга ҳаракат қиласидилар.

Қиёсий таҳлил. Мусиқий тажриба орттириш натижасида талабалар катта, йирик жанрлардаги асарларни *қиёсий таҳлил* қилиш имкониятига эга бўладилар. Хусусан, турк, озарбайжон, тожик ва афгон ҳалқлари мусиқаси намуналари билан танишадилар ва қиёсий таҳлил жараёнида уларда ўзбек мусиқасига кўп жиҳатдан «мақом» жанри орқали, мусиқа ладлари, усуллар, нола ва безакларда, чолғуларда умумийлик мавжуд эканлигини билиб оладилар.

Таққослаш, қиёслаш методлари вокал-хор ишларида, мусиқа саводхонлигини ўзлаштиришда ҳам яхши самара беради.

Эмоционал таъсири этиш методи – Вокал педагоглари кўпинча аналитик усулни қўллашади. Ўқитувчининг мусиқий асарга образли сўз, мимика, жестлар орқали ўз муносабатини кўрсата олишида намоён бўлади. Асар кайфияти, характеристига мос равищда унинг овози ҳиссий «турланади». Бундай ифодавий усулларни ўқитувчи мусиқанинг эмоционал таъсирини кучайтириш ва талабалар таассуротини бойитиш учун қўллайди.

Муаммоли ўқитиш методи. Талабаларда мустақилликка, ўзлигини англашга бўлган интилиш уларнинг мусиқий қизиқишлари, эҳтиёжларига ҳам таъсир этади. Турли қарашларнинг юзага келиши **муаммоли ҳолатларни** келтириб чиқаради ва улар «баҳс-мунозара» ларда ўз ечимини топади. Бу жараёнда бирон-бир талаба четда қолмайди. Мунозара жараёни талабаларнинг мусиқий тажрибасини фаоллаштиради, ўз фикрини ҳимоялашга ундейди. Моҳирона ташкил этилган баҳсларда ўқитувчи талабаларга турли фикр-мулоҳазаларни, улардаги зиддиятларни холисона қўрсата олишга ёрдам беради. Ҳар қайси тараф маълум бир хулосалар чиқаради, мусиқий намуналарни келтиради, яъни фаол мунозара талабаларда дунёқарашлар, ишончларни шакллантиради. Профессор унвонли кекса ва нафақаҳўрлар эгаллаган лавозимларга танлов эълон қилинмайди.

Юқорида келтирилгандан ташқари мусиқий таълим-тарбияда яна бир қатор хусусий ва инновацион методлар қўлланилади. Ўқитиш жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган тарқатма материаллар, карточкалар, саволномалар, йўриқномалар, амалий ишни ташкил этиш бўйича технологик хариталар киради.

Дидактик топшириқлар ва материалларни ишлаб чиқишида қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- 1.Муаммоларни ҳал қилишга йуналтириш;
- 2.Тадқиқотлар олиб боришга йуналтириш;
- 3.Турли вазиятлар ва ҳолатлар таҳлилига қаратиш;
- 4.Тажрибалар ва машқлар ўтказишга мулжаллаш;
- 5.Янгиликларни излаш ва топишга йўналтириш.

Мустақил ўрганишни таъминловчи ва амалиётларни ўтказишга йўналтирилган ўқув материалларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Буларга йўналтирувчи матнлар, лойиҳалар ва модулларни мисол қилиш мумкин. Бу ўқув материаллари Талабаларни мустақил билим олиш ва меҳнат фаолиятига йўналтиради. Ўқув материаллари талабаларнинг фанга тегишли фаолият усули бўйича назарий маълумотлар билан бир қаторда етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлари учун турли хилдаги, ҳажмдаги ва мураккабликдаги савол ва топшириқлар тизимини қамраб олиши керак.

Ижодий топшириқлар таркибиға ижодий машқ, ижодий мустақил иш, турли дидактик ўйинлар киради. Агар ижодий машқ воситасида ўрганилган билимлар янги ўқув ҳолатларига татбиқ қилинса, ижодий мустақил иш дилиллардан янги хулосалар чиқариш ҳамда янгича фаолият усулларини фаолиятда қўллаш билан ажралиб туради.

Муоммали вазиятлар ва ижодий ўкув регистрлар диапазон кенглиги топшириқларини ишлаб чиқиша қуидаги қоидаларга риоя этилиши тавсия этилади:

-топшириқлар ҳақиқий вазиятлар билан бөғлиқ муаммоларга қаратилиши керак;

-ўкув топшириғидаги муаммони ҳал этишда талабалар ақлий фаолиятини турли усуллар ёрдамида ривожлантиришни қўзда тутади;

-топшириқлар мазмунида акс эттирилган ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги муҳим боғлиқлик кўрсатилиши керак;

-топшириқлар ечимини аниқлаш ва талабалар онгига ҳодисалар ёки жараёнлар ўртасида боғлиқликни мустаҳкамлаш имкониятларини назарда тутилиши лозим;

-топшириқларни бажариш жараёнида талаба оддий тушунчалардан, у ҳали ўзлаштирилмаган янада мураккаброқ тушунчани келтириб чиқариш имконини бериши лозим;

-топшириқни бажариш жараёнида оддий тушунчалар талабага маълум бўлмаган тушунчалар билан ўзаро таҳлил қилинади;

-топшириқни бажаришда талаба тушунчаларнинг шакли ва мазмунини ўзгартирасдан ва ўзгартириб, уларни қайта ишлаб чиқади.

Мустақил ишлар талабанинг умумий ривожланишига ва касбий маҳоратини ўстиришга хизмат қилиши керак. Фан номзоди, доцентнинг кафедра мудири чегарасиз муддатларда амалга оширилади. Шунингдек талабаларнинг мустақил ва ижодий ишларини ташкил қилиш тарбиявий, таълимий аҳамиятга ҳам эга бўлиши керак. Тарбиявий аҳамияти шундаки, талаба ўз билимини ошириш ва мустаҳкамлаш учун ўзини-ўзини тарбиялаб боради. Таълимий аҳамияти эса талаба бўш вақтдан самарали фойдаланган ҳолда мустақил билим олиш жараёнининг шаклланишига олиб келади.

Мустақил ишларнинг турлари, шаклларини танлашда “оддийдан-мураккабга” ҳамда “умумийдан-хусусийга”, “мавхумдан-аниқликка” тамойилларига амал қилиш лозим. Мустақил ва ижодий иш топшириқларини ишлаб чиқиша ҳар бир талаба шахсий имкониятлари, тушунувчанлик, ўкув материалини ўзлаштириш даражаси инобатга олиниши, шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Мусиқий таълим-тарбия овоз парвозлилиги фиоритура методларининг турлича эканлиги мусиқа санъатининг ўзига хослиги ҳамда талабалар мусиқий фаолиятининг хусусиятлари билан аниқланади. Бу методларнинг ҳар бири алоҳида қўлланмасдан, балки бир-бири билан боғлиқ ҳолда, бир-бирини тўлдирган ҳолда узвий амалга оширилади.

Шундай қилиб, мусиқа дарсининг мақсадига кўра белгиланган вазифаларни амалга оширишда энг муқобил методларни танлаши, бир асар устида ҳар гал янгича шаклда ишлаши, дарсда нафақат фаол талабаларни, балки пассив талабаларни ҳам ишга жалб эта олиши, ўқитувчи ва талабалар ҳамкорлиги ҳолатини юзага келтириш - мусиқа ўқитувчисининг ижодкорлигини, маҳоратини намоён этади.

Назорат саволлари

1. Узлуксиз мусиқий таълим жараённинг интеграцияси мазмуни нималардан иборат?
2. “Ихтисослик фанларини ўқитишнинг замонавий методикаси” фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
3. Методика ўз олдида турган қандай муаммолар мавжуд?
4. Мусиқа ўқитиш тамойиллари қандай?
5. Бадиийлик ва техниканинг бирлиги тамойилини тавсифлаб беринг?
6. Мусиқий қобилияtlар ва уларнинг турлари?
7. Контраст (тафовут) – таққослаш методи нимани билдиради?
8. Муаммоли ўқитиш методини мусиқа санъатига татбиқ этиш масалалари?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Раҳимов Ш. Мусиқа санъатига ўргатиш методикаси. - Т.: Ўқув қўлланма, 2009. – 224 б.
2. Маданият соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар тўплами. Ўз.Р.Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, 2010 й.

2-мавзу: Очиқ дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси. Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш методикаси (2 соат).

Режа:

- 2.1. Очиқ дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси.
- 2.2. Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш методикаси.
- 2.3. Мусиқа фанларини ўқитишда “Устоз-шогирд” анъаналари.
- 2.4. Мусиқа санъати фанларини ўқитишда таълим методлари ва воситалари

Таянч иборалар: технологик харита, компьютер технологиялари, электрон дарслик, мустақил таълим, аудио, видео, анимация.

Бугунги қунда ёш авлодни замон руҳи ва талаби ҳамда ишлаб чиқариш эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берадиган даражада ўқитиш ва тарбиялаш “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг асосий талаби ҳисобланади. Белгиланган ушбу улуғвор вазифалар таълим ва тарбия тизимидағи барча бўғинларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида изчил амалга оширилмоқда.

Таълим тизимидағи бошқа бўғинларда бўлгани каби мактабларда, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида, шунингдек олий таълим муассасаларида таълим-тарбия бериш жараёнининг асосий шакли назарий ва амалий машғулотлардир.

Ўқув машғулотларидан ташқари ўтказиладиган барча таълимий-тарбиявий тадбирлар ўқувчиларнинг ўқув машғулотлари жараёнида олган билимларини тўлдиришга хизмат қиласи. Шу боис, ҳамма ўқув даргоҳларида назарий ва амалий машғулотларнинг сифат-самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнида илғор педагогик технологияларни қўллай билиш ниҳоятда муҳимдир.

Назарий ва амалий ўқув машғулотларини юксак даражада ташкил этиш ва ўтказиш учун ўқитувчи ва муҳандис-педагогнинг ўз мутахассислигини чукур билиши кифоя эмас. Бунинг учун ўқитувчи-муҳандисдан юқори даражадаги педагогик маҳорат ҳам талаб этилади. Ўқитувчи-педагог назарий ва амалий машғулотлар ўтиш, ўзаро дарсларга кириш, касбдошларининг дарс машғулотларини кузатиши ҳамда уларни таҳлил қилиш жараёнида педагогик маҳоратга эга бўлиб боради. Шунинг учун ўқув машғулотлари таҳлили вокализ масалалари факультет деканлари ва кафедра мудирларининг дикқат марказида бўлиши лозим.

Педагогик дастурий воситалар педагогик дастурий воситаларда таълим олувчига ўқув материалини босқичма-босқич ўзлаштирганлигини турли хилдаги назоратларни амалга ошириш асосида аниқлаш имкониятларининг яратилиши. қўйиладиган методик талабларни кўрсатинг: Профессор ўқитувчи очиқ ўқув машғулоти таҳлилига киришдан олдин назарий ва амалий машғулотларнинг тузилиши, турлари, унинг таҳлилига қўйиладиган талаблар ва унинг мақсад-вазифаларини билиши керак.

Очиқ ўқув машғулоти – таълим жараёнининг энг муҳим бўлиб, таълим-тарбия масалаларини ҳал қилишнинг амалий ва қулай шакли ҳисобланади. Таълим жараёнида унинг мақсади, мазмуни, усуллари, тамойиллари ва ташкилий шакллари биргаликда намоён бўлади.

Ҳар бир фанни (у умумтаълим ёки мутахассислик фан бўлишидан қатъий назар) ўқитиши ўзига хос хусусиятларга эга, аммо, ўқув машғулотининг ҳамма фанлар учун умумий бўлган томонлари ҳам мавжуд. Бу назарий ва амалий машғулотларнинг тузилишида алоҳида кўринади. Ўқув машғулотининг тузилиши турлича бўлиши мумкин ва уни доимо фақат бир анъанавий андоза билан ўтказиш мутлақо шарт эмас. Унинг тузилиши ўқув материалининг мазмунига, ўқувчиларнинг билим даражасига ва ўқитувчи-мутахассиснинг педагогик маҳоратига боғлиқ. Шунга қарамасдан дидактика(таълим назарияси) назарий ва амалий машғулотларнинг тузилишида қуйидаги асосий босқичлар мавжудлигини кўрсатади.

1. Ўқув машғулот мавзусини таърифлаш.
 2. Ўқув машғулотнинг мақсадини тушунтириш.
 3. Ўтган ўқув машғулотда айтилган маълумотларни қанчалик эсда қолганлигини текшириш.
 4. Янги мавзуу материалини баён этиш ва ўқувчиларнинг мустақил ишлшини таъминлаш.
 5. Ўтилган ўқув материалини такрорлаш ва уни машқ ёки Амалий ишлар билан мустаҳкамлаш.
 6. Ўрганилган мавзуни давра сұхбати тарзида такрорлаш.
 7. Талабалар билимини текшириш ва баҳолаш (ўқув машғулоти давомида такрорлаш ёки уй вазифаларини текшириш пайтида ҳам амалга ошириш мумкин).
 8. Ўқув машғулотини яқунлаш.
- Очиқ ўқув машғулотининг бу босқичлари ҳар бир назарий ёки амалий машғулотда доимо шу тартибда такрорланмайди. Чунки ижодий изланувчан педагог буларни ўз тажрибаси билан тўлдириши, бойитиши ва ўқув машғулотининг мақсади ҳамда вазифаларига кўра ўзгартириши мумкин.

Ўқув машғулот турлари

1. Аралаш (комбинациялаш) ўқув машғулоти
2. Янги билимларни ўзлаштириш.
3. Ўзлаштирган билимларни мустаҳкамлаш.
4. Умумлаштириш ва тизимлаштириш.
5. Техник воситалар асосида ўргатиш.
6. Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш.
7. Янги технологияларни ўзлаштириш ва амалиётда қўллаш.

Тавсия этилаётган очик ўқув машғулотлари орасида аралаш ўқув машғулотлари энг кўп қўлланилади. Аралаш машғулотда бир неча дидактик мақсад қўйилади. Бундай ўқув машғулотларнинг тузилиши ташкилий қисм, уй

вазифаларини текшириш ва ўзлаштирилган билимларни аниқлаш, таълим муассасасини ким бошқаради?

Янги мавзуни баён этиш, уни мустаҳкамлаш ва уйга вазифани ўз ичига олади.

Очиқ ўқув машғулотлари таҳлили самарали бўлиши учун ўқитувчилар дидактиканинг асосий тамоийилларидан, юқорида кўрсатилган ўқув машғулот турлари ва унинг тузилишидан хабардор бўлишлари талаб этилади.

Очиқ ўқув машғулоти жараёнини таҳлил қилишда кўпинча қуидаги камчиликлар кузатилади: тизимсизлик, ўқув машғулотларига тасодифан иштирок этиш, аниқ бир мақсаднинг йўқлиги, таҳлил этувчининг машғулотни чуқур таҳлил қилишга услубий тайёр эмаслиги, аниқ кузатиш дастурининг йўқлиги, ўқув машғулотда асосий томонларини ажратиб кўрсата олмаслиги, хulosалар чиқара олмаслиги, касбдошига малакали тавсиялар ва методик ёрдам бера олмаслик. Педагогик дастурий воситалар компьютер технологиялари ёрдамида ўқув жараёнини қисман ёки тўлиқ шакллантириш учун мўлжалланган дидактик восита ҳисобланади. Таълим муассасасини раҳбар бошқаради.

Айниқса, ҳар бир очик ўқув машғулотига қатнашишдан олдин аниқ мақсадни белгилаш зарур. Кўйилган мақсад ўқув машғулотида қатнашиш ва уни таҳлил қилишни янада самаралироқ, хulosаларни янада аникроқ қилади.

1. Ҳар доим бир хил тузилиш билан машғулот олиб бориш, кўп баҳо тўплашга интилиш, оқибатда сўровни бўрттириб юбориш.

2. Ўқув материали мазмунининг ортиқча тўлдирилиши, ортиқча икирчикирлар билан мазмуннинг йўқолиши, мавзудан чекинишга асосиз интилиш.

3. Билимларни қўллашга етарли эътибор бермаслик. Назарий билимларни амалиётда фойдаланишининг узоқлиги ва ҳоказо.

Очиқ ўқув машғулоти таҳлилининг турлари

Очиқ ўқув машғулоти таҳлилини шартли равишда қуидаги асосий 5 турга бўлиш мумкин:

Илмий таҳлилда – ҳар бир билим илмий асосланган, тажрибадан ўтган ва ўқувчиларга яхши маълум билимлардан келиб чиқиб тушунтирилишига аҳамият берилади.

Методик таҳлилда – ўқув материалини баён этиш ва тушунтириш жараёнида қўлланилган усусларнинг шу материал мазмунига мослиги ёки мос эмаслиги аниқланади.

Дидактик таҳлилда – педагогнинг ўз очик ўқув машғулотини таълим тамоийилларига амал қилган ҳолда олиб борилиши ўрганилади.

Умумпедагогик таҳлилда – очик ўқув машғулотининг ҳамма жиҳатларининг қисқа ва ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинади.

Умумпсихологик таҳлилда – очиқ ўқув машғулотнинг тузилишига, мазмунига психологик жиҳатдан баҳо берилади ва ўқувчиларнинг қуидаги фаолиятларини таҳлил қила олиши ўрганилади:

1. диққатни ташкил этиш;
2. идрокни ташкил этиш;
3. хотирани фаоллаштириш ва ривожлантириш;
4. фикрлаш фаолиятини кучайтириш;
5. мулоҳазаларнинг мантиқийлигига эришиш;
6. талабага қўйилган талабларга эриштириш ва бошқалар...

Кузатилган ўқув машғулотини расмийлаштириш

Таълим тизимида кўп йил фаолият кўрсатган тажрибали раҳбарларимиз ўқув машғулотларини кузатиш ва таҳлил қилиш учун маҳсус дафтар ёки журнал тутишни тавсия этишади.

Алоҳида дафтар ёки журнал тутиш таҳлиллар муддати, миқдори ва кетма-кетлигини таъминлайди. Аввалги таҳлиллар билан қиёслаш ва йўл қўйилган хатоларнинг тузатилганлигини кўриш имконини беради.

Таҳлил дафтарларида кузатишлар ўқув йили якунида тўла ўрганилиб, эришилган ютуқ ва йўл қўйилган камчиликлар кафедра йиғилишида ёки таълим муассасаси педагогик кенгашларида мухокама қилинади. Бу эса Янги ўқув йилида ўқув машғулотларини самарали ташкил этиш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклигини кўрсатади.

Таҳлил дафтарида кузатилган ўқув машғулотини қуидаги педагогик талаблар асосида ёзиб бориш тавсия қилинади.

- Ўқув машғулоти, педагог ва гуруҳ ҳақида умумий маълумотлар: сана; педагогнинг фамилияси, исми-шарифи; маълумоти; педагогик фаолияти; фанноми; ўқув машғулоти мавзуси; мақсади; ўқув хонасининг санитария ҳолати(тайёргарлиги).

- Ўқитувчининг ўқув машғулотига тайёргарлиги: ишчи дастур; тақвим мавзу режа; ўқув машғулот режаси; маъруза матни; илмий, ўқув ва методик адабиётлар; кўргазмали ўқув қуроллар; тарқатма материаллар; техник воситала(компютер, кодоскоп, электрон дарслик, электрон материаллар)нинг мавжудлиги.

2.2. Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш методикаси

Таянч тушунчалар: педагогик фаолият, лойиҳалаши, маъруза, семинар, Power Point, Ариал, Вердана, методологик талаб, мантиқий яхлитлик, амалиётга боғлаши, табақалаш, ўқувчиларнинг ёшига хос хусусиятлари.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг ихтисосликка оид ўқув материалини ўзлаштирганлиги, уларда шаклланган қўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолаш таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади. Чунончи, талабаларда касбий қўникма ва малакаларни шакллантиришда ўқитувчидан мутахассислик ўқув предметларидан нафақат асосларидан чуқур билим бериши, балки уларни ўзлаштириш даражасини ҳаққоний назорат қилиб, баҳолаш ҳам талаб этилади. Чунки, назорат қилиш бу фақат таълим-тарбия натижаларини таҳлил қилиш эмас, балки бутун жараённинг турли босқичларида талабалар билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамdir. Бундан ташқари олий мусиқа таълимида назорат қилиб баҳолаш ўзига хос таълимий, тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Таълим-тарбия жараёнида билим, қўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг таълимий аҳамияти, бунда ўқув материалининг ўзлаштирилганлиги ҳақида ўқитувчи ҳам, талаба ҳам ижобий ёки салбий тавсифга эга бўлади. Яъни, ўқитувчи учун талаба нимани билиши ва нимани тушунмаслиги, қайси ўқув материали яхши ўзлаштирилгану, қайси бири ҳали яхши ўзлаштирилмаганлиги ёки умуман ўзлаштирилмаганлиги маълум бўлади. Бу эса талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари ўқитувчи ўзининг фаолиятига танқидий баҳо беради. Олинган натижаларга кўра фаолиятига қўшимчалар киритади, талабаларга нисбатан қандай ёндашиш методлари ва воситаларини тезроқ топиб олади. Бу ўқитувчининг ижодий тарзда дарсга тайёргарлик кўриши ва ўқув машғулотларини ўтказиши учун негиз ҳисобланади.

Худди шунингдек, талабага ҳам ўқув материалида у нимани яхши, нимани қониқарли ва нимани ёмон ўзлаштиргани тушунарли бўлади. Билимларни назорат қилмасдан талаба ўз билимларини чуқур, ҳар томонлама ва тўғри баҳолашга қодир эмас, баъзан унга гуё ўқув материалини яхши эгаллаб олгандай туюлади, лекин назорат чоғида эса ўзлаштиришдаги камчиликлар, яхши тушунмаганлиги маълум бўлиб қолади. Назорат қилиб баҳолаш жараёнида талабанинг ўрганилаётган ўқув материалини тушуниш, эсда сақлаб қолиш, моҳиятини англаб олиш даражасини аниқлайди. Талабанинг фаоллиги орқали билимлари, қўникма ва малакаларидаги ижобий томонларни ривожлантириш, камчиликларни тутатиш имкониятига эга бўлади.

Назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти талабаларда ўқишига, ўз ютуқлари ва камчиликларига нисбатан муносабат шаклланади, муаммоларни ечиш истаги туғилади. Талабага нисбатан берилган баҳо унда ҳамиша талаба сифатида, шахс сифатида ўзига нисбатан муайян бир

муносабатни ҳосил қиласы. Талабада ўзига нисбатан иродалик, жамоавийлик, ўзаро бир-бирига ёрдам бериш каби сифатлар шакланади. Бу, айниңса, ўсмирлар орасыда катта аҳамиятта әгадир. Ҳар бир таълим берувчи билимларни назорат қилиш ва баҳолашнинг тарбиявий аҳамиятини түғри қўллай олса, ҳар бир талаба олдида, ўқитиш соҳасида қулай истиқболларни очиб беради.

Илм фан, техниканинг ривожланиб бориши, ишлаб чиқаришнинг ўсиши барча соҳаларда бўлгани каби таълим-тарбия соҳасида ҳам аниқ, қатъий мезонлар асосида тарбияланувчининг билим ва фаолият даражасини баҳолаш лозимлигини қун тартибига олиб чиқди._

XX асрнинг иккинчи ярмидан ижтимоий тараққиётнинг мислсиз тезлиги талabalарнинг билими, қўнишка ва малакалари даражаларини қисқа вақт оралиғида холис баҳолаш имконини берувчи, назоратнинг янги усулини яратишни тақоза этди. Ана шу заруратнинг самараси сифатида талабанинг билим даражасини аниқловчи рейтинг тизими ишлаб чиқилди.

“Мусиқа таълим” фанидан электрон ўқув қўлланма яратишга қўйиладиган педагогик талаблар (*Power Point маъруза тақдимотида*)

Power Point маърузани тетиклаштирувчи жуда самарали восита бўлиши мумкин. Графикалар, фотосуръатлар, жадваллар, графалар, аудио ва видео клипларни тақдим этиш ва веб сайтларни кўрсатиш осондир. Тўғри фойдаланилса, бу қизиқишини пайдо қилиши ва бой ва кенг маълумот олишни таъминлаши мумкин.

Бахтга қарши, Power Point тақдимотлари кўп ҳолларда бу хусусиятни жалб этмайди ва маърузачи эски йўлларда ўрганиб қолган кўп сонли зерикарли слайдларни варақлаш билан тугайди. Бу слайдлар ҳеч қандай муаммо бўлмаслиги керак; бу фикрлар фойдали бошлиш нуқтаси бўлиши мумкин, агарда қўшимча маълумот ва иллюстрациядан фойдаланилган бўлса. Асосий фикрлар бошқа материаллар билан бойитилган слайдлар ҳайратланарди даражада яхши ишлаши мумкин. Бироқ факат асосий фикр кўрсатилган слайдлардан вақтга мос келмайдиган даражада кўп миқдорда фойдаланиш, талаба қизиқишини секинлаштиради. Бу янада кучаяди, агар маърузачи бу гапларни ўқиши учун қўшимча вақт сарфласа. Нима маърузачига талabalар ўзи ўқиб олмасдан ўрганишига ёрдам беради? Бундан ташқари Свеллер (2007) мия фаолиятида олиб борган изланишларидан шуни хulosса қилдики, тақдимотда кўрсатилган сўзларни ўқиб бериш билимни қабул қилиш даражасини пасайтиради. Шу сабабли, у шундай деб айтган (тхе Тимес? 18-апрель 2007 йил), PowerPoint бу ҳалокатдир ва ишдан чиқиши керак. Бироқ бу танқид асосли бўларди, агар жуда кам ҳолларда тўғри бўлган слайддаги матн шунчаки ўқиб берилса.

Power Pointдан маърузада самарали фойдаланиш:

- Слайдлар сонини минимумга тушуринг. Слайдлардан тақдимотни кучайтириш ва бойитиш учун фойдаланинг; агар слайдлар қўшимча ҳеч нарса бермаса, уни қўшманг;
- Диққатни бузувчи қийинлаштирилган орқа фондан фойдаланманг. Матн ва фон ўртасидаги ранглар мувозанатини сақланг
 - Жуда мураккаб графалардан фойдаланманг
 - Ариал ва Вердана каби сенсериф шрифтларидан фойдаланинг
 - Асосий фикрни намоён этиш учун фақат слайдли маърузалардан қочинг;
 - Агар ёрдам берса, мураккаб ғояларнинг график ҳолда тушунтиришни қуриш учун PowerPointда анимациядан фойдаланишни инобатта олинг.
 - Рақамлашган суръатлардан, овоз ёки видео материаллардан тақдимот ичидаги мос бўлса фойдаланинг ва ҳисобга олинг;
 - Материал бўйича ўрганишга имкон берувчи актив тугмалар ёки гиперсылкалардан фойдаланинг. Савол-жавоб слайдлари да биргина тугмани босиш билан бошқа слайдга этиш ва яна қайтиб шу слайдга олиб келиш учун айниқса самаралидир.

Power Point ва матнлар

Хозирда талабалар маърузачилардан дарс вақтидаги тақдимот нусхасини муссаса веб сайти ёки ВЎМ (Вертуал ўрганиш мухити орқали беришларини сўрашади. Бу ҳолат маърузачилар томонидан талабалар қоралама матнлар ёки электрон тарзда келмаган дарсларининг ўрнини тўлдириш учун ишлатишади деб тушунилади. Ҳақиқат эса шундаки, агар маърузага қатнашиш уларга PowerPoint усидан ҳеч қандай қўшимча бермаса, ҳақиқатдан ҳам шундай деб ўйлашади. Умумлаштириш ва қизиқиши кўтариш ва талаба қатнашуви каби томонлар маъруза сифатини оширади. Маърузачи талабаларга шунчаки матнни олиш улар билим савиясини оширмаслигини тушунтириши ва уларнинг маъруза ўқишига имкон бериш жуда муҳимдир.

Янги маърузачи учун ҳар хил гуруҳ талабаларига маъруза ўқиши учун жуда муҳим тажриба бўлиб ҳисобланади. Материални шунчаки билиш етарли эмас. Маърузачи маърузани қизиқарли ва эътиборни тортадиган қилиб, яхши тайёргарлик кўриши ва мос ва мавзули мисоллардан фойдаланиб мавзуни тушунтира олиши зарур. Маърузани тўғри ўтиш маҳорат ва вақт талаб қиласи. Талаба ва ҳамкаслардан маъруза тўғрисида фикрларини сўраш маъруза ўқиши сифатини кўрсатиш учун муҳим омил ҳисобланади ва Сиз ўз амалиётингизни кучайтиришни хоҳлашингиз мумкин⁷.

Маълумки, узлуксиз таълим тизимининг барча турларида фундаментал билимлардан иборат бўлган умумтаълим фанлар бўйича ўқув адабиётлари, асосан, анъанавий босма шаклда тайёрланади. Ҳозирги замонавий ўқув дарсликлари уларнинг электрон варианatlари ҳамда зарур бўлган дастурларнинг дисклари билан илова қилинмоқда. Бу эса, ўз навбатида машғулотларни замонавий электрон техник воситалардан унумли фойдаланиб ташкил қилишга қулай бўлмоқда.

Бугунги қунда электрон ўқув адабиётларининг тўртта кўриниши мавжуд:

1. Ўқув ва илмий материалар фақат вербал (матн) шаклида.
2. Ўқув материаллари икки ўлчамли график шаклида.
3. Мультимедиа (кўп ахборотли) қўлланмалар, яъни уч ўлчамли график, кўринишда, овозли, видео, анимация ва қисман вербал шаклида.
4. Тактил (ҳис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, ўқувчини «экран олами»да стерео нусхаси тасвиirlанган ҳақиқий оламга кириши ва ундаги объектларга нисбатан харакатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади²

Бундай электрон ўқув адабиётларини яратишдан асосий мақсад қўйидагилардан иборат:

1. Янги ахборот-таълим методини шакллантириш, замонавий ахборот ва компьютер технологияларни қўллаш орқали таълим жараёнининг самарадорлигини, яъни сифати ва унумдорлигини ошириш;
2. Узлуксиз таълим тизимида замонавий ўқув манбалари – электрон ўқув дарсликларини кенг қўллаш ва электрон кутубхоналарни ташкил этиш, таълимнинг масофадан ўқитиш усулларни амалда жорий этиш ва умумжаҳон электрон ўқув тизимига кириш.

Юқоридаги фикрлар асосида олдинги параграфларда қайд этилган техник чизмачиликфанидан қийин ўзлаштириладиган мавзуларни компьютер технологияларидан фойдаланиб ўқитиш бўйича электрон қўлланма яратиш орқали тадқиқотимиз мақсади амалга оширилди. Электрон қўлланманинг мазмуни мутахассис олимларнинг тадқиқотлари (А.Абдуқодиров, У.Юлдашев, Н.Тайлоқов ва бошқалар) натижаларига таянган ҳолда, чизмачилик таълими муаммолари ва уни бартараф этиш йўлларига асосланиб ишлаб чиқилди.

Электрон қўлланма қўйидаги талабларга риоя қилинган ҳолда яратилди:

² A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing tolarge groups, Ann Morton, 59-71p.

Методологик талаб – қўлланма матнидан унинг иллюстрациясигача бўлган барча ўқув материаллари фан мазмунига мувофиқ тузилди.

Мантиқий яхлитлик – қўлланмада мавзулар мазмуни муайян тизим шаклида угалланиб, ҳар бир мавзу битта машғулот учун мўлжалланди.

Амалиётга боғлаш – ҳар бир тушунча, қоида ва чизмалар илмий ва амалий асосланиб, уларни амалиётда қайси соҳаларда кўпроқ қўлланилиши ҳақида маълумотлар билан бойитилди.

Табақалаш – ўқувчилар салоҳиятини ва қизиқишдаги муқаррар тафовутларни назарда тутиб, матнни бир неча даражада табақалаб берилди. (Бунинг учун майда ҳарф, қуюқ ва рангли ёзув сингари усуслар қўлланилган)

Ўқувчиларнинг ёшига хос хусусиятларини назарда тутиши – матн ҳам, кўрсатмалар ҳам ўқув фанига хос мазмунда бўлиб, улар ўқувчи тафаккурини зўриқтирмасдан, педагогик, психологик ва физиологик меъёrlарга риоя қилинган ҳолда тузилди.

З-кўринишдаги электрон қўлланмалар мультимедиа маҳсулоти бўлиб, уларда график амаллар видеолавҳалар ва анимациялар ёрдамида намойиш этилиши билан касб-хунар таълимидаги ўқувчиларнинг самарали билим олишларини таъминлаб, таълим сифатини оширишга хизмат қиласди (2.1-расм).

2.3. *Мусиқа фанларини ўқитишида “Устоз-шогирд” анъаналари*

Таянч иборалар: устоз-шогирд, анъана ва қадриялар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, мустақил таълим, аудио, муносабат, мураббий.

Мусиқа санъати соҳасидаги муносабатлар, таълим шакллари, турлари, услуг ва воситалари, мусиқа ва унинг тарбиявий аҳамиятга оид таълимотлари, ғоялари ва қарашларидан замонавий талқинда фойдаланиш устоз-шогирд анъаналарини ифода этиш масалалари Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби Шарқ мутаффакирлари, шунингдек педагог олимлар Д.Кабалевский, Н.Ветлугина, рус мусиқашунос олимлари В.Успенский, Е.Романовская, Э.Глиер, Т.Соломоновалар томонидан ўрганилган.

Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқиб, таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, ўқитиши ва тарбиялаш мазмунига миллий қадрият ва анъаналарни сингдириш, уларни илгор ғоялар билан бойитишга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ажодларимиз томонидан асрлар давомида яратилган бебаҳо маънавий мерос, унитилган қадрияларни қайта тиклаш, миллий ўзликни англаш

масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Миллий анъана ва қадриятлар қайтадан мустаҳкам қарор топиши натижасида ўқитувчи-устоз фаолияти бўлажак юқори малакали муттаҳиссис кадрларни тайёрлашда нафақат фан асослари юзасидан билим, қўникма ва малакалар билан қуроллантиришда, балки аудиториядан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда, уларнинг иқтидори, қизиқиши ва интилишларини инобатга олган ҳолда илмийтадқиқот ишларига жалб этишда, уларда юксак маънавиятлиликни шакллантиришда “устоз-шогирд” анъаналаридан фойдаланиш эҳтиёжга айланиб бормоқда.

Дарҳақиқат юқори малакали муттаҳиссис кадрлар тайёрлашда “устоз-шогирд” тизимининг аҳамияти бекиёсdir. Мазкур тизим асосида замонавий миллий кадрларни этиштиришда устознинг шогирд билан, яқин, самимий, оқилона муносабатларини жонлантиришга қаратилаётган жиддий эътибор диққатга сазовор.

Шунингдек, мазкур тизим бу икки таълим субъектлари орасида нафақат илм-фан маълумотларини ўзаро алмашиш, балки юқоридаги хулоса: қайси фазилат ва сифатлар асосида илмий тадқиқотлар олиб боришга киришиш, олинган билимларни амалиётга қандай тадбиқ этиш, қайси мақсад ва ғоялар амалиётига йўналтириш ва бошқа шу каби маънавий-маърифий тарбия масалалари билан уйғунликда олиб боришни кўзда тутмоқда.

Демак, бугунги “устоз-шогирд” муносабатларида устоз – мураббийларнинг ўз издошларига фақатгина билим бериш билан чекланиб қолмаслигига аҳамият қаратилаётгани ўзига хос ва муҳим хусусият сифатида намоён бўлади. Хатто, тизимнинг ташкил этилиши ва уни янада такомиллаштиришга берилаётган эътибор марказида – шогирдларнинг маънавий камолотига ғамхурлик қилтинаётгани алоҳида феноменdir. Глобал муносабатлар ривожланиб, турли аҳборотлар билан бир қаторда, ранг-баранг ғоя ва қарашлар шиддат билан оммавийлашиб бораётган ҳозирги даврда, ёшлар маънавий камолотига эътибор бериш ҳар қачонгидан долзарблашиб, “устоз-шогирд” тизими олдига ҳам бир қатор вазифаларни қўйиши табиийdir.

Ҳар қандай юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларнинг чуқур билимга эга бўлиши – маънавий камолот билан уйғунликда олиб боришни тақозо этади. Ёшларда касбий маҳоратни тарбиялаш, уларнинг маънавий-маърифий салоҳиятини ошириш, изланиш, ижод қилиш, бир сўз билан айтганда ҳар томонлама етук шахсни шакллантиришда ўзига хос тарбиявий таъсир кўрсатиш мавжудлиги билан “устоз-шогирд” анъаналари катта аҳамият касб этади.

“Устоз-шогирд” анъаналарининг яна бир характерли жиҳати шундаки, унда шогирднинг ўз имкониятларига ишонч, вазиятни тўғри баҳолаш ҳамда

иродавий сифатлари шаклланади, энг асосийси унинг ижтимоий фаоллиги устозлар назоратида бўлади. Устознинг энг буюк бурчи – юрт равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган, ақл-идрокли, фаҳм-фаросатли ва қобилиятли шогирдлар тайёрлашдан иборат. Устоз яхши шогирд тайёрлаш учун аввало унинг ўзи касбий салоҳиятли, маънавий баркамол, кенг дунёқарааш ва соғлом фикрга эга бўлмоғи лозим.

Қадимдан “устоз-шогирд” анъаналарида устоз нафақат шогирдига йўлйўриқ, қўрсатма берибина қолмай, ўз навбатида уларни мустақил фаолиятга тайёрлаган ҳамда ўзидан кейин иш тажрибаси, билим ва маҳоратини авлодданавлодга ўтишига имконият яратган.

“Устоз-шогирд” муносабатлари муайян дастур, режа асосида олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Бу борада шогирд билан олиб бориладиган иш шаклларида устоз қуидагиларга риоя қилиши лозим:

- шогирдга тарбиявий таъсир қўрсатишда уларни замон талабларига, жамият қонун-қоидаларига мос билимлар билан қуроллантириш;
- ягона мақсад сари интилишга, ишнинг натижасини кўра билишга ўргатиш;
- шогирднинг руҳияти, маънавиятига ижобий таъсир қўрсата олиш ва ўз ўрнида талабчан бўлиш; - ўзини ва ўзгаларни хурмат қилишга одатлантириш;
- муваффақиятни кўзлаган ҳолда олға одимлаш;
- ижобий қайтувчан алоқани ўрнатиш; - тарбияда турли хил усуллардан фойдаланишга эътибор қаратиш; - тарбия жараённида устознинг ҳар томонлама: маънавий, ахлоқий, касбий жиҳатдан намуна бўлиши;
- бурч, масъулият, жавобгарлик ҳиссини шакллантириб бориш ва ҳоказо.

Юқори малакали ҳар томонлама етук мутаҳассис кадрлар тайёрлашга қаратилган “устоз-шогирд” анъаналарида қуидаги педагогик тамойиллар муҳим аҳамият касб этади:

- онглилик ва фаоллик, яъни эгаллаётган у ёки бу фаолиятнинг ўзига хос жиҳатлари, моҳиятини онгли тарзда тўлиқ англаб етиш, унинг истиқболи ва равнақида фаоллик билан ҳаракат қилиш;
- таълим-тарбиянинг турмуш, ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлигини инобатга олиш; - ўқитиш, тарбиялаш мазмуни ва шогирдлик босқичлари изчиллик билан белгилаб қўйилган аниқ мантиқий тартибга эга бўлиши;
- илм-фанинг сир-асрорларини эгаллашда пухталик; - шогирднинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш;
- мутақилликка, ижодий изланишга йўналтириб борища назарий билимларнинг амалиёт билан боғлиқлигини ҳисобга олиш;

Юқорида таъкидланганидек таълим-тарбия тизимида “устоз-шогирд” муносабатларин шакллантириш ва ривожлантириш таълим-тарбиянинг янада

самарадорлигини ошишига ёрдам беради, юқори малакали шогирд тайёрлашдан кўзланган самарани беради. Педагогик таълимот ғояларига кўра амалий кўникма ва малакалар бевосита машқлантириш, яъни муайян фаолиятни амалга бевосита бажариш орқали шаклланади.

“Устоз-шогирд” анъанаси эса талаба-ёшларда бевосита ишлаш, уларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндашиш, мавжуд иқтидорларини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитни яратиши билан аҳамиятлидир. Бу каби ҳолатлар ёшларни нафақат меҳнат ва ишлаб чиқариш фаолиятига масъулият билан ёндашиш, балки ўзгалар меҳнатини қадрлаш, ҳалол меҳнат қилиш, меҳнат самарадорлигидан ғуурланиш каби маънавий-ахлоқий сифатларни ҳам тарбиялади. Фарзанд тарбиясида шарқона, қадимий аждодлар урф-одатлари, анъаналари, ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилишда халқимизнинг миллий тарбия тизимидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор бериш ва бу борада устозлар ўз кучи, ақл-заковотини аямасликлари лозим. Юқоридаги фикрлардан кўринадики, ҳозирги кенг қамровли демократик ислоҳотлар мухитида келажак авлоднинг ватан равнақига ўз ҳиссаларини қўша оладиган юқори малакали кадрлар қилиб тарбиялаш давр талабига айланди. Бу борада таълим-тарбия тизимида “Устоз-шогирд” анъаналари имкониятларидан унумли фойдаланиш мухим аҳамият касб этади.

Олий таълим тизимида устозларни бўлғуси мутахассисларга бириктириш амалиётида изланишлар орқали тасдиқланишича, барча профессор-ўқитувчилар жамоасининг учдан бир қисми ёшлар билан шуғулланиш вазифасини ўз зиммасига олган ва ўзларининг мутахассислик, илмий-тадқиқот кўникма, малакаларини ёшларга тадбиқ қилиб, уларни касбий маҳоратларини шакллантиришда ўзларига хос ёрдам бермоқдалар.

Лекин, шундай фикрни ҳам айтиб ўтиш лозимки, яъни бу ҳаракат буйруқлар орқали тасдиқланишига қадар ҳам ёшлар фаолиятлари устидан назорат қилиш, уларга оталик қилиш масалалари жуда қадим замонлардан бошлаб турли шаклларда; синф раҳбари, қолоқ талабаларга оталик қилиш, тажриба алмашиш каби кўринишларда ривожланиб келган.

Устоз-шогирдлик ҳаракати отадик стаж маъносида махсус маърифий хужжатларга кўра 1964 йилдан ишлаб чиқиш муассасаларида бошланган.¹ Устоз-шогирдлик ҳаракати доирасидан четдан қолган профессор-ўқитувчилар (асосан ёш уқитувчилар) ўзларига таклиф қилинган ижтимоий топшириқлар орқали талаба-ёшлар фаолиятларига оталик қилганлар.

Демак, шу мазмунга хос топшириқларни ҳеч қандай қаршилик қилмасдан мамнуният билан бажарганлар. Бизни тадқиқот ишимизга бир қатор профессор-ўқитувчиларнинг устозлик фаолиятлари ҳақида маълум бир

тажриба алмашиш манбалари ҳақида сўз борар экан, улар қандай устозлик даражасига эришганликлари ҳақидаги саволга (мисол сифатида сўров-анкеталарига жавоб қилганларининг тўртдан бир қисми) “Бу мени бурчим ва вазифамга киради”- деб жавоб қилганлар. Шу билан биргаликда 10% га яқини, уларни шундай тасдиқлаганликларини ифодалайдилар. Сўров-анкета (иловаларга қаранг) материалларининг таҳлили кўрсатишича, айнан, ана шу борада “Шундай тасдиқланганликларини” ифодаловчи гурухдан баъзи бирлари бундай вазифадан воз кечишни билдирадилар. Лекин, улардан бир қисми эса қўшимча маош олаётганликлари боис давом қилдириш зарурлигини кўрсатадилар. Демак, бундай устозларнинг фаолиятлари ҳам фақат моддий томонни кўзлаган экан, уларда ҳеч қандай очиқ кўнгиллик асосида шогирдлар билан ишлаш иштиёқи кам эканлиги тасдиқланади. Лекин, шуниси қувонарлики, 90% профессор-ўқитувчилар устозшогирд анъаналарига педагогик-психологик мазмунда тўғри ёндашмоқдалар. Ўзларининг мутахассислик тажрибаларини ёшлар онгига ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан сингдирмоқдалар. Шу ўринда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, профессорўқитувчилардан устоз-шогирдлик фаолиятларига киришишлари учун оладиган бундай ижтимоий мукаммал юкламани ихтиёрий равища ўз зиммасига олишга розилик беришда мажбурийликка йўл қўймаслик педагогика-психология фанларининг мазмунига киради. Лекин, ҳар бир профессор-ўқитувчиларнинг бу йўналишдаги фаолияти, асосий мутахассислик фаолиятининг, ажralmas бир қисми ҳисобланади. Чунки бу жараён ҳам педагогик фаолият сифатида бўлғуси ҳар томонлама етук мутахассисни тайёрлашга ихтиёрий ёндашиш, ўз ўрнига мувофиқ кадрларни тайёрлаш жараёни демакдир.

Бўлғуси мутахассислар билан ишлашга тайёрлик, уларга ўзини шахсий хиссиёти орқали талабани ёқтириш ёки ёқтирмаслигига қарамасдан ҳар томонлама ёрдам бериш-бу ҳар бир профессор-ўқитувчининг жамият олидидаги бурчи ҳисобланади. Бундай фаолият натижаси эса фаол профессор-ўқитувчининг ўзига хос таснифномасидир. Шу билан биргаликда устоз-шогирдлик фаолияти билан шуғилланувчи профессор-ўқитувчи психологиясини турли психологик ҳусусиятларга эга бўлган ёшлар билан ишлаб билишга мослашиш зарурлигини шакллантиради. Устоз-шогирдлик анъаналарига содиқлик ҳар иккала томонда мавжуд бўлган баъзи бир салбий ҳусусиятларини фаолиятларида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни ўз вақтида кўриш ва бартараф қила билаш имкониятларини яратади. Чунки баъзан устозларга ўз ҳаракатлари билан олийгоҳ тартибинтизомидан чекка чикувчи, дарсга лоқайдлик билан қаровчи, тизимли равища дарсга кеч қолиб келувчи, ижтимоий –фойдали меҳнатга салбий муносабатда бўлувчи

талабалар бирктилиб қолади. Бундай талабаларга албатта биринчи навбатда ўзларига хос тарбиявий таъсир воситалари, услубларини топиш жуда қийин. Бу жараёнда устоз-шогирдларнинг бир-бирларга нисбатан психологик мос бўлмаслиги ишда ҳалақит бериши мумкин.

Устоз уларга эътибор қилмасдан яхши сўз, муносабат жараёнини очиқ кўнгиллик билан ўрната олиши орқали шогирд кўнглига мос вазифасини бажаришдан уни аста-секинлик билан таълим-тарбия жараёнига етаклаб бора билиши керак. Бундай ҳолат эса ўз навбатида ўзаро ижтимоий – психологик муносабатларини яхшиланишига олиб келади. Бу жараёнга ёрқин мисол сифатида устозлик фаолиятини бошланиш босқичи мазмунини келтириш мумкин. Устоз ўз ишини шогирдлар гурухи билан танишишдан бошлади. Ўзига беркитилган ҳар бир талаба билан якка тартибда танишиб уларни нимага қобилиятли эканлигини билиб олди. Ўзи мутахассис сифатида маъруза ўқийдиган талабалар жамоасидан М. Исмли талаба ҳам унга шогирд сифатида танланганини билиб олди. У шогирди М.нинг салбий ҳатти-ҳаракатларини олдиндан билар эди. Шунинг учун ҳам унга шогирдларнинг биринчи йигилишида шу гуруҳга сардорлик қилиш вазифасини топширди ва М. билан биргаликда шогирдлар билан ишлаш режа, тадбирларни тузиб чиқадилар. М. фаол шогирд сифатида жамоада кундан-кунга ўз фаолиятини фақат ижобий томонга фаоллаштириди. Уни раҳбарлигида устоз-шогридлик гурухи венеткаси (умумий тасвирий ифодаланган сурат) ишлаб чиқилди, ўзи эса барча фанлардан “яхши” ва “аъло” баҳоларга ўқий бошлади. Бундай мисолларни бошқа устоз-шогирд гуруҳларидан ҳам келтириш мумкин.

Шуни ҳам изоҳлаб ўтиш зарурки, яъни устоз-шогирдлик муддати давомийлиги қанча муддатни ўз ичига олиши кераклигини аниқлаб олиш зарурми ёки устоз-шогирдлик бутун бир умрга давом этадими деган масалалар бир қатор кенгашлар, мажлислар, ўзаро суҳбатлар мавзусига айланган. Бундай ўзбекона урф-одатларга таянган ҳолда бу масала устоз-шогирдларни ўзаро бир умрга барча ишларда ҳамдард, ҳамнафас бўлишлари кераклигини тасдиқлайди. Энди устоз-шогирдлик муносабатлари фақат ўкув фаолиятларида амалга ошириладиган жараён сифатида қараладиган бўлса, шогирдларни олийгоҳни муваффақиятли тугаллашлари, иш ўринларига эга бўлишлари, ўзларини ҳам устозлик фаолиятларини бошлашлари билан бу жараён якунланади. Шундай бўлса ҳам устозшогирдлик бу бутун умрлик жараён деб қаралади. Чунки ҳар бир устоз ўз фаолиятини турлича қабул қиласи, турлича услуб. воситалар орқали амалга оширади ва ўз қобилияти доирасида таълим-тарбиявий таъсир доирасини белгилайди.

Шогирдларга таълим-тарбиявий таъсир кучини ўтказишида устозлар турлича инсонлар тақдирлари билан дуч келадилар (шогирдларнинг ҳар бири

ўзининг ҳарактери, қобилияти, интилиши кабилар билан бир-биридан ажралиб турадилар). Айнан ана шундай хусусиятлар устоз-шогирдлар томонидан тушунарли бўлмаса устозлик фаолиятлари шу сабабларга кўра бузилишга келиб тақалади. Булардан ташқари устоз-шогирдлик фаолиятларини бузилишига мавжуд бўлган сабаблар: бошқа факультет ёки бўлимга ўтиш, армия сафига чакирилиши, академик таътил олиш кабилар ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Шундай фикрлар қаторида, устозлик муддатини қачон тугулланган деб ҳисоблаш зарур деб топиш, кўпгина анкета саволларига шогирдлар берган жавоблардан излаш керак.

Албатта, устозлик ишини кўрсаткичлари ва сифатига кўра муддати тугалланиши устозларнинг ўз шогирдлари фаолиятларини кейинги муддатларда назорат қилиш жараёнини чеклаб қўймайди. Лекин, бу фаолият мулоқот ва муносабат мазмунини янада юқори даражада амалга оширилади. Чунки кўпгина шогирдларни ўзлари устозлик вазифасини бажара бошлайдалар ва катталарнинг маслаҳатларига муҳтожлик сезадилар.

Натижада устоз-шогирдлик анъаналари орқали авлодлар ҳамкорлик фаолиятлари амалга ошади.

Устозларнинг ижтимоий фаоллиги

Баркамол авлодни тарбиялаш шароитида барча жамоаларининг ижтимоий фаоллиги асосий ўринни эгаллайди. Ишлаб чиқариш кучларининг тез суръат ижтимоий ўсиб бориши, нафақат ишчи кучларининг ижтимоий фаолият шакллари, балки уларни тарбиялаб шакллантирувчи устозларнинг ҳам ижтимоий фаоллиги билан боғлиқ.

Ижтимоий фаоллик турлари асосан ҳар бир кишининг мустақил фаолият турлари билан чамбарчас боғлиқ. Устозларнинг ижтимоий фаоллиги ўз-ўзини бошқариш, турли йўналишларда дўстона рақобатбардошлиқни ўрнатиш ҳаракатдаги илмий-услубий кенгашларда иштирок этиш, илмий таҳлил ҳайъатларида шогирдлар фаоллигини тасдиқлаш, шогирдлар билан ҳамкорликдаги фаолиятларни режалаштириш каби шаклларда ифодаланади.

Устоз-шогирдлар фаоллиги ҳамма вактларда ҳам кўп қиррали жараён ҳисобланган ва мутахассислик билим, кўникма, малакаларида ифодаланган. Устоз-шогирдларнинг ижтимоий фаоллиги жамият қизиқишилари асосида фаолият олиб боришиларида ифодаланади. Натижада ҳар иккала шахснинг онгли фаолият қилиши, ижтимоий топшириқларни бажаришлари кабилар асосида ички эхтиёжларни қондириш, ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида шакллантириш амалга оширилади. Ижтимоий фаолият қилиш маъноси кенг доирада инсонни ижтимоий манба сифатидаги фаолиятида ифодаланади. Тор маънода ижтимоий фаолият бу моддий ва маънавий бойлиқ

ёритишига йўналтирилган ижодий фаолиятдан ташкил топган фаолият хисобланади. Айнан шу йўналишда устозлар ижтимоий фаолиятлар йўналишлари тасдиқланади. Улар ўзларининг асосий касбий, мутахассислик вазифаларидан ташқари бўлғуси касб эгалари ёшларни тезлик билан касбий-мутахассислик фаолиятларига киришиш имкониятларини яратади.

Жамият баркамол авлодни шакллантириш ҳаракати ҳар бир шахсни, айнан, бўлғуси ўқитувчилани тайёрлашда уларни ижтимоий фаоллигини амалга ошириш, ўзларини ижтимоий моҳиятларини тушунишларини таъминлаш қаби қўп қиррали вазифаларни бажаришга ўргатиш билан боғлиқ.

Натижада, устоз-шогирдлик анъанаси онгли ва кўпгина мақсадларни амалга оширишга қаратилган жараёнга айланиб боради.

Уларнинг фаолиятлари орқали, сафлари кенгайиб боради, ҳар бир талаба ўзлигини турли йўналишларда намоён қилади. Шундай қилиб, бир вақтни ўзида талаба оммасини фаоллиги асосида, ҳар бир талабанинг ижтимоий, илмий-услубий қиёфаси шаклланади.

Талаба шахсини ижтимоий фаоллиги устозлар назорати асосида тизимли талаб қилинадиган эҳтиёжга айланади. Устозлар фаолиятини таснифлаш учун рисоладанавбатдаги кўрсаткичлардан фойдаланилган:

- устоз томонидан қабул қилинган мажбурият ва вазифаларни ихтиёрийлик тамойилига асосланганлиги (лекин, маҳсус буйруқ асосида танланганлиги);
- унинг ижтимоий топшириқлар ҳажми;
- тарбиявий таъсирини шогирдларга ўtkаза билиш таснифи (иш стажи, ёши, жинси, лавозими, илмий даражаси);
- турли мусобоқаларда, шогирдлар билан анжуманларда иштироки кабилар.

Ҳар бир йўналиш бўйича эришилган кўрсаткичларга айрим-айрим тўхталиб ўтамиз.

Олий таълим тизимида устозларни бўлғуси мутахассисларга бириктириш амалиётида изланишлар орқали тасдиқланишича, барча профессор-ўқитувчилар жамоасининг учдан бир қисми ёшлар билан шуғуланиш вазифасини ўз зиммасига олган ва ўзларининг мутахассислик, илмий-тадқиқот кўникма, малакаларини ёшларга тадбиқ қилиб, уларни касбий маҳоратларини шакллантиришда ўзларига хос ёрдам бермоқдалар.

Лекин, шундай фикрни ҳам айтиб ўтиш лозимки, яъни бу ҳаракат буйруқлар орқали тасдиқланишига қадар ҳам ёшлар фаолиятлари устидан назорат қилиш, уларга оталик қилиш масалалари жуда қадим замонлардан бошлаб турли шаклларда; синф раҳбари, қолоқ талabalарга оталик қилиш, тажриба алмашиш қаби кўринишларда ривожланиб келган.

Устоз-шогирдлик ҳаракати оталик стаж маъносида маҳсус маърифий хужжатларга кўра 1964 йилдан ишлаб чиқиш муассасаларида бошланган. Устоз-шогирдлик ҳаракати доирасидан четдан қолган профессор-ўқитувчилар (асосан ёш уқитувчилар) ўзларига таклиф қилинган ижтимоий топшириқлар орқали талаба-ёшлар фаолиятларига оталиқ қилганлар. Демак, шу мазмунга хос топшириқларни ҳеч қандай қаршилик қилмасдан мамнуният билан бажарганлар. Бизни тадқиқот ишимизга бир қатор профессорўқитувчиларнинг устозлик фаолиятлари ҳақида маълум бир тажриба алмасиши манбалари ҳақида сўз борар экан, улар қандай устозлик даражасига эришганликлари ҳақидаги саволга (мисол сифатида сўров-анкеталарига жавоб қилганларининг тўртдан бир қисми)

“Бу мени бурчим ва вазифамга киради”- деб жавоб қилганлар. Шу билан биргалиқда 10% га яқини, уларни шундай тасдиқлаганликларини ифодалайдилар. Сўров-анкета (иловаларга қаранг) материалларининг таҳлили кўрсатишича, айнан, ана шу борада “Шундай тасдиқланганликларини” ифодаловчи гурухдан баъзи бирлари бундай вазифадан воз кечиши билдирадилар. Лекин, улардан бир қисми эса қўшимча маош олаётганликлари боис давом қилдириш зарурлигини кўрсатадилар. Демак, бундай устозларнинг фаолиятлари ҳам фақат моддий томонни кўзлаган экан, уларда ҳеч қандай очик кўнгиллик асосида шогирдлар билан ишлаш иштиёқи кам эканлиги тасдиқланади. Лекин, шуниси қувонарлики, 90% профессор-ўқитувчилар устозшогирд анъаналарига педагогик-психологик мазмунда тўғри ёндашмоқдалар. Ўзларининг мутахассислик тажрибаларини ёшлар онгига ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан сингдирмоқдалар. Шу ўринда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, профессорўқитувчилардан устоз-шогирдлик фаолиятларига киришишлари учун оладиган бундай ижтимоий мукаммал юкламани ихтиёрий равишда ўз зиммасига олишга розилик беришда мажбурийликка йўл қўймаслик педагогика-психология фанларининг мазмунига киради.

2.4. Мусиқа санъати фанларини ўқитишида таълим методлари ва воситалари

Таянч иборалар: узлуксиз таълим, таълим тузилмаси, таълим хусусиятлари, мусиқа санъати, педагогик технологиялар, услубиёт, услуг, восита.

Мусиқа санъати соҳасидаги муносабатлар, таълим шакллари, турлари, услуг ва воситалари, мусиқа ва унинг тарбиявий аҳамиятга оид таълимотлари,

ғоялари ва қарашларидан замонавий талқинда фойдаланиш устоз-шогирд анъаналарини ифода этиш масалалари Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби Шарқ мутаффаккирлари, шунингдек педагог олимлар Д.Кабалевский, Н.Ветлугина, рус мусиқашунос олимлари В.Успенский, Е.Романовская, Э.Глиер, Т.Соломоновалар томонидан ўрганилган. Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқиб, таълимтарбия тизимини янада такомиллаштириш, ўқитиш ва тарбиялаш мазмунига миллий қадрият ва анъаналарни сингдириш, уларни илгор ғоялар билан бойитишга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратилган бебаҳо маънавий мерос, унитилган қадриятларни қайта тиклаш, миллий ўзликни англаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Миллий анъана ва қадриятлар қайтадан мустаҳкам қарор топиши натижасида ўқитувчи-устоз фаолияти бўлажак юқори малакали мутаҳассис кадрларни тайёрлашда нафақат фан асослари юзасидан билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришда, балки аудиториядан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда, уларнинг иқтидори, қизиқиши ва интилишларини инобатга олган ҳолда илмийтадқиқот ишларига жалб этишда, уларда юксак маънавиятлиликни шакллантиришда “устоз-шогирд” анъаналаридан фойдаланиш эҳтиёжга айланиб бормоқда. 30 Дарҳақиқат юқори малакали муттассис кадрлар тайёрлашда “устозшогирд” тизимининг аҳамияти бекёсdir.

Мазкур тизим асосида замонавий миллий кадрларни етиштиришда устознинг шогирд билан, яқин, самимий, оқилона муносабатларини жонлантиришга қаратилаётган жиддий эътибор диққатга сазовор. Шунингдек, мазкур тизим бу икки таълим субъектлари орасида нафақат илм-фан маълумотларини ўзаро алмашиш, балки юқоридаги хулоса: қайси фазилат ва сифатлар асосида илмий тадқиқотлар олиб боришига киришиш, олинган билимларни амалиётга қандай тадбиқ этиш, қайси мақсад ва ғоялар амалиётига йўналтириш ва бошқа шу каби маънавий-маърифий тарбия масалалари билан уйғунликда олиб боришни кўзда тутмокда. Демак, бугунги “устоз-шогирд” муносабатларида устоз – мураббийларнинг ўз издошларига фақатгина билим бериш билан чекланиб қолмаслигига аҳамият қаратилаётгани ўзига хос ва муҳим хусусият сифатида намоён бўлади. Хатто, тизимнинг ташкил этилиши ва уни янада такомиллаштиришга берилаётган эътибор марказида – шогирдларнинг маънавий камолотига ғамхурлик қилтинаётгани алоҳида феномендир. Глобал муносабатлар ривожланиб, турли аҳборотлар билан бир қаторда, ранг-баранг ғоя ва қарашлар шиддат билан оммавийлашиб бораётган ҳозирги даврда, ёшлар маънавий камолотига

эътибор бериш ҳар қачонгидан долзарблашиб, “устоз-шогирд” тизими олдига ҳам бир қатор вазифаларни қўйиши табиийдир. Ҳар қандай юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларнинг чуқур билимга эга бўлиши – маънавий камолот билан уйғунликда олиб боришни тақозо этади. Ёшларда касбий маҳоратни тарбиялаш, уларнинг маънавий-маърифий салоҳиятини ошириш, изланиш, ижод қилиш, бир сўз билан айтганда ҳар томонлама етук шахсни шакллантиришда ўзига хос тарбиявий таъсир кўрсатиш мавжудлиги билан “устоз-шогирд”анъаналари катта аҳамият касб этади.

“Устоз-шогирд”анъаналарининг яна бир характерли жиҳати шундаки, унда шогирднинг ўз имкониятларига ишонч, вазиятни тўғри баҳолаш ҳамда иродавий сифатлари шаклланади, энг асосийси унинг ижтимоий фаоллиги устозлар назоратида бўлади. Устознинг энг буюк бурчи – юрт равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган, ақл-идрокли, фахм-фаросатли ва қобилиятли шогирдлар тайёрлашдан иборат. Устоз яхши шогирд тайёрлаш учун аввало унинг ўзи касбий салоҳиятли, маънавий баркамол, кенг дунёқарашиб ва соғлом фикрга эга бўлмоғи лозим. Қадимдан “устоз-шогирд” анъаналарида устоз нафақат шогирдига йўлийўриқ, кўрсатма берибина қолмай, ўз навбатида уларни мустақил фаолиятга тайёрлаган ҳамда ўзидан кейин иш тажрибаси, билим ва маҳоратини авлодданавлодга ўтишига имконият яратган.

“Устоз-шогирд” муносабатлари муайян дастур, режа асосида олиб борилиши мақсадга мувоғиқ. Бу борада шогирд билан олиб бориладиган иш шаклларида устоз қўйидагиларга риоя қилиши лозим: - шогирдга тарбиявий таъсир кўрсатишда уларни замон талабларига, жамият қонун-коидаларига мос билимлар билан қуроллантириш; - ягона мақсад сари интилишга, ишнинг натижасини қўра билишга ўргатиш; 31 - шогирднинг руҳияти, маънавиятига ижобий таъсир кўрсата олиш ва ўз ўрнида талабчан бўлиш; - ўзини ва ўзгаларни хурмат қилишга одатлантириш; - муваффақиятни кўзлаган ҳолда олға одимлаш; - ижобий қайтувчан алоқани ўрнатиш; - тарбияда турли хил усуллардан фойдаланишга эътибор қаратиш; - тарбия жараёнида устознинг ҳар томонлама: маънавий, ахлоқий, касбий жиҳатдан намуна бўлиши; - бурч, масъулият, жавобгарлик ҳиссини шакллантириб бориш ва ҳоказо. Юқори малакали ҳар томонлама етук мутаҳассис кадрлар тайёрлашга қаратилган “устоз-шогирд” анъаналарида қўйидаги педагогик тамойиллар муҳим аҳамият касб этади: - онглилик ва фаоллик, яъни эгаллаётган у ёки бу фаолиятнинг ўзига хос жиҳатлари, моҳиятини онгли тарзда тўлиқ англаб етиш, унинг истиқболи ва равнақида фаоллик билан ҳаракат қилиш; - таълим-тарбиянинг турмуш, ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлигини инобатга олиш; - ўқитиш, тарбиялаш мазмуни ва шогирдлик босқичлари изчилиллик билан белгилаб

кўйилган аниқ мантиқий тартибга эга бўлиши; - илм-фаннинг сир-асрорларини эгаллашда пухталик; - шогирднинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш; - мутақилликка, ижодий изланишга йўналтириб боришда назарий билимларнинг амалиёт билан боғлиқлигини ҳисобга олиш; Юқорида таъкидланганидек таълим-тарбия тизимида “устоз-шогирд” муносабатларин шакллантириш ва ривожлантириш таълим-тарбиянинг янада самарадорлигини ошишига ёрдам беради, юқори малакали шогирд тайёрлашдан кўзланган самарани беради.

Педагогик таълимот ғояларига қўра амалий кўникма ва малакалар бевосита машқлантириш, яъни муайян фаолиятни амалга бевосита бажариш орқали шаклланади. “Устоз-шогирд” анъанаси эса талаба-ёшларда бевосита ишлаш, уларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндашиш, мавжуд иқтидорларини янада ривожлантириш учун қулай шартшароитни яратиши билан аҳамиятлидир. Бу каби ҳолатлар ёшларни нафақат меҳнат ва ишлаб чиқариш фаолиятига масъулият билан ёндашиш, балки ўзгалар меҳнатини қадрлаш, ҳалол меҳнат қилиш, меҳнат самарадорлигидан ғуурланиш каби маънавий-ахлоқий сифатларни ҳам тарбиялади. Фарзанд тарбиясида шарқона, қадимий аждодлар урф-одатлари, анъаналари, ахлоқодоб қоидаларига амал қилишда халқимизнинг миллий тарбия тизимидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор бериш ва бу борада устозлар ўз кучи, ақл-заковотини аямасликлари лозим. Юқоридаги фикрлардан кўринадики, ҳозирги кенг қамровли демократик ислоҳотлар муҳитида келажак авлоднинг ватан равнақига ўз ҳиссаларини қўша оладиган юқори малакали кадрлар қилиб тарбиялаш давр талабига айланди. Бу борада таълим-тарбия тизимида “Устоз-шогирд” анъаналари имкониятларидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

3- мавзу. Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари (2 соат)

- 3.1. Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш
- 3.2. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.
- 3.3. Мусиқа ўқитишда инновацион технологияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши.
- 3.4. Инновацион таълим тамойиллари. Муисқа таълимида замонавий стратегиялар

Таянч иборалар: технологик харита, таълим тузилмаси, таълим берувчи, хорижий адабиётлар, педагогик технологиилар, инновация, услуг, восита.

3.1. Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш

Технологик харитада таълим берувчи ва таълим оловчи фаолият (ўкув жараён)и босқичларининг кетма-кетлиги ва мазмуни ҳамда уларда қўлланиладиган воситалар тавсифланади. Технологик харита талабаларнинг мустақил ишлашларини назорат қилишига ёрдам беради

Мавзуй режадан фарқли ўлароқ технологик харитада (1) ўқув машғулотининг босқичлари ва вақти; (2) таълим берувчи фаолияти билан бирга, таълим оловчининг ҳам фаолияти; (3) таълим беришнинг усул, шакл ва воситалари; (4) таълим мақсадларининг ўқув ютуқлари мониторинги ва баҳолашлари кўрсатилади.

Технологик хаританинг тузилиши ва мазмунли кўрсаткичлари.

1 - босқич (5-10 дақиқагача). Ўқув машғулотига кирии.

Таълим берувчи ва таълим оловчилар ҳаракати:

- Таълим берувчи мавзунинг номи, (маъруза) режаси билан, ўқув машғулотининг хусусияти билан (муаммоли маъруза, ўргатувчили ўйин ва бошқ.), мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини, ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таништиради.

- Таълим оловчилар тинглайдилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар, ёзиб оладилар.

2 - босқич (55-65 дақиқагача). Асосий / маълумот берувчилик. Таълим берувчи ва таълим оловчилар ҳаракати:

- Таълим берувчи ўқув машғулотининг режасига тузилишига мувофиқ тузиб чиқсан таълим моделини амалга оширади, кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича таълим оловчилар ўқув фаолиятини бошқаради.

- Таълим оловчилар кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича режалаштирилган ўқув ҳаракатини бажарадилар.

3 - босқич (10-15 дақиқагача). Якуний - натижавий.

Таълим берувчи ва таълим оловчилар ҳаракати:

- Таълим берувчи мавзу бўйича якун ясайди, таълим оловчилар эътиборини асосийларга қаратади, бажарилган ишларни келгуси касбий иш фаолиятидаги аҳамиятини маълум қиласди, гуруҳлар, алоҳида талабалар ишини баҳолайди ёки ўзаро баҳолашнинг якунини чиқаради; ўқув машғулоти

мақсадига эришиш даражасини баҳолайди; мустақил иш учун топшириқ беради.

- Таълим олувчилар ўзаро баҳолашни ўтказадилар, савол берадилар, топшириқни ёзадилар.

Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (дақ.)	1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказади. Машғулот режаси билан таниширади. 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади. 1.3. Ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таниширади	Тинглайдилар, ёзиб оладилар. Аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.
2-босқич. Асосий (дақ.)	2.1. Тезкор-сўров/ савол-жавоб/ ақлий ҳужум орқали билимларни фаоллаштиради. 2.2. Маъруза/ семинар/ амалий машғулотининг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён этади	Жавоб берадилар Ёзадилар. Гурухларда ишлайдилар, тақдимот киладилар ва бош
3-босқич. Якуний (дақ.)	3.1.Мавзу бўйича якунлайди, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Гурухлар ишини баҳолайдилар, ўқув машғулотининг мақсадга эришиш даражасини таҳлил қиласиди. 3.3. Мустақил иш учун топшириқ беради ва унинг баҳолаш мезонларини етказади .	Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар. Савол берадилар. Топшириқни ёзадилар

Ўқув жараёнидаги ўрнига кўра йўриқнома бериш уч турда бўлади:

- 1) кириш ёки йўл-йўриқ бериш;
- 2) жорий;
- 3) якуний.

Кириш йўриқномасини бериш қўйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

талабаларга бажариладиган иш мазмуни, педагогик ўзаро ҳаракатнинг усул, восита ва шаклларини, техник ҳужжатлар ва якуний натижага, меҳнат маҳсулига бўлган талабларни етказиш;

- иш бажариш қоидаси ва изчиллиги, алоҳида ҳаракатлар, усулларни тушунтириш;
- қийинчиликлар, хатоликлар, меҳнат хавфсизлиги тўғрисида огоҳлантириш.

Жорий йўриқнома бериш қўйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

- ишни бажаришга қийналаётган талабалар ишини тўғрилаш;
- ҳар бир талаба ишини кузатиш;
- иш турларини бажариш ва иш натижалари вақтидаги мустақилликни ўрнатиши.

Якуний йўриқнома бериш қўйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

- жамоавий ва гурухли меҳнат натижаларини баҳолаш;
- ўқув – билиш фаолиятнинг мустақиллик даражаси;
- меҳнат ҳаракатларини бажаришдаги алоҳида камчиликларни аниқлаш;
- касбий муҳим сифатлар, кўникма, ўзини тутишнинг одоб–ахлоқий меъёрларини шаклланганлиги;
- баҳолар билан таништириш.

Йўриқнома бериш шаклига кўра оғзаки, ёзма, кўргазмали ва аралаш бўлиши мумкин. Ёзма йўриқнома беришда энг катта самараға эришиш мумкин бўлиб, бунда турли йўриқномали, ишлаб чиқаришли, ўқув–ишлаб чиқаришли ва ўқув–услубий ҳужжатлардан (йўриқномали, технологик, йўриқномавий–технологик ва ҳаракатлар харитаси, ишлар тартиби, қоидаси) фойдаланилади.

Технологик ва йўриқномавий–технологик хариталар ўқув–ишлаб чиқаришли ишларни бажаришда қўлланилади. Улар технологик изчилликдан ташқари, технологик талаб, тартиб, умумий ишларни бажариш воситалари, ишларни бажариш қоидасининг йўриқномали баёнидан иборат бўлади.

Ҳаракатлар харитаси ва ишлар тартибидан ёзма йўриқнома бериш: хизмат кўрсатиш, носозликларни ташхислаш, мураккаб жиҳозларни созлашни ўргатишда фойдаланилади. Улар ишлаб чиқариш фаолиятида бажариладиган турли ишлаб чиқаришли кўрсатма ва қоидаларни ўз ичигаолади. Иш ўрнида ҳар бир талабани ёзма йўриқномадан фойдаланиши энг самарали ҳисобланади.

Семинар - мунозаранинг технологик харитаси

Иш босқич-лари ва мазмуни	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим олевучи
1-босқич. Тайёргарлик.	Семинар мавзуси, унинг мақсади, вазифа ва натижаларини аниқлади; таълим олевчилар мунозарада эришиши мумкин бўлган, натижларни шакллантиради; мунозарада муҳокама қилиш муҳим бўлган муаммони ажратадилар, маърузачи ва иштирокчи учун асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхатини шакллантиради. 1) семинар олиб борувчи, 2) эътиrozчи ва тақризчиларни, 3) мантиқчи, 4) руҳшунос, 5) экспертларни белгилайди ва уларга тайёргарликда ёрдам беради. Мунозара ўтказиш тартиби ва ташкиллаштиришни дастурлаштиради	Семинар бошловчиси таълим олевчилардан бирига семинар мавзуси бўйича маъруза қилишини топширади
2-bosқич. Кириш	Семинар мавзусини эълон қиласи, семинар олиб борувчини таништиради	Олиб борувчи маърузачи, эътиrozчи, тақризчи, мантиқчи, руҳшунос ва экспертларни таништиради
3-босқич. Асосий қисм	Саволлар беради, алоҳида билдиришлар қиласи, маърузанинг асосий ҳолатини аниқлади, фикрлашдаги қарама-қаршиликларни чеклади. Гапирилаётган фикрларда эркинлик ва қизиқувчанликни намоён қиласи, муаммонинг ишончли баёнини ишлатади	Маърузадан сўнг олиб борувчи эътиrozчи ва тақризчиларга сўз беради. Иштирокчиларни “Мунозара иштирокчилари эслатмаси” билан таништиради ва мунозара бошланишини эълон қиласи
4-босқич. Якуний-таҳлилий	Мунозара юзасидан қисқа ва баҳосиз боғлиқли саволларни ажратади ва тузилмага келтиради. Якуний хуласаларни шакллантиради. Иштирокчиларга баҳо беради	Олиб борувчи эътиrozчи, тақризчи, мантиқчи, руҳшуносга сўз беради
таҳлилий	солади, хуласалайди	

3.2. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари

Таянч иборалар: хорижий адабиётлар, таълим жараёни, масофавий ўқитиши усуллари, webinar, инновация, модулли ўқитиши, анъанавий таълим.

Мусиқа санъати фанларининг ўзига хос жиҳатлари. Хорижий тажрибалар асосида дарсларни ташкил этиш услублари.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ёш авлодга мусиқий тарбия бериш ишлари умумдавлат аҳамиятига эга бўлиб, шахс шакллантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Хор ижроилиги элементларини 25 ўз ичига олган мусиқий тарбиянинг замонавий хорижий услублари орасида куйида баён этилган йўналишлар бутун дунёда оммалашиб кетган. Шунингдек, Толбухин шаҳри ва Болгариядаги "Бодра Смяна", хор жамоалари, Берлиндаги усмирлар хор жамоаси, Польшадаги "Познан булбуллари", Чехиянинг Борно шаҳри усмирлар саройи хор жамоалари ва бошакалар машҳур хор жамоалари қаторига киради. Лейпцигда XIII асрда ташкил топган "Томанерхор" жамоасида гурухли куйлашнинг кўхна анъаналари ривожланмақда. Жумладан, З.Кодай (Венгрия, сольфеджио, мусиқа ўқувини ривожлантириш). Л.Даниел ва Ф.Лиссек (Чехия "таянч"қўшиқлари, сольфеджио), Б.Тричков (Болгария, сольфеджио), Р.Мюнних (Германия, "ялен" тизими, сольфеджио, кўшиқчилик), К.Орф (Германия - Австрия, мусиқали ижод, метроритмик ўқувини ривожлантириш), Е.Жак-Далькроз (Швецария, мусиқали ижод), Т.Судзуки (Япония скрипка ижроилигига ўргатиш орқали мусиқий малакаларни ривожлантириш), Дж.Кервен (Англия, "Тоник-соль-фа" тизими, сольфеджио), П.Ван Хауве (Голландия, мусиқали ижод), Д.Б.Кабалевский (Россия, мусиқа асарларини идрок этиш тажрибасини ривожлантириш). Энди ҳар бир мамлакатнинг мусиқа таълим-тарбия тизимини алоҳида қўриб чиқамиз.

Хорижий мамлакатларда масофавий ўқитиши дастурлари асосида фаолият юритувчи машҳур университетлар вужудга келди. Жумладан, University of South Africa 1946. Fern Universitat in Hagen (Германия, 1974). Миллий технология университети АҚШ 1984 (инженер мутахассислиги бўйича дастурлар асосида масофавий машғулотлар олиб борилади), Хаген очиқуниверситети (Германия), INTEC коллежКейптаун (ЮАР), Испания масофавий ўқитиши миллий университети, Британия очиқ университетининг очиқ бизнес мактаби, Австралия ҳудудий ахборот тармоғи ва ҳоказолар. Масофадан ўқитиши таълим мининг оммавийлашувида Интернет ("on-line")нинг

роли, телекоммуникацияларнинг ўрни, барча инсонларнинг Интернетга баробар очиқ ташрифи учун йўлак WWW (Web) технологиясини яратган олим Тим Бернерс Лининг хизмати бекиёсдир. Ҳозирги кунда масофавий таълим АҚШда мукаммал шаклланган бўлиб, унинг вужудга келиши 1970-йиллар охирига бориб тақалади. Дунёда интерактив таълим олишнинг кўплаб базалари вужудга келяпти. Жумладан, Британия очиқ университетига қарашли масофавий таълим умумжаҳон марказининг маълумотлар базасини мисол қилиб келтириш мумкин. Дистант услубида Халқаро Кенгаш фаолият кўрсатяпти, “D – Learning” – масофавий таълим олаётган тингловчиларнинг сони тобора ортиб боряпти. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида шахсий компьютер имкониятларининг ошиши ўқитиш тизимини соддалаштириш ва автоматлаштириш билан боғлиқ янги имкониятларни вужудга келтирди. Компьютер ўргатувчи дастурлар ҳар хил ўйинлар шаклида пайдо бўлди.

XXI аср компьютерлари ва Интернет масофавий ўқитишнинг тезкорлик ва соддалаштирилган тартибда кенг тарқалишига имкон берди. Интернет радио ва телевидениега нисбатан жуда катта силжишларга олиб келди. Ҳар қандай талаба билан у қаерда жойлашганлигидан қатъи назар мулоқотга киришиш ва қайтарув алоқага киришиш имкониятлари пайдо бўлди. Тезкор интернетнинг тарқалиши ўқиш учун "онлайн" семинар тизимига ўтиш имконини берди ва натижада масофавий ўқитиш тизими вужудга келди. Масофавий ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг ҳамма вақт аудиторияда бўлиши талаб қилинмайди. Масофавий ўқитишни амалга оширувчи кўпчилик ўқув муассасаларида умумий машғулотлар ўтказиб келинмоқда, айрим ҳолатларда улар кечки вақт ёки дам олиш қунлари ўтказилади. Бундай машғулотларда тингловчиларнинг қатнашиши шарт эмас, бироқ тингловчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш учун уларнинг бундай машғулотларда иштирок этиши жуда фойдали ҳисобланади.

Масофавий ўқиш таълим беришда икки асосий ёндашишни изоҳлаб беради – булар кенгайтириш ва трансформация моделларидир. Кенгайтириш моделида ўқитиш технологияси ҳозирги анъанавий усулдан деярли фарқ қилмайди. Трансформация модели ўқитувчи ва тингловчи ҳамкорлиги учун ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини ўзида мужассам қиласи.

Бугун масофавий таълимнинг яна бир тури «webinar» (1998 йилда бу термин мулоқатга киритилди) технология вужудга келди. Вебинар технология ўқитишни web –технология асосида интерактив ҳолда ташкил этишни назарда тутади. Бу технология нафақат тингловчиларга ахборотни етказади балки, улар билан мулоқатга киришиш (оғзаки, ёзма) имконини яратади, яъни

семинар кўринишида фикрларни алмасиш, ўз фикрини баён этиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда интернет тармоғи асосида ташкил этилувчи таълим ҳам субъект-субъект парадигмасига ўтмоқда.

Америка қўшма штатларида мусиқа таълими. АҚШда ягона давлат дастури йўқ. Мусиқа таълими "эстетика" фани сифатида ўтилади. Ўқитувчилар ўзлари хоҳлаганларича дарсларни ташкиллаштирадилар. Унда мусиқа, тасвирий санъат ва меҳнат мазмунан бир-бири билан боғлаган. Давлат мактаблари билан бирга диний ҳамда шахсий дунёвий мактаблар ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳар бир штатда, давлат мактабларида, шахсий ва диний мактабларда ўқув соатларни ҳам бир хил эмас, ўрта ҳисобга I-VII синфларда ҳафтасига 1-2 соатдан дарс ўтилади. Мактабларнинг 1-4-синфларида мусиқа дарси ҳар қуни 20-30 минут ҳажмида ўтказилади. Дарсларни умумий ўқув фанлари бўйича дарс берадиган ўқитувчилар олиб борадилар. Дарсда ўқувчилар мусиқа остида ритмик ҳаракатлар бажарадилар, ҳар хил мавзулардаги, жумладан, ибодат қўшиқларини ҳам ижро этадилар. Ўрта таълим мактабларида мусиқа дарслари дарс жадвалидан ташқари вақтга белгиланади. Францияда таълим тизими Франция жаҳондаги иқтисодий ривожланган мамлакатлар ичиди етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг таълим тизимлари ҳам қадимий ва бой тарихга эга. Бу мамлакатда «Таълим ҳақидаги» қонун дастлаб 1955 йилда қабул қилиниб 1975 йилда унга қатор ўзгартиришлар киритилган. Франция давлатининг ҳозирги даврда амал қилинаётган «Таълим ҳақидаги қонун»и 1989 йил 10 июлда қабул қилинган. 27 Францияда таълимнинг асосий мақсади шахсни ҳар томонлама камол топишини таъминлаш, уни мустақил фаолиятга тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларни тадбиркорликка ишбилармонлик ва омилкорликка ўргатиш. Бу ерда:

1. Давлат мактаблари;
2. Хусусий мактаблар;

3. Оралиқ мактаблар мавжуд. Улар учун дарс вақтининг 30% ажратилади. Ўртacha ҳафталик соатлар 26 соатдан иборат дарснинг давомийлига эса 60 минут. Ўқув йили 5 чоракка бўлинади. Француз мактаблари бошланғич синфларда ўқиш эрталабки ва тушдан кейин эса математика ва бошқа предметлардан сабоқ оладилар. Математика, она тили ва адабиёти база предмети тарих, география, меҳнат, жисмоний тарбия предметлари эса ривожлантирувчи предметлар ҳисобланади. Франция таълимида болаларнинг гўдаклик чоғиданоқ мактабда ўқитиш учун тайёр ҳолда олиб келиш ғоят муҳим масала ҳисобланади. Бу босқичда тарбияланувчилар қўйидагича табақалаштирилган: кичик гурӯҳ (2- 4 ёш), ўрта гурӯҳ (4-5 ёш), катта гурӯҳ (5-6 ёш). Мактабга тайёрлов гурӯҳи (5-6 ёш) бўлиб,

уларга Францияда 100% шу ёшдаги болалар қамраб олинган. Болаларни мактабга тайёрлаш учун алоҳида дастур ва дарсликлар мавжуд. Франция бошланғич таълим мактаблариға 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб қилинадилар.

Англияда мусиқа таълими тизими. Англия мактабларида буржуа мамлакатлари жумладан, АҚШ қатори, ягона дастур ва услубиётнинг йўқлиги сабабли мамлакатдаги мусиқий тарбия ишларининг ахволи турли савиядадир. Ижобий мисол тариқасида 1969-1970 йилларда Британия радио корпорациясининг радио орқали 6-7 ёшдаги болалар учун ташкил этилган 10 минутлик мусиқа эшииттиришларини келтириш мумкин. Бу эшииттиришлардан кўзда тутилган мақсад - болаларнинг мусиқа чолғулари ижрочилигига хоҳишлирини ўйғотиш бўлган: болалар радио эшииттириш жараёнида мусиқани ижро этишлари лозим бўлган. Кейинчалик бу дастурлар магнит тасмалариға ёзилиб, мактабларга, улардаги "мусиқа бурчак"ларига жўнатилган. Ҳозирги кунда Англия мактабларида кўпроқ Дж. Кервен (1816-1880) томонидан ишлаб чиқилган релятив тизимиға асосланган ўқитиши усуллари қўлланилмоқда. Англияда бошланғич мактаб ўқитувчиларини ўрта махсус ўқув юртлари -икки ёки уч йиллик коллежлар тайёрлайди.

Швейцарияда мусиқа таълими тизими. Эмил Жак-Далкроз (1865-1950) Швейцариялик педагог, композитор, мусиқачи, ёзувчи ва жамоат арбоби, мусиқий-ритмик тарбия тизими яратувчисидир. 1910-йилда "мусиқа ва ритм" мактабини Женевада "ЖакДаркроз" институтини ташкил қилган. Кейинчалик Жак-Далкроз иши давомчилари Стокгольмда, Лондонда, Парижда, Венада, Барселонада, НьюЙорк шаҳарларида "Жак-Далкроз" мактаби, "Жак-Далкроз" институтларини ташкил қилганлар. Жак-Далкроз мусиқий динамика ва эмоционал ҳаракатлари ҳамда образли мазмун, мусиқа остида пластик ҳаракатлар жўрлигига мусиқий фаолиятга жалб қилиш тизимини яратди. Ўқувчиларда импровизация, обсолют эшиитиши қобилиятини ривожлантириш тизимини ишлаб чиқди. У ўз ўқувчиларининг пластик ритм туйғусига эга бўлишларида уларнинг нерв тизими ва мускўл аппаратини мукаммал ривожлантиришга интилди. Унинг назариясига кўра, ритмни ўқувчиларга тушунтириш муҳим эмас, ритмни ўзлаштирилмасдан ҳам тана ҳаракатларини ҳис этган ҳолда машқларни такрорлаш ва ритмик ҳаракатлар бажариш яхши натижа беради. Е.Жак-Далкроз, Золтан Кодай, Карл Орф томонидан ишлаб чиқилган мусиқий тарбиянинг яхлит тизимлари турли мамлакатлардаги мусиқа тарбия назарияси ва амалиёти ишларига катта таъсир кўрсатди.

Венгрияда мусиқа таълими тизими. Венгрияда мусиқий тарбия соҳасида эришилган асосий ютуқлар замонавий венгер асосчиларидан бири,

композитор, халқ оғзаки ижоди 30 билимдони, мусиқашунос, педагог Золтан Кодай (1882-1967) номи билан боғлиқдир. Болаларнинг мусиқий тарбия соҳасидаги ўзининг фаол ва сермаҳсул фаолиятини Золтан Кодай 1920-йиллардан бошлади. З.Кодайнинг болалар мусиқий тарбия тизими оммавийлик тамойилига асосланган. Буюк аллома хор жамоасида қўшиқ айтиш ҳаммага ҳам мумкинлигини алоҳида таъкидлаган, кенг оммани хор ижрочилигига жалб этиб, бу ишга алоҳида диққат ва эътиборни талаб қилди. Унинг бутун мусиқий таълим жараёни халқ қуйларига асосланган. Кодай оммавий венгер мактабига "Тоника-соль-фа" усулини киритди. Унинг ғоялари иккинчи жаҳон урушидан сўнг оммалашиб кетди. Кодай методи - бу яхлит тизим бўлиб: релятив (нисбий) сольмизация, қуйлаётган ўқувчиларга қўл ҳаракати ёрдамида берадиган қўрсатмалар, венгер халқ қўшиклари, мусиқани чукур ўрганишга йўналтирилган умумтаълим мактаблари, хор синфлари ҳамда гурухли қуйлашдан иборат.

Германияда мусиқа таълими тизими. Германиянинг йирик немис композитори ва буюк педагоги Карл Орф (1895-1982) жаҳонда кенг тарқалган болалар мусиқий тарбия услубиётининг асосчиларидан бири ҳисобланади. Жак-Далькрознинг ўқув тизимига асосланиб К.Орф "Оддий мусиқа" (элементар мусиқа) ғоясини ишлаб чиқди ва бу ғояни Мюнхендаги (Гюнтер мактаби) гимнастика ва рақс мактабидаги ўқитиш услугига айлантиради. 1953 - йилда Австрияning Зальцбург шаҳрининг Моцартеум деб номланган мусиқа даргоҳида Карл Орф институти ташкил топиб, у АҚШ, Англия, Германия, Хиндистон каби 30 дан ортиқ мамлакатларни бирлаштирган баобру илмий муассасага айланниб кетди. К.Орф номидаги институтда 400 дан ортиқ ўқувчи, 50 дан зиёд педагог таълим олади. К.Орф қашф этган болалар ва усмирлар мусиқий тарбия усули ўқувчиларнинг мусиқий фольклордан кенг миқиёсда фойдаланиши, уларнинг ижодий кўникум ва имкониятларини ривожлантиришга асосланган.

Назорат саволлари

1. Баллония жараёнини қўллашга қаратилган ҳаракат мазмуни нима?
2. Модуль дастур нима?
3. Ўқув модули қандай ишлаб чиқиласи?
4. Анъанавий таълим тизимида чукур ўрнашиб қолган педагогик парадигмалар қандай?
5. Модуль бир неча блоклардан иборат?
6. Blended learning таълими деганда нимани тушунасиз?
7. Таълим мининг оммавийлашувида Интернет ("on-line")нинг роли?
8. Масофавий таълим турининг хусусиятлари нималардан иборат?

3.3. Мусиқа ўқитишида инновацион технологияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши.

Таянч иборалар: инновацион таълим технологиялари, илғор тажрибалар, ноанъанавий ёндашувлар, webinar, янги гоялар, модулли ўқитиши, web –технология.

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Лугавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади. “Инновация” тушунчаси мазмунан аниқ ҳолатни ифодалайди. Инновация – муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича, инновация қуидагича мазмун ва тушунчаларга эга: “Инновация (ингл. “innovationas” – киритилган янгилик, ихтиро)


1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар;

3) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асослангаан техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида кўлланиши” А.И.Пригожиннинг фикрига кўра, инновация мақсадга мувофиқ равишда муайян ижтимоий бирлик – ташкилот, аҳоли, жамият, гурухга нисбатан муносабатга янгича ёндашиш, бу муносабатни бир қадар турғун элементлар билан бойтиб бориш тушунилиши лозим. Бу ўринда англанадики, муаллифнинг қарашлари бевосита ижтимоий муносабатлар, уларга нисбатан инновацион ёндашиш моҳиятини ифодалайди. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир шахс фуқаро, мутахассис, раҳбар, ходим, қолаверса, турли ижтимоий муносабатлар жараёнининг иштирокчиси сифатида ўзига хос инноватор фаолиятни ташкил этади. Америкалик психолог Э.Роджерс ўз тадқиқотларида инновацион характерга эга ижтимоий муносабатларнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари, ижтимоий муносабатларга янгилик киритиш, бу жараёнда иштирок этувчи шахсларнинг тоифалари, уларнинг янгиликка бўлган муносабатлари, янгиликни қабул қилиш, моҳиятини англашга бўлган тайёрлик даражаси ҳамда муайян шахслар тоифалари ўртасидаги инновацион характерга эга ижтимоий муносабатларнинг таснифи масалаларини ўрганган.

Инновацион таълим (ингл. “innovation” – янгилик киритиш, ихтиро) – таълим олувчида янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим.

Инновацион таълим жараёнида қўлланиладиган технологиялар инновацион таълим технологиялари ёки таълим инновациялари деб номланади.

Таълим инновациялари – таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар.



Таълим инновациялари “инновацион таълим” деб ҳам номланади. “Инновацион таълим” тушунчаси биринчи бор 1979 йилда “Рим клуби” да қўлланилган. Таълим инновациялари бир неча турга ажратилади.

Инновациялар турли кўринишга эга. Қуидагилар инновацияларнинг асосий кўринишлари саналади:

- янги ғоялар;
- тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар;
- ноанъанавий ёндашувлар;
- одатий бўлмаган ташабbusлар;
- илғор иш услублари

Таълим тизимида ёки ўқув фаолиятида инновацияларни қўллашда сарфланган маблағ ва кучдан имкон қадар энг юқори натижани олиш мақсади кўзланади. Инновацияларнинг ҳар қандай янгиликдан фарқи шундаки, у бошқариш ва назорат қилишга имкон берадиган ўзгарувчан механизмга эга бўлиши зарур. Барча соҳаларда бўлгани каби таълимда ҳам “новация”, “инновация” ҳамда уларнинг моҳиятини ифодаловчи фаолият тўғрисида сўз юритилади.

Агар фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиб, фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгартиришга хизмат қилса у новация (янгиланиш) деб юритилади. Борди-ю, фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилиб, унинг натижаси муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қилса, у инновация (янгилик киритиш) деб аталади.

Илмий адабиётларда “новация” (янгиланиш, янгилик) ҳамда “инновация” (янгилик киритиш) тушунчаларининг бирбиридан фарқланишига алоҳида эътибор қаратилади. Мисол учун, В.И. Загвязинскийнинг эътироф этишича, “янги”, “янгилик” тушунчаси нафақат муайян ғояни, балки ҳали амалиётда фойдаланилмаган ёндашув, метод ҳамда технологияларни ифодалайди. Аммо бунда жараён элементлари яхлит ёки алоҳида олинган элементларан иборат бўлиб, ўзгариб турувчи шароит ва вазиятда таълим ва тарбия вазифаларини самарали ҳал этиш ғояларини ўзида акс эттиради. Дарҳақиқат, янгилик – восита саналиб, у аксарият ҳолатларда янги метод, методика, технология ва б. кўринишида намоён бўлади.

Мусиқа маданияти таълимининг янги мазмуни ёш авлодни миллий мусиқий мероси мизга ворислик қила оладиган, умумбашарий мусиқа бойлигини идрок эта оладиган, маданиятли инсон даражасида вояга етказишни назарда тутади. Ҳозирги замон ёшлари ақлий камолотинин ривожланиб бораётганлиги, уларнинг илм ўрганишга чанқоқлиги, мустақил фикрлаши ва илмий-ижодий изланишлари, янгиликлар ва кашфиётларга нисбатан чексиз қизиқиши ва таълим мазмунига талабчанлиги, ўқитувчинин ўз устида ишлаш, малакасини ошириб бориши ва онгини янада ривожлантириши, таълим тизимида барча янгиликлардан боҳабар бўлиб бориши кераклигига асосий омил бўлиб хизмат қилади. Сўнгги йилларда педагогика фани таълим тизимида шиддат билан кириб келаётган янги педагогик технологиялар, инновациялар, янги-янги педагогик-психологик тушунчалар, интерфаол методларни таълим берувчи томонидан ўзлаштирилиб ва қўлланиб борилиши таълим мазмунини тубдан ўзгартириб юборди, десак муболага бўлмайди.

Хозирги кунда таълим жараёнида интерфаол методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишлари, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишлари, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади.

Янги педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ўтказилиши мумкин бўлган дарс жараёни методикасини ҳар бир ўқитувчи ўз фани (ўқув предмети) шароитидан ҳамда ўқувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда ўзгартириши ёки шулар асосида ўқитиш жараёнида ўзининг муаллифлик технологияларини яратиши мумкин.


XXI аср компьютерлари ва Интернет масофавий ўқитишнинг тезкорлик ва соддалаштирилган тартибда кенг тарқалишига имкон берди. Интернет радио ва телевидениега нисбатан жуда катта силжишларга олиб келди. Ҳар қандай талаба билан у қаерда жойлашганлигидан қатъи назар мулоқотга киришиш ва қайтарув алоқага киришиш имкониятлари пайдо бўлди. Тезкор интернетнинг тарқалиши ўқиш учун "онлайн" семинар тизимиға ўтиш имконини берди ва натижада масофавий ўқитиш тизими вужудга келди. Масофавий ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг ҳамма вақт аудиторияда бўлиши талаб қилинмайди. Масофавий ўқитишни амалга оширувчи кўпчилик ўқув муассасаларида умумий машғулотлар ўтказиб келинмоқда, айрим ҳолатларда улар кечки вақт ёки дам олиш кунлари ўтказилади. Бундай машғулотларда тингловчиларнинг қатнашиши шарт эмас, бироқ тингловчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш учун уларнинг бундай машғулотларда иштирок этиши жуда фойдали ҳисобланади.

Масофавий ўқиш таълим беришда икки асосий ёндашишни изоҳлаб беради – булар кенгайтириш ва трансформация моделларидир. Кенгайтириш моделида ўқитиш технологияси ҳозирги анъанавий усулдан деярли фарқ қилмайди. Трансформация модели ўқитувчи ва тингловчи ҳамкорлиги учун ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини ўзида мужассам қиласди.

Бугун масофавий таълимнинг яна бир тури «webinar» (1998 йилда бу термин мулоқатга киритилди) технология вужудга келди. Вебинар технология ўқитишни web –технология асосида интерактив ҳолда ташкил этишни назарда тутади. Бу технология нафақат тингловчиларга ахборотни етказади балки, улар билан мулоқатга киришиш (оғзаки, ёзма) имконини яратади, яъни семинар кўринишида фикрларни алмасиши, ўз фикрини баён

этиш мүмкин. Бошқача қилиб айтганда интернет тармоғи асосида ташкил этилувчи таълим ҳам субъект-субъект парадигмасига ўтмоқда.

Инновация (инглизча innovation) - янгилик киритиш, янгилиқдир. А.И.Пригожин инновация деганда *муайян ижтимоий бирликка - ташкилот, аҳоли, жамият, гурухга янги, нисбатан турғун унсурларни киритиб борувчи мақсадга мувофиқ ўзгаришиларни тушунади. Бу инноватор фаолиятидир.*



Тадқиқотчилар (А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С.Толстой, А.Г.Кругликов, А.С.Ахиезер, Н.П.Степанов ва бошқалар) инновацион жараёнлар таркибий қисмларини ўрганишнинг икки ёндашувини ажратадилар: *янгиликнинг индивидуал микросатҳи ва алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларни ўзаро таъсири микросатҳи.*

Биринчи ёндашувда ҳаётга жорий этилган қандайдир янги ғоя ёритилади.

Иккинчи ёндашувда алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири, уларнинг бирлиги, рақобати ва оқибат натижада бирининг ўрнини иккинчиси эгаллашдир.

Олимлар инновацион жараён микротузилмасини таҳлил қилишда ҳаётнинг даврийлиги концепциясини фарқлайдилар.

Бу концепция янгилик киритишга нисбатан ўлчанадиган жараён эканлигидан келиб чиқади.

Педагогикага оид адабиётларда инновация жараёни схемаси берилади. У қуйидаги босқичларни қамраб олади:

7. *Янги ғоя тугилиши ёки янгилик концепциясини пайдо қилиши босқичи, у кашфиёт босқичи деб ҳам юритилади.*

8. *Ихтиро қилиши, яъни янгилик яратии босқичи.*

9. Яратилган янгиликни амалда қўллай билиши босқичи.
10. Янгиликни ёйиш, уни кенг тадбиқ этиши босқичи.
11. Муайян соҳада янгиликнинг ҳукмронлик қилиши босқичи. Бу босқичда янгилик ўзининг янгилигини йўқотади, унинг самара берадиган муқобили пайдо бўлади.
12. Янги муқобиллик асосида, алмашибтириши орқали янгиликнинг қўлланши доирасини қисқартиши босқичи.

В.А.Сластенин янгилик киритишни мақсадга мувофиқ йўналтирилган янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланиш жараёни мажмуи, унинг мақсади инсонларнинг эҳтиёжи ва интилишларини янги воситалар билан қондириш деб билади.

Янгилик киритиш ҳам ички мантиқ, ҳам вақтга нисбатан қонуний ривожланган ва унинг атроф-муҳитга ўзаро таъсирини ифодалайдиган динамик тизимдир.

Янгилик киритишнинг тизимли концепцияси муаллифлари (А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С. Толстой) инновацион жараёнларнинг икки муҳим шаклини фарқлайдилар.

Биринчи шаклга янгилик киритишни оддий ишлаб чиқиш киритилади. Бу илк бор маҳсулот ўзлаштирган ташкилотларга тааллуклидир.

Икkinchi шаклга янгиликни кенг кўламда ишлаб чиқиш тааллуклидир.

Педагогик инновацияда "янги" тушунчаси марказий ўрин тутади. Шунингдек, педагогик фанда хусусий, шартли, маҳаллий ва субъектив янгиликка қизиқиш уйғотади.

Хусусий янгилик В.А. Сластениннинг аниқлашича, жорий замонавийлаштиришда муайян тизим маҳсулоти унсурларидан бирини янгилашни кўзда тутади.

Мураккаб ва прогрессив янгилинишга олиб келувчи маълум унсурларнинг йигиндиси шартли янгилик ҳисобланади.

Маҳаллий янгилик конкрет объектда янгиликнинг фойдаланиши билан белгиланади.

Субъектив янгилик маълум объект учун объектнинг ўзи янги бўлиши билан белгиланади.

В.И. Загвазинский янги тушунчасига таъриф бериб, педагогикадаги янги бу фақатгина ғоя эмас, балки ҳали фойдаланилмаган ёндашувлар, методлар, технологиялардир, лекин бу педагогик жараённинг унсурлари мажмуан ёки алоҳида олинган унсурлари бўлиб, ўзгариб турувчи шароитда ва вазиятда таълим ва тарбия вазифаларини самарали ҳал этишининг илғор бошланмаларини ўзида акс эттиради.

Р.Н.Юсуфбекова педагогик янгиликка ўқитиши тарбия беришда аввал маълум бўлмаган ва аввал қайд қилинмаган ҳолат, натижа, ривожланиб борувчи назария ва амалиётга элтувчи педагогик воқеликнинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмуни сифатида қарайди.

Педагогик инновацияда Р.Н.Юсуфбекова *инновацион жараён тузулмасининг уч блокини фарқлайди:*

Биринчи блок - педагогикадаги янгини ажратиш блоки. Бунга педагогикадаги янги, педагогик янгиликнинг таснифи, янгини яратиш шартшароити, янгиликнинг меъёрлари, янгининг уни ўзлаштириш ва фойдаланишга тайёрлиги, анъана ва новаторлик, педагогикадаги янгини яратиш босқичлари киради.

Иккинчи блок - янгини идрок қилиш, ўзлаштириш ва баҳолаш блоки: педагогик ҳамжамиятлар, янгини баҳолаш ва уни ўзлаштириш жараёнларининг ранг-баранглиги, педагогикадаги консерваторлик ва новаторлик, инновация муҳити, педагогик жамиятларнинг янгини идрок этиш ва баҳолашга тайёрлиги.

Учинчи блок - янгидан фойдаланиш ва уни жорий этиш блоки, яъни янгини тадбиқ этиш, фойдаланиш ва кенг жорий этиш қонуниятлари ва турларидир. М.М.Поташникнинг инновация жараёнлари талқинлари киши эътиборини ўзига тортади. У инновация жараёнининг қўйидаги тузилмасини беради:

- *фаолият тузилмаси - мотив - мақсад - вазифа - мазмун - шакл - методлар - методика компонентлари йигиндиси;*
- *субъектив тузилма-инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;*
- *сатҳий тузилма-инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;*
- *мазмун тузилмаси - ўқув-тарбиявий ишлар, бошқарув (ва б.)да янгиликнинг пайдо бўлиши, ишилаб чиқилиши ва ўзлаштирилиши;*
- *босқичлиликка асосланган ҳаёт даврийлик тузилмаси – янгиликнинг пайдо бўлиши - илдам ўсиши - етуклик – ўзлаши тириши - диффузия (сингиб кетиши, тарқалиши) – бойиши (тўйиниши) – қолоқлик - инқироз – иррадиация(алданиши) – замо навийлаштириши;*
- *бошқарув тузилмаси - бошқарув ҳаракатларининг 4 та турининг ўзаро алоқаси: режалаштириши - ташкил этиши - раҳбарлик қилиши - назорат қилиши;*
- *ташиклий тузилма - диагностик, олдиндан кўра билиши, соф ташкилий, амалий, умумлаштирувчи, татбиқ этувчи.*

Педагогикага оид адабиётларда инновацион жараёни кечишининг 4 та асосий қонунияти фарқланади:

- педагогик инновация муҳитининг аёвсиз бемаромлик қонуни;
- ниҳоят амалга ошиш қонуни;
- қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонуни;
- педагогик инновациянинг даврий тақрорланиши ва қайтиши қонуни;

Аёвсиз бемаромлик қонунида педагогик жараён ва ҳодисалар тўғрисидаги яхлит тасаввурлар бузилади, педагогик онг бўлинади, педагогик янгилик баҳоланади ва у янгиликнинг аҳамияти ва қимматини кенг ёяди.

Ниҳоят амалга ошиш қонуни янгиликнинг ҳаётийлиги бўлиб, у эрта ё кеч, стихияли ёки онгли равишда амалга ошади.

Қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонуни шундан иборатки, унда педагогик инновация фикрлашни бир қолипга тушириш ва амалий ҳаракатга ўтиш тенденциясига эга бўлади. Бундай ҳолатда педагогик қолип (стереотип) қолоқликка, бошқа янгиликларнинг амалга ошиш йўлига тўсик бўлишга мажбур бўлади.

Педагогик инновациянинг даврий тақрорланиши ва қайтиши қонунининг моҳияти шундаки, унда янгилик янги шароитларда қайта тикланади.

Педагогик инновация тадқиқотчилари инновация жараёнининг икки типини фарқлайдилар:

Инновациянинг биринчи типи стихияли ўтади, яъни инновацион жараёнда унга бўлган эҳтиёж ҳисобга олинмайди, уни амалга оширишнинг барча шарт шароитлари тизими, усуллари ва йўлларига онгли муносабат бўлмайди.

Инновациянинг иккинчи типи онгли, мақсадга мувофиқ, илмий асосланган фаолият маҳсулидир.

Олий мактабдаги инновацион жараёнлар В.А.Сластенин, М.М.Левина, М.Я.Виленский ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Олий мактаб инновацион жараёнлари негизида қўйидаги ёндашувларни белгилаш мумкин:

- маданиятиунослик жиҳатидан (инсонни билишининг устувор ривожсланиши) ёндашув;
- шахсий фаолият жиҳатидан (таълимдаги янги технологиялар) ёндашув;
- кўп субъектли (диалогик) ёндашув, касбий тайёргарликни инсонпарварлаштириши;
- индивидуал - изходий (ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро муносабатлари) ёндашув.

Олий мактабда инновацион фаолиятнинг субъекти ўқитувчи, унинг шахсий имконияти ҳисобланади. Бунда ўқитувчи шахсининг ижтимоий-маданий, интеллектуал ва ахлоқий имкониятлари юксак аҳамиятга молик бўлади.

С.М.Годниннинг ишларида *талабанинг шахсий хислатлари педагогик жараённинг субъекти сифатида ёритилади*. Унга қуидагиларни киритади: ўқитишининг ҳозирги ва келгуси босқичлари учун қабул қилинган ўқув - тарбия жараёнининг мақсади, вазифаси ва кўрсатмаларини англай билиш; интеллектуал меҳнатнинг янги тадбирларини эгаллаш; мақсадга мувофиқ касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва мустақил таҳсил олиш, қийинчиликларни аъло даражада енга билиш, ўсиш ва мустаҳкам ўрин эгаллашнинг кенгаяётган интеллектуал ва касбий имкониятлари, истиқболлари билан қониқиши, ўзининг социал роли функциясини бажаришида фаол муносабатда бўлиш ва ҳоказо.

Инновацион педагогик жараёнинг муҳим унсурлари *шахснинг ўз-ўзини бошқарииши ва ўзини- ўзи сафарбар қила олиши ҳисобланади*. Унинг энг муҳим йўналишларидан бири талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш.

Бундай йўналиш талабаларнинг ўқув ишларини фаоллаштириш, уларнинг касбий ихтисослашишини аниқлаб олиш фаоллигини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, инновацион фаолият омиллари назарияси таҳлили унинг энг муҳим йўналиши *гуманистик аксиология* экан деган хulosага олиб келади.

Инновацион фаолиятга аксиологик ёндашув инсоннинг ўзини янгилик яратиш жараёнига бахшида қилиши, унинг томонидан яратилган педагогик қадриятлар жамиини англаатади.

Назорат саволлари

1. Баллония жараёнини қўллашга қаратилган ҳаракат мазмуни нима?
2. Модуль дастур нима?
3. Ўқув модули қандай ишлаб чиқиласди?
4. Анъанавий таълим тизимида чуқур ўрнашиб қолган педагогик парадигмалар қандай?
5. Модуль бир неча блоклардан иборат?
6. Blended learning таълими деганда нимани тушунасиз?
7. Таълим мининг оммавийлашувида Интернет (“on-line”)нинг роли?
8. Масофавий таълим турининг хусусиятлари нималардан иборат?
9. Мусиқа таълимида замонавий стратегиялар нималарда акс этади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Martina Freytag. “Chorleitung- effizient und lebensnah”. Gustav Boss Verlag. Кассел, Германия, 2011.
3. Назайкинский Е. Жанр и стиль в музыке – М, 2003.
4. Раҳимов Ш. Мусиқа санъатига ўргатиш методикаси. - Т.: Ўқув қўлланма, 2009. – 224 б.
5. Маданият соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар тўплами. Ўз.Р.Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, 2010 й.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва модул асосида дарсларни ташкил этиш услугбиёти. (2 соат)

Ишдан мақсад: Илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва модул асосида дарсларни ташкил этиш.

Мақсаднинг қўйилиши: Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиши ва ташкил этиши. компьютер технологияларига асосланган ўқитиши методларидан фойдаланишга мўлжалланган ўқитиши воситаси сифатида. Дарслик ва электрон дарсликдан мустақил таълим олишда ва ўқув материалларини ҳар томонлама самарали ўзлаштиришда фойдаланиш методлари. Электрон дарсликда фаннинг ўқув материаллари талабага интерактив усуллар билан, психологик ва педагогик жиҳатлар, замонавий ахборот технологиялари, аудио ва видео анимациялар имкониятларидан ўринли фойдаланиш.

1. Амалий тарбиявий ишларини режалаштириш, фаолиятнинг энг муҳим қоидаларини англай билиш.

2. Ҳар бир талабага нисбатан уни жамоа шароитида тарбиялашнинг индивидуал дастурини тузиши.

3. Талабаларнинг ёшлиқ ва шахсий хусусиятларини хисобга олган холда, уларга нисбатан индивидуал муносабатни ошириш.

Б) Ташкилотчилик малакалари:

1. Талабалар орасидаги фаол болаларни аниқлай билиш, танлай билиш ва уларни идрок қилиш.

2. Талабаларнинг турли хилдаги жамоа, индивидуал фаолиятини ўюштира билиш ва уларни ижтимоий фаоллигини билиш.

3. Талабаларга берилган ижтимоий топшириқлар берилиши юзасидан назорат ўрнатиш ва уларга зарур вақтда амалий ёрдам бериш.

4. Ота-оналар, кенг жамоатчилик ўртасидаги ишларни билиш. талабаларга талаблар қўйиш методлари қуйидагилар дан иборат: талабанинг ахлоқ қоидаларини, барча предмет буйича билимларни баҳолаш, ўқитишдаги бурч ва маъсулиятни билиш, машқ килиш, талабаларни меҳнат қилишга ўргатишдан иборатdir.

Устоз олдига қўйилган талаблар:

1. Фаолиятнинг аниқ мақсадларини шогирд хис қилсин.

2. Фаолиятни амалга ошириш шогирд ташабbusи ва ижодий фаолликка боғлиқ. Бунда ишни тақсимлаш, режалаш, хисобга олиш, натижа чиқариш кабиларни шогирдларнинг ўзларига хавола қилиш лозим.

3. Устоз фаолиятга педагогик рахнамолик қилади, шогирдларнинг ижодий одатларини шакллантиради.

4. Фаолият жараёнида ҳар бир шогирд ижрочилик малакасига эга бўлади.

5. Иш натижасини муҳокама қилиш, шогирдларни рағбатлантириш.

Устоз шахсий хусусиятларидан ташқари чуқур илмий савияга, сўзлаш маданиятига, юксак одоб ахлоқли булиши керак. Шогирдлар билан ўтказиладиган сухбатларни юқори савияда ташкил қилишда, устоз қўйидаги маданият қирраларига эга бўлиши керак.

Рухият маданияти - шогирднинг маънавий эҳтиёжларига тўғри таъсир кўрсатиш.

Маҳорат маданияти - ҳар бир тадбирни зўр қувонч ва қалдан ташкил қилиш.

Сиёсий маданият - давр талабига мос иқтисодий, ижтимоий билимга эга бўлиш.

Маънавий маданият - шогирдларнинг ижодий, маънавий, бадиий фаолиятини ташкил қилиш.

Касбий қобилиятнинг асосий турлари. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши, педагогик маҳоратга эришиш учун устозда қўйидаги қобилият турлари мавжуд бўлмоғи лозим.

1. Билиш қобилияти - фанни тегишли соҳаларига оид қобилиятидир. Бундай қобилиятга эга бўлган устоз фанни ўқув курси хажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, ўз фани соҳасидаги кашфиётларни хамиша кузатиб боради.

2. Тушунтира олиш қобилияти - ўқув материалини талабаларга тушунарли килиб баён этиш, талабаларда мустакил равишда фаол фикрлашга қизиқтириш.

3. Кузатувчанлик қобилияти - тарбияланувчининг ички дунёсига кира олиш қобилияти. Талаба шахсни ва унинг вақтингачалик рухий холатларини жуда яхши тушуна билиш билан боғлик бўлган психологик кузатувчанлиkdir.

4. Нутқ қобилияти - нутқ ёрдамида шунингдек имо-ишора воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш қобилиятидир.


5. Ташкилотчилик қобилияти - талабалар жамоасини уюштириши, талабаларни муҳим вазифаларни хал этишга руҳлантириш назарда тутилади.

6. Обрў орттира олиш қобилияти - бевосита эмационал, иродавий таъсир кўрсатиш ва шу асосда тарбия бериш маъсулиягини хис этиш, ўзини хақ эканлигига ишонтириш.


7. Коммуникатив - тўғри муомала қила олиш, ўзаро муносабат ўрната билиш педагогик назокатнинг мавжудлигини билдиради.



8. Келажакни кўра билиш қобилияти - ўз харакатларининг натижавийлигини таъминлаш.



Устоз қиёфаси профессиограммаси



Устоз учун зарур бўлган малакалар.









Ўқитувчининг фаолият тузилмаси



Акмеология (akme)

юононча олий нүқта, ўткир, гуллаган, етук,
энг яхши давр деган маъноларни
билдиради

Юксак профессионализмга эришишнинг омиллари:

истеъдод нишоналари; уқувлилик; қобилият;
истеъдод;


*оила тарбияси шароити; ўқув юрти; ўз хатти-
ҳаракати.*

Профессионализм категориялари:

- *ижодий индивидуаллик;*
- *ўзининг ўсии ва таомиллашии жараёни;*
- *ўз имкониятларини амалга ошириши сифатидаги креатив тажрибаси.*

Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги қуйидагилардан иборат:

- *интеллектуал - ижодий ташаббус;*
- *билимлар кенглиги ва чуқурлиги интеллектуал қобилияти;*
- *зиддиятларга нисбатан хушёрлик, ижодга танқидий ёндашув, вужудан яратувчиликка курашчанлик қобилияти;*
- *ахборотларга ташналик, муаммолардаги гайри одатийликка ва янгиликка бўлган ҳис-туйгу, профессионализм, билишга бўлган чанқоқлик*
- *(Н.В.Вишнекова).*



Ж. Гилфорд креативликни тавсифлайдиган қатор индивидуал қобилиятларни кўрсатади:

- *фикрининг равонлиги;*
- *фикрни мақсадга мувофиқ йўллай олиши;*
- *ўзига хослик (оригиналлик);*
- *қизиқувчанлик;*
- *фаразлар яратиши қобилияти;*
- *хаёл қила олиши, фантастик (фантазия.)*

Ўқитувчи фаолиятидаги креативлиги босқичлари:



Рефлексия

лотинча Reflexio- ортга қайтиш

**субъектнинг ўз (ички) психик түйғу ва
ҳолатларини билиш жараёни сифатида
қаралади**

Рефлексия

**ўқитувчининг ўз онги ва фаолиятини
белгилаш ва таҳлил қила олиш деб қаралади
(ўз фикри ва ҳаракатларига ташқаридан
назар. В.А.Сластенин)**

Педагогикага оид адабиётларда рефлектив жараёнларни изоҳлашнинг икки анъанаси мавжудлиги айтилади:

- *объектлар моҳиятини изоҳлашга ва уларни конструкциялашга олиб келадиган онгнинг рефлектив таҳлили;*
- *шахслараро мулоқот маъносини тушиуни рефлексияси;*

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, шогирд малакали кадр бўлиб шаклланар экан, рақобат усулларининг ҳар хил турли шаклларини ўзлаштириши лозим. Бу ўз навбатида таълим жараёни самарадорлигини таъминлаб боради.

2- амалий машғулот: Мусиқа фанларини ўқитишида “Устоз-шогирд” анъаналари. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси. (4 соат)

Ишдан мақсад: Мусиқа фанларини ўқитишида “Устоз-шогирд” анъаналари асосида дарсларни ташкил этиш.

Мақсаднинг қўйилиши: Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш. компьютер технологияларига асосланган ўқитиши методларидан фойдаланишига мўлжалланган ўқитиши воситаси сифатида. Дарслик ва электрон дарсликдан мустақил таълим олишида ва ўқув материалларини ҳар томонлама самарали ўзлаштиришида фойдаланиш методлари. Электрон дарсликда фаннинг ўқув материаллари талабага интерактив усуллар билан, психологик ва педагогик жиҳатлар, замонавий ахборот технологиялари, аудио ва видео анимациялар имкониятларидан ўринли фойдаланиш.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг ихтисосликка оид ўқув материалини ўзлаштирганлиги, уларда шаклланган кўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолаш таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади. Чунончи, талабаларда касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришида ўқитувчидан мутахассислик ўқув предметларидан нафақат асосларидан чуқур билим бериши, балки уларни ўзлаштириш даражасини ҳаққоний назорат қилиб, баҳолаш ҳам талаб этилади. Чунки, назорат қилиш бу фақат таълим-тарбия натижаларини таҳлил қилиш эмас, балки бутун жараённинг турли босқичларида талабалар билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамdir. Бундан ташқари олий мусиқа таълимида назорат қилиб баҳолаш ўзига хос таълимий, тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Таълим-тарбия жараёнида билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг таълимий аҳамияти, бунда ўқув материалининг ўзлаштирилганлиги ҳақида ўқитувчи ҳам, талаба ҳам ижобий ёки салбий тавсифга эга бўлади. Яъни, ўқитувчи учун талаба нимани билиши ва нимани тушунмаслиги, қайси ўқув материали яхши ўзлаштирилгану, қайси бири ҳали яхши ўзлаштирилмаганлиги ёки умуман ўзлаштирилмаганлиги маълум бўлади. Бу эса талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари ўқитувчи ўзининг фаолиятига танқидий баҳо беради. Олинган натижаларга кўра фаолиятига кўшимчалар киритади, талабаларга нисбатан қандай ёндашиш методлари ва воситаларини тезроқ топиб олади. Бу ўқитувчининг ижодий тарзда дарсга тайёргарлик кўриши ва ўқув машғулотларини ўтказиши учун негиз ҳисобланади.

Худди шунингдек, талабага ҳам ўқув материалида у нимани яхши, нимани қониқарли ва нимани ёмон ўзлаштиргани тушунарли бўлади. Билимларни назорат қилмасдан талаба ўз билимларини чуқур, ҳар томонлама ва тўғри баҳолашга қодир эмас, баъзан унга гуё ўқув материалини яхши эгаллаб олгандай туюлади, лекин назорат чоғида эса ўзлаштиришдаги камчиликлар, яхши тушунмаганлиги маълум бўлиб қолади. Назорат қилиб баҳолаш жараёнида талабанинг ўрганилаётган ўқув материалини тушуниш, эсда сақлаб қолиш, моҳиятини англаб олиш даражасини аниқлайди. Талабанинг фаоллиги орқали билимлари, кўникма ва малакаларидаги ижобий томонларни ривожлантириш, камчиликларни тугатиш имкониятига эга бўлади.

Назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти талabalарда ўқишга, ўз ютуқлари ва камчиликларига нисбатан муносабат шаклланади, муаммоларни ечиш истаги туғилади. Талабага нисбатан берилган баҳо унда ҳамиша талаба сифатида, шахс сифатида ўзига нисбатан муайян бир муносабатни ҳосил қиласди. Талабада ўзига нисбатан иродалилик, жамоавийлик, ўзаро бир-бирига ёрдам бериш каби сифатлар шаклланади. Бу, айниқса, ўсмирлар орасида катта аҳамиятга эгадир. Ҳар бир таълим берувчи билимларни назорат қилиш ва баҳолашнинг тарбиявий аҳамиятини тўғри қўллай олса, ҳар бир талаба олдида, ўқитиш соҳасида қулай истиқболларни очиб беради.

Илм фан, техниканинг ривожланиб бориши, ишлаб чиқаришнинг ўсиши барча соҳаларда бўлгани каби таълим-тарбия соҳасида ҳам аниқ, қатъий мезонлар асосида тарбияланувчининг билим ва фаолият даражасини баҳолаш лозимлигини қун тартибига олиб чиқди._

XX асрнинг иккинчи ярмидан ижтимоий тараққиётнинг мислсиз тезлиги талabalарнинг билими, кўникма ва малакалари даражаларини қисқа вақт оралиғида холис баҳолаш имконини берувчи, назоратнинг янги усулини яратишиңи тақоза этди. Ана шу заруратнинг самараси сифатида талабанинг билим даражасини аниқловчи рейтинг тизими ишлаб чиқилди.

Амалий машғулотни бажаришда қуйидаги кейслардан фойдаланилади.

1-кейс

Мусиқа мактаби тарбияланувчиси Дилдора 12 ёшда. Қизнинг ота-онаси қизи учун фортепиано сотиб олиб берган. Уйда фортепиано ижрочилиги билан қўшимча тарзда Дилдоранинг бувиси шуғулланар эди. Дилдора ижрочилик соҳасида ютуқларга эриша бошлади. Мактаб концертларида якка ижрочи сифатида иштирок эта бошлади.

Дилдора тарбияланадиган гурухда Мунира деган қыз ҳам тарбияланади. Лекин улар сира ҳам келиша олмайдилар. Мунира – чин етим қыз. Дилдоранинг эришаётган ютуқлар Муниранинг ғашига тегар, унинг баҳиллигини оширад әди. Кундан қунга Мунира Дилдорани ёмон кўриб кетар, ҳар кўрганида бирор баҳона топиб, мазах қилар әди. Эҳтимол шу сабаб бўлса керак, катталарнинг ёки тарбиячиларнинг йўқлигига улар шу даражада уришиб кетишадики, қизларни ажратиб олиш жуда ҳам қийин бўлади.

САВОЛ:

1. Мазкур можароли вазиятни қандай йўл ва усул билан ҳал қилиш мумкин?
2. Бу тариқа руҳий жароҳатли холатларни вужудга келишининг олдини олиш мумкинми? Агар “ҳа” бўлса, қандай қилиб?

2-кейс

Бир неча йил аввал мусиқа мактабига бошқа муассасадан 10 яшар Юлдуз исмли қизни ўтказадилар. Жуда чиройли, ширингина, соchlари жингалак, дуторчи қизча. Аввалги ўқиган мусиқа мактаби ўқитувчиси меҳрибонлик билан гапирав, ҳар бир эришган ютуқларидан хурсанд бўлиб, рағбатлантирав әди. Янги мусиқа мактаби ўқитувчиси талабчан ва қаттиққўл бўлиб, берган топшириклари юзасидан кўпроқ танбех берар әди. Юлдузнинг ота-онаси ўқитувчининг хатти-ҳаракатини тушунмай, ўқитувчини жахлдор деб ўйлаб, дарҳол уни мусиқа мактабидан чиқариб олдилар. Ярим йил давомида ижрочилик соҳасида анчагина ютуқларга эришди, ўқитувчинининг талабчанлиги натижасида ижро техникасини ўсганлиги сезилиб турар әди. Қизчанинг қаршилигига қарамай, ота-онаси мусиқа мактабига юбормай қўйди. Қизча ҳатто нима бўлганини ҳам тушуниб улгурмади. У жуда оғир аҳволда әди ва бошдан ўтказганларининг оқибати унинг хулқида узоқ вақт ўз таъсирини кўрсатди. У гўёки катталардан аламзада, бутун дунёга ишончсизлик нигоҳи билан боқарди. Ота-онасининг самимий меҳрли муносабати Юлдузда шубҳа уйғотар әди.

САВОЛ:

1. Ушбу вазиятда Юлдузнинг икки хил шароитдаги хулқи келтирилади. Юлдузнинг янги шароитга мослашиш давридаги хулқи хусусиятларининг келиб чиқиши ҳамда кейинчалик мусиқа мактабидан кетганидан хулқи сабабларини тушунтириб беринг.
2. Ушбу вазиятни олдини олиш, яъни Юлдузнинг янги шароитга, қаттиқ талабчанликка мослашиб кетиши ва умуман мусиқа мактабига қайтарилиши учун оиласа қандай ёрдам ташкиллаштирилиш мумкин?

3-кейс

Рустамнинг отаси оталик ҳуқуқидан маҳрум этилган. Унинг онаси эса 3 йил олдин меҳнат миграцияси сабабли чет элга кетганича хали-хануз қайтиб келмаган. Рустам мусиқа мактабида рубоб чолғу ижрочилиги машғулотларига қатнайди. Охирги вақтларда мусиқа мактабидан қочиб кетадиган ва узоқ вақт дайдиб келадиган одат чиқарди. Хулқида ҳам салбий ўзгаришлар пайдо бўла бошлади. Унинг салбий хулқ-автори гуруҳдаги болаларга ҳам таъсир кўрсата бошлади. Рустам аслида мусиқа мактабидан чиқиб, кўчада топган ўртоқлари билан клей хидлаб келади. Бу одатини гуруҳдаги ўртоқларига ҳам ўргата бошлади.

Савол:

1. Сизнинг дастлабки ҳаракатларингиз...
2. Болани тарбиялашда қандай тарбия усулларидан фойдаланасиз?

4-кейс

8 яшар Ирина ота-онасининг ихтиёрига кўра мусиқа мактабига фортелиано чолғу ижрочилигига қатнай бошлади. Иринанинг чолғу ижрочилигига қизиқиши йўқ, кўпроқ расм чизишга қизиқади. Лекин эшитиш қобилияти яхши, ритмни яхши хис қиласи ва мусиқий хотираси ҳам яхши. Ота-онасига билдирмаган ҳолда, фортелиано машғулотларига кирмай қўйди.

Савол:

1. Иринанинг фортелиано ижрочилигига қизиқтириш мақсадидаги сизнинг ҳаракат режангиз...
2. Қизнинг оиласи билан биргалиқда касбга йўналтиришнинг қандай усулларини биласиз?

5-кейс

Азизани мусиқа мактабига 13 ёшдалигига олиб келишган. У шу ёшигача мусиқа билан шуғулланмаган. Мусиқа санъати билан касбий шуғулланмаганлиги натижасида техник ривожланишда орқада қолган.

Унинг ота-онаси Азизанинг дутор чолғусини ўзлаштиришини жуда хоҳлашгани сабабли, тезроқ бирор асарни ижро этиб беришини талаб қилишар эди. Азиза эса, хали ижро штрихлари ва гаммалардан нарига ўтмас эди. Азиза бўш қолди дегунча, бирор халқ куйини чалишга ҳаракат қиласар, лекин бунинг уддасидан чиқмас эди. Ота-онаси Азизани мусиқа мактабига боришини тақиқлаб қўйишиди.

Лекин Азиза мусиқа мактабига яширинча борадиган бўлди. У мусиқа мактабидаги яширин ҳаёт билан яшай бошлайди. Ота-онаси билгандан кейин эса, катта жанжалга сабаб бўлди.

Савол:

1. Азизанинг хатти-харакатини қандай баҳолайсиз?
2. Мана шундай вазиятларда, мусиқа ўқитувчининг вазифалари нимадан иборат. Сизнинг ҳаракат режангиз.

6-кейс

Пўлат мусиқа мактабига келганидан аввал одоб-ахлоқлиэди, кейинчалик катталарга тақлид сифатида сигарет чакар ва қўчаларда тўполончилик қилиқларини қилар эди. Тўйларга бориб анча-мунча маблағ топарди. Дайдиб юрганлиги сабабли уни ички ишлар ходимлари ота-онасига ва мактабига хат юбордилар. Лекин уйида ва мактабида қанчалик яхши муносабатда бўлишмасин, Пўлат кўпинча у ердан қочиб кетишга ҳаракат қиласиди ва мусиқа мактабига кетдим деган важ билан яна ўша эски ҳунарини давом эттиради. Ота-онаси мусиқа мактабига келиб, боланинг тўйларга боришида ўқитувчини айблай бошлади.

САВОЛ:

1. Бу вазиятга нисбатан сизнинг муносабатингиз.
2. Ота-онасига қандай муносабат билдириш ва бу ҳолатни олдини олиш мақсадида қандай ишлар олиб борилиши керак?

7-кейс

Одатда кўпинча мусиқа мактабининг битиувчилари касб-хунар коллежи ва лицейлар мусиқий фаолиятга мослашишларида кўпина қийинчиликларга дуч келадилар. Бу: касбий мусиқанинг мураккаб тузилмаси; ижро услубларидаги мураккаблик; ўкув жараёни билан боғлиқ вазифаларни бажариш; устоз-ўқитувчи боғлиқ масалалар; оилавий муаммоларни ҳал этиш кабилар.

Коллеж ва лицейларда ўқиши мобайнида мусиқа мактабининг собиқ битиувчилари ўз муаммоларини ечишда ёрдам сўраб яна мусиқа мактабига келиб мурожаат этадилар. Шундай вақтлар ҳам бўладики, берилган асарларни ўзлаштиришда қийинчиликка учраган талаба яна мусиқа мактабидаги ўқитувчиси ёнига келади. Мусиқа ўқитувчиси одамгарчилик нуқтаи назаридан ўқувчисига ёрдам беради. Бунинг натижасида ўқувчида коллеж ёки лицей ўқитувчисига нисбатан салбий муносабат юзага келади.

Савол:

1. Коллеж ёки лицей ўқитувчиси сифатида бу вазиятни қандай йўл билан ҳал қиласиз?
2. Сизда таҳсил олаётган болага нисбатан сизнинг муносабатингиз қандай бўлиши керак?
3. Битиравчи-ўқувчиларнинг коллеж ҳаётига мослашишларига ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш мақсадидаги Сизнинг таклифларингиз?

8-кейс

Камер ансамбли ижрочилиги бўйича машғулотларда фортепиано ва скрипка чолғулари ўқувчилари учун репертуар танлашингиз керак. Ўқувчиларнинг шахсий муносабатлари яхши эмаслиги сабабли танлаган асарингиз ўқувчиларнинг бирига ёқса иккинчиси ушбу асарни рад этади (турли сабабларни кўрсатган ҳолда).

Савол:

1. Ўқувчилар томонидан муносабатларига кўра рад этиб бўлмайдиган асар танлаш мумкинми?
2. Сизнинг ўқувчилар муносабатларини ўзгартиришга йўналтирилган ҳаракат режангиз?

9-кейс

Тўйда 10 ёшли боланинг санъаткорлар учун пул териб хизмат қилаётганини кўрдингиз. Боланинг мусиқа ўқитувчиси сифатида сизнинг дастлабки ҳаракат режангиз.

10-кейс

10 яшар бола 6 ёшидан бери скрипка чолғу ижрочилиги бўйича “Мусиқа ва санъат мактаби” да ўқиб келмоқда. Боланинг ритмик координацияси бузилган. Сизнинг ҳаракат режангиз.

3- амалий машғулот: “Мусиқа санъати” фанини ўқитишида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш. (4 соат)

Ишдан мақсад: Фанни ўқитишида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқиши.

Мақсаднинг қўйилиши: Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиши ва ташкил этиш. компьютер технологияларига асосланган ўқитиши методларидан фойдаланишга мўлжалланган ўқитиши воситаси сифатида. Дарслик ва электрон дарсликдан мустақил таълим олишда ва ўқув

материаларини ҳар томонлама самарали ўзлаштиришда фойдаланиш методлари. Электрон дарсликда фаннинг ўқув материаллари талабага интерактив усуллар билан, психологик ва педагогик жиҳатлар, замонавий ахборот технологиялари, аудио ва видео анимациялар имкониятларидан ўринли фойдаланиш.

Талабалар билимини назорат қилиши ва баҳолаш учун машқ.

Йўриқнома:

1. Реал ҳаётий вазият акс этган 1.1. - матнни диққат билан ўқинг (5 дақиқа давомида).

2. Ақлий ҳужум усулидан фойдаланган ҳолда қуидаги саволларга жавоб беринг (5 дақиқа давомида):

- Мазкур вазиятда боланинг қандай эҳтиёжлари инобатга олинмаган?
- Бу воқеанинг бу тарзда кечишининг олди олиниши мумкинмиди?
- Мазкур вазиятнинг самарали тарзда олдини олиш учун кимларнинг (ёки қайси идора ва органларнинг) ёрдами жалб этилиши мумкин эди?
- Воқеанинг ривожланиши давомида мактаб-интернат ходимлари қандай маъқул чораларни кўришлари лозим эди?

1.1. Реал ҳаётий вазият.

Бугунги кундаги ...-музиқа мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси Хасанов Фарруҳ 14 ёшда. У 11 ёшида онаси томонидан муассасага олиб келтирилган эди.

Воқеа қуидагича кечган: У ... тумани “...” фуқоролар уюшмаси ҳудудида туғилган Хасанов Фарруҳ онаси Хасанова Фотима билан биргаликда яшаб келмоқда эди. Дадаси билан онаси Фарруҳ 7 ёшида ажралиб кетишган. Онаси Хасанова Фотима Фарруҳ 10 ёшга етганида янги оила – янги турмуш қуради. Оиласий хаёт бошларида хаёт яхши кетаётгандек эди бироқ, кунлар ўтиши билан оиласидаги етишмовчиликлар, икир-чикирлар жанжалларга олиб кела бошлади. Уйда бўлаётган келишмовчиликлар, ўгай отанинг онага нисбатан муносабати, Фарруҳга қилаётган муомаласи унинг хулқига жиддий таъсир кўрсата борди. Фарруҳ дарсларга тайёрланмас, музиқа мактабига бормаслик одатларини чиқара бошлади. Фарруҳ кўчадаги бекорчи болалар хаётига қўшила бошлади. Кўли эгриликка одат қилиб, ёмон йўлларга кира бошлади.

Ушбу сабаблар оиласи жиддий жанжалларга олиб келиб парокандалик бошланди. Охир оқибат янги оиласи сақлаш ниятида 11 яшар Фаррухнинг онаси Хасанова Фотима ўз фарзандини ... туманидаги ...-сонли кам таъминланган оила фарзандаларига мўлжалланган мактаб-интернатга

хужжатлар тайёрлаб олиб келади. Фаррух мактаб-интернат хаётига аста-секин күнника борди. Она Фаррухни дастлабки кунларида ҳар хафта келиб хабар олиб кетган бўлса, кейинчалик умуман ўз фарзандидан хабар олмай қўяди. Хафта сўнгига барча ўқувчилар ўз уйларига кетсада, Фаррух мактаб-интернатда қолар, уйга онаси олиб кетмас, хатто таътил пайтлари ҳам яқинлари эътиборисиз муассасада қолиб кетар эди. Ушбу воқеалардан таъсиранган мактаб-интернат директори Фаррухга оиласиб шароит билан танишириш, оиласиб меҳр кўрсатиш учун ўз уйига олиб кетди. Бироқ Фаррух ушбу оилада эски қилиқларини эсга олиб, қўли эгрилик ҳунарини бошлади. Бир неча бор буюм, пул ўғирлашга тушди. Бир ойга ҳам бормаган мазкур оиласиб муҳит билан танишиш жараёни уй эгаларида Фаррух ҳақида салбий фикр ва муносабатнинг пайдо бўлиши натижасида уни яна муассасага қайтариш ниятини вужудга келтирди. Демак, Фаррух яна мактаб-интернат хаётига қайтарилди.

Мактаб-интернат Фаррухга ҳар тамонлама ёрдам беришга ҳаракат қилар эди. Кишки, ёзги кийим-бош, ўқув қуроллари билан бепул таъминланди. Фаррухнинг хаётига мазмун киритиш мақсадида мактаб-интернат жойлашган “...” махалласи фуқороси Рахмонова Қ. болага васийлик қилиш мақсадида ўз оиласига фарзандлари даврасига қўшди. 3-4 ой ушбу оиладаги хаёт уйдаги буюмларни йўқолиши, соат ўғирланиши билан якунланди. Фаррух яна, яъни иккинчи бор мактаб-интернат хаётига қайтарилди. Ҳар қандай муомала билан ҳам муассаса ходимлари Фаррухни қўли эгрилик одатидан қайтара олмадилар. Онасини бир неча бор мактаб-интернатга чақирилиши натижасида она ўз фарзандидан воз кечиши қарори билан якунланди. У ўз фарзандидан воз кечиши ҳақидаги тилхатни ёзиб, осонгина гўёки у учун қийин бўлиб туюлган вазиятдан қутулди.

Фаррухнинг хаётига бефарқ бўлмаган яна бир Урушбоевлар оиласига васийлик тайинланиб, боланинг тарбияси билан шуғулланиш мақсадида ўз оиласига олиб кетади. Фаррух бу оилада 1 йил яшаб уй ишларига кўмаклаша бошлади, бироқ дарсларни яхши тайёрламас, дарсларни кўп қолдиради эди.

Ёши улғайиб қолган Фаррух энди кўча хаёти уни қизиқтиради, кўпроқ вақти кўчада ўтар эди.

Фаррухга меҳр кўрсатиш ниятидаги Уришбоевлар уни қаттиқ койимас, кўнглини оғритмас эди. Ушбу хаёт Фаррухни дангаса, кўпол, кўча боласига айлантира бошлади.

1.2. *Фаррухнинг хулқи ўзгаришига таъсири этган эҳтимолий омиллар.*

Педагог-тарбиячи Фаррухга у билан гаплашиб қўришни таклиф этди Фаррух ҳам бунга рози бўлди. Фаррух мактаб-интернатдаги ишларини, уйдаги ишлари кечишининг яхши эмаслигини тасдиқлайди. Педагог-

тарбиячи уйдаги ахвол қандайлигини сүрайди. Фаррух қуидагича жавоб беради: “Яхши шекилли”. Педагог-тарбиячи Фаррухнинг товушида аллақандай ғамгинликни сезади. Мутахассис нима учун у ўғирликка рўжу қўйганлиги ҳақида ўйлай бошлайди. У Фаррухнинг мактабдаги хулқини ва ўғирлик билан боғлиқ воқеанинг сабабини ойдинлаштиради. Педагог-тарбиячи Фаррух ўз уйидаги вазиятдан, яъни отаси уларни ташлаб кетганидан ташвишда эканлигини, ўқитувчи унга ўз меъёрида таълим бера олмаслигини аниқлади. У дарс мобайнида диққатини меъёрида жамлай олмайди. Бунинг устига бошқаларга хам халақит беради. Шунингдек педагог-тарбиячи жабр кўрган кишиларнинг ўз нарсаларини ўғирлатишига йўл қўйиб бермаслигини ҳам билади. Фаррух катталарнинг илиқ муносабати, яхши меҳрли муомаласига муҳтождир. Фаррухнинг бугунги кундаги хулқи, одатлари шаклланишига кўп нарса таъсир этган.

Биринчидан, ўз биологик отасининг ташлаб кетиши. Бу ҳолат ҳар қандай фарзандда “КЕРАК ЭМАСЛИК” туйғусини, бефарқлик, қадр-қимматсизлик каби хисларни уйғотади.

Иккинчидан, онанинг болага бераётган эътиборини тўсатдан бошқа бир ва бола учун бегона бўлган обьект, яъни эркакка тақсимлаши. Албатта, мазкур оиласвий вазиятда она янги турмуш ўртоғининг талабларига жавоб бериш ҳамда майший-хўжалик ишлари билан шуғулланиш баробарида, эҳтимол болага етарли эътибор ва алоҳида вақт ажратада олмагандир. У билан тарбиявий таъсири муомала ўrnата олмагандир. Айнан муомала, муносабат, илиқ меҳрга тўймаганлик ва эътибор остидан қолиш каби камчиликлар болада қаҳри қаттиқлик, гапга тушунмаслик, “безбетлилик”, гап қайтариш, ўз вақтини керак бўлмаган ишлар билан ўтказиш каби одатларнинг шаклланишига олиб келган бўлиши мумкин.

Учинчидан, онанинг бутқул болани эсдан чиқариши. Биринчи ва иккинчи санаб ўтган сабабларимиздан қаттиқ ранжиган ва ўзида ўз оиласига нисбатан хиссизликни шакллантириб бораётган Фаррух учун мазкур айрилиқ унинг ҳақиқатда ҳам ҳеч кимга КЕРАК ЭМАСлик фикрини мустаҳкамланишига олиб келган бўлиши мумкин.

Тўртинчидан. Ҳар қандан инсон яқин кишига нисбатан эҳтиёжни хис қилади. Ўз яқинларисиз қолган Фаррух эндиликда бошқа тенгдош болаларидан ажralиб қолиш ҳолатига тушган бўлиши мумкин. Чунки гурухдош тенгдош ўртоқлари ҳар хафта ўз оиласига, ўз уйига ошиқадилар. Доимо ўз яқинлари ҳақида яхши сўзларни айтиб, бўлган воқеаларни хавас билан хотирлайдилар. Бу эса болада ички ўкиниш, бошқалардан камлик деган хиснинг пайдо бўлиши ҳамда бошқаларга ўхшамаслик деган фикрнинг шаклланишига туртки бўлган бўлса, ажаб эмас.

Бешинчидан, болада спортга нисбатан қизиқиши каби бошқа яширин қобилияят ёки мойилликлари ўз вақтида аниқланиб, ривожлантириш учун махсус педагогик шароит яратилмаган бўлиши мумкин. Натижада болада ўзгалар нигоҳида ва ўзи ҳақидаги фикрларида фақат ЁМОН деган сўз ва муносабатлар айланиб юраверган. Боладаги кучсиз томонлар гўёки у эга бўлган ягона хусусиятдек талқин этилган. Аслида эса агарда боланинг кучли томонлари муҳокама марказига олиб чиқилиб, кучли хусусиятлари эътиборга олиниб, шу воситасида унинг қадр-қиммати қўтарилиб, унга нисбатан ишонч билдирилиб, юқори баҳо ва илиқ меҳрли муносабатлар билан унинг бошқача эканлиги, барчага кераклиги, жуда яхши болалиги, ҳаётда нималаргадир эриша олиши мумкинлиги, бошқаларга ҳам меҳр бера олиши мумкинлиги таъкидланганда эди, эҳтимол коррекцион-ривожлантирувчи таъсир кўрсатиш имкони бўлган бўлар эди.

Лекин Фаррухга нисбатан муносабат қурилаётганда юқоридагилар инобатга олинмаган эди.

Унда керакли эҳтиёжлар қондирилмаган. Масалан, агар эҳтиёжлар назариясига эътибор берадиган бўлсак, у ҳолда қуйидаги эҳтиёжларнинг қондирилмаганлигининг гувоҳи бўламиз.

1. Физиологик эҳтиёжлар – озиқ овқат, кийим-кечакка нисбатан эҳтиёж ва бошқа зарур моддий ашёлар.

2. Хавфсизликка эҳтиёж – ўз қадр қимматига эга бўлиш, кимгадир кераклилик, кимнингдир ҳимоясида бўлиш хисси.

3. Мансублиликка эга бўлиш эҳтиёжи – маълум бир инсоннинг яқини сифатида ўзини хис қилиши, ота-онадан айрилиқ туфайли, ўз мансублигини хис қилмаслик холати, меҳрли ва эътиборли муносабатнинг мақжуд эмаслиги, ўз реал “Мен”ининг шакллантирилмаганлиги.

4. Ижтимоий, маънавий-аҳлоқий эҳтиёжлар – доимий яқин дўстларга эга бўлиш, ягона муқим яшаш жойига эга бўлиш, ота ва онанинг бола кўнгли ва ички дунёсига нисбатан ҳурмати, боланинг тақрорланмас ва ўзига хос хусусиятга эгалиги, унинг ички ақлий ва хиссий имкониятларни юзага чиқаришга нисбатан таълим-тарбиявий таъсир; болада маънавият ва аҳлоқий ҳаёт тарзи, дўстона муносабат, яқинларни ва умуман инсонларни қадрлаш каби тушунчаларни шакллантириш, ҳунар эгаллаш, аҳлоқий дунёқарашга эга бўлиш ва умуман бола эга бўлган барча кучли томонларнинг қўллаб-куvvатланиши ва х.з.

V. КҮЧМА МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1- кучма машғулот: Мусиқа фанларини ўқитишида “Устоз-шогирд” анъаналари. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси. (4 соат)

Аввалдан режалаштирилган ҳолда тингловчилар орасида номоддий маданий мероснинг соҳалари бўлинади ва ҳар битта тингловчи мусиқа фанларини ўқитишида “Устоз-шогирд” анъаналарини ўрганиш мақсадида соҳа етук фаолият олиб борган ташкилотга ташриф буюрадилар. Тингловчилар томонидан соҳага оид бўлиб, қамраб олинмаган тур ва жанрлар муҳокама этилади ва тўлдирилади.

“Устоз-шогирд” анъаналари асосида дарсларни ташкил этиши.

Назарий дарс технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиши. компьютер технологияларига асосланган ўқитиши методларидан фойдаланишга мўлжалланган ўқитиши воситаси сифатида. Дарслик ва электрон дарсликдан мустақил таълим олишда ва ўқув материалларини ҳар томонлама самарали ўзлаштиришида фойдаланиш методлари. Электрон дарсликда фаннинг ўқув материаллари талабага интерактив усуслар билан, психологик ва педагогик жиҳатлар, замонавий ахборот технологиялари, аудио ва видео анимациялар имкониятларидан ўринли фойдаланиш.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг ихтисосликка оид ўқув материалини ўзлаштирганлиги, уларда шаклланган кўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолаш таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади. Чунончи, талабаларда касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришида ўқитувчидан мутахассислик ўқув предметларидан нафақат асосларидан чуқур билим бериши, балки уларни ўзлаштириш даражасини ҳаққоний назорат қилиб, баҳолаш ҳам талаб этилади. Чунки, назорат қилиш бу фақат таълим-тарбия натижаларини таҳлил қилиш эмас, балки бутун жараённинг турли босқичларида талабалар билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамdir. Бундан ташқари олий мусиқа таълимида назорат қилиб баҳолаш ўзига хос таълимий, тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Таълим-тарбия жараёнида билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг таълимий аҳамияти, бунда ўқув материалининг ўзлаштирилганлиги ҳақида ўқитувчи ҳам, талаба ҳам ижобий ёки салбий тавсифга эга бўлади. Яъни, ўқитувчи учун талаба нимани билиши ва нимани тушунмаслиги, қайси ўқув материали яхши ўзлаштирилгану, қайси бири ҳали яхши ўзлаштирилмаганлиги ёки умуман ўзлаштирилмаганлиги маълум бўлади. Бу эса талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Худди шунингдек, талабага ҳам ўқув материалида у нимани яхши, нимани қониқарли ва нимани ёмон ўзлаштиргани тушунарли бўлади. Билимларни назорат қилмасдан талаба ўз билимларини чуқур, ҳар томонлама ва тўғри баҳолашга қодир эмас, баъзан унга гуё ўқув материалини яхши эгаллаб олгандай туюлади, лекин назорат чоғида эса ўзлаштиришдаги камчиликлар, яхши тушунмаганлиги маълум бўлиб қолади. Назорат қилиб баҳолаш жараёнида талабанинг ўрганилаётган ўқув материалини тушуниш, эсда сақлаб қолиш, моҳиятини англаб олиш даражасини аниқлайди. Талабанинг фаоллиги орқали билимлари, кўникма ва малакаларидаги ижобий томонларни ривожлантириш, камчиликларни тугатиш имкониятига эга бўлади.

Назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти талабаларда ўқишига, ўз ютуқлари ва камчиликларига нисбатан муносабат шаклланади, муаммоларни ечиш истаги туғилади. Талабага нисбатан берилган баҳо унда ҳамиша талаба сифатида, шахс сифатида ўзига нисбатан муайян бир муносабатни ҳосил қиласи. Талабада ўзига нисбатан иродалилик, жамоавийлик, ўзаро бир-бирига ёрдам бериш каби сифатлар шаклланади. Бу, айниқса, ўсмиirlар орасида катта аҳамиятга эгадир. Ҳар бир таълим берувчи билимларни назорат қилиш ва баҳолашнинг тарбиявий аҳамиятини тўғри қўллай олса, ҳар бир талаба олдида, ўқитиш соҳасида қулай истиқболларни очиб беради.

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс. Педагогика бўйича яратилган адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатдики, уларда —Таълим жараёни‖ тушунчасининг моҳияти турлича ёритилган.

Таълим жараёни – бу:

1. Ўқувчиларга билимларни бериб, уларда кўникма, малакаларни бериш орқали у ёки бу даражада уларнинг ўзлаштирилишини таъминлаш (ўқитиш)га қаратилган фаолият.

2. Ўқувчилар томонидан БКМнинг ўзлаштирилиши (ўқиши)ни таъминловчи жараёнини бошқаришга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти (чунки ўқитиш ва ўқитиш – таълимнинг ўзаро алоқадор ва ўзаро шартланган томонларидир).

3. Ўқитувчининг ўқувчилар томонидан БКМни онгли ва пухта ўзлаштирилишига йўналтирилиб, бу жараёнда билимларнинг мустаҳкамланиши, ақлий ва жисмоний меҳнат маданияти элементларини ўзлаштириш, дунёқарашни бойитиш ва ўқувчилар хулқ-авторининг шаклланишини таъминловчи раҳбарлиги ва ҳаракатларининг изчиллиги.

4. Ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигига БКМни ўзлаштириш, қобилиятларини ривожлантириш ва дунёқарашларини шакллантиришга қаратилган фаол билиш фаолияти.

Саволлар:

1. Улардан қайси бири таълим жараёнининг моҳиятини тўла ёритади?
2. Фикрингизни қандай асослайсиз?

Тингловчиларга тавсия этиладиган манбалар:

—Педагогика‖ фанига оид бир неча манбалар.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил) ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.
5. Ечимни баён этинг.

Кейсни ечиши жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.

2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.

3. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.

4. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.

5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштироқида муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг ечими

1. Мазмунига кўра барча таърифлар ҳам таълим жараёнининг моҳиятини ёритишга хизмат қиласди. Бироқ, муайян фан ҳар бир категория бўйича ўзининг аниқ терминологиясига эга бўлиши, тушунчалар воқеа, ҳодиса ёки жараённинг умумий тавсифини, обьект ва предметларга хос муҳим белгиларни ёритишга хизмат қилиши зарур.

2. Келтирилган таърифлар асосида тегишли жараёнга хос умумий тавсифлар негизида тушунчани қуидагича шарҳлаш мақсадга мувофиқ: таълим жараёни – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилган ҳолда илмий билим, уларни амалиётда қўллаш кўникма, малакаларини ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён.

2-кейс.

Биринчи синфда ўқиётган Дилшод шеърни ифодали ўқиб бергани учун —беш баҳо олди. Ўқитувчи уни бунинг учун мақтади. Дилшод уйга қайтгач, шошганича, бу хабарни ойисига айтди. У, ҳатто, ўзи ёд олган шеърни ойисига ҳам ўқиб бермоқчи бўлди. Аммо, ойиси Дилшоднинг хабарини совуқконлик билан тинглади ва ўғлига қайрилаб ҳам қарамасдан деди:

- Беш олдингми? Жуда соз, баракалла, - энди овқат тайёрлашимга халақит бермагин-да, ўйнаб кел!

Дилшод тушлик ҳам қилмай кўчага чиқиб кетди.

Саволлар:

1. Вазиятни қандай баҳолайсиз?
2. Дилшоднинг онаси тарбиянинг қайси тамойилларига зид иш қилди?
3. Шу каби вазиятлар Дилшоднинг тарбиясига қандай таъсир ўтказади.

Тингловчиларга тавсия этиладиган манбалар:

- Педагогика ва
- Психологияга оид адабиётлар.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи тарбия тамойилларини аниқланг.
3. Аниқланган тарбия тамойиллари орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган, энг муҳим тамойил (ёки иккита тамойил)ни ажратинг.
4. Ана шу тамойил (тамойиллар) асосида ечимни асослашга уринг.
5. Ечимни баён этинг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.
2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи тарбия тамойилларини аниқлайди.
3. Талаба (жуфтлик, кичик гурух, жамоа) аниқланган тарбия тамойиллари орасидан муаммога барчасидан энг муҳим тамойил (ёки иккита тамойил)ни ажратиб олади.
4. Талаба (жуфтлик, кичик гурух, жамоа) ечимни ажратиб олинган тарбия тамойили (иккита тамойил) асосида баён этади.
5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштироқида муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг ечими

1. Нихоятда ёқимсиз вазият. Онаси Дилшоднинг мактабга қандай бориб келганлиги билан ҳам қизиқмади.
2. Дилшоднинг онаси тарбияяда боланинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатта олиш, тарбия жараёнида рағбатлантириш тамойилларига зид иш қилди.
3. Шу каби вазиятлар Дилшоднинг тарбиясига салбий таъсир ўтказади, аста-секин унда кўрслик, бефарқлик, ўз-ўзини паст баҳолаш, ўзига ва атрофдагиларга ишонмаслик каби хислатлар шаклланади.

1. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шаклларни аниқлаш.
2. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали методларни танлаш.
3. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи тарбия воситалари белгилаш.


Тингловчилар учун методик кўрсатмалар

1. Тегишли адабиётлардан шакл, метод ва восита тушунчалари қандай маъно англатишини ёдга олинг.
2. Оиланинг тарбиявий имкониятлари ва шахс маънавиятини шакллантириш жараёнларининг моҳиятини чукур ўрганинг.
3. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шакл, метод ва воситалар аниқланг.
4. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шакл, метод ва воситаларини тизимлаштиринг.
5. —Кўзгазма‖ методи ёрдамида оила тарбиясининг талабалар маънавиятини юксалтиришдаги самарали шакл, метод ва воситалари асосида плакат ишланг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.
2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.
3. Талаба (жуфтлик, кичик гурух, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.
4. Талаба (жуфтлик, кичик гурух, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.
5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштироқида муҳокама килинади.

Ўқитувчининг ечими
1-топшириқ бўйича



VII. ГЛОССАРИЙ

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Модулли технология лар	энг замонавий технология бўлиб, модуль блокларидан ташкил топган ахборотни тизимли равишда қайта ишлаш ва таҳлил қилишга, талабанинг мустақил фаолиятига асосланган яхлит жараён.	Module technologies – the most contemporay texnology, moduleconsests of blocks it's process of student's self educashion which isbased on analysis systematically process of information.
Модуль	мазмуний ва мантиқий якунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижага қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган бирликдир.	Module – has content and logical eding, produced by didactic way, interested in result, entry and exit test units.
Модуль дастур	бир фан доирасидаги модуль блокларининг йигиндиси бўлиб, эришиш лозим бўлган дидактик мақсад, қўлланиладиган усуллар ва воситалар йигиндисидир.	Module curriculum-it in total collection of blocks of a particular area of a subject, and means and ways which are used to gain for didactic purpose.
Ўқув модули	нисбатан мустақил, мантиқий якунга эга бўлган ўқув курсининг бўлагидир. У ўқув-услубий таъминотдан назарий ва амалий қисмлардан, топшириқ ва жорий ҳамда якуний назорат каби қисмлардан иборат	Curriculum module-comparatively independent, a part of a course which has logical ending. It comprises theoretical practical parts of curriculum, which have tasks, current and final tests.
Тьютер	(лот. <i>tutorem</i> – маслаҳатчи) фаолияти талабаларга ўқув жараёнига мослашиш, вужудга келувчи айрим саволларга жавоб топишга ёрдамлашишга қаратилган.	Tutor-(latin-tutorem-counsellor) activity is to facilitate solutions of some problems and adaptation of students to teaching process.

Эдвайзер	(advisor - қадимги француз сўзи “avisen”, “ўйламок” сўзидан олинган) якка ҳолда диплом иши, курс ишини ишлаб чиқиш, илмий тадқиқот олиб бориш, якка дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида маслаҳатчидир.	Advisor (ancient French word “avisen” which taken from the word,to think)-who of research or diploma and course activities
Фасилитатор	(ингл. facilitator, лот. facilis — “енгил, қулай” деган маънони билдиради) фасилитаторгурухларда фаолиятни ташкил этишда кўмаклашади.	Facilitator - (english. Facilitator, latin facilis gives the meaning “light, convenient”) facilitator assists to form group activities.
Модератор	(лот. moderor — меъёрлаштираман, текшираман) қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, талабаларнинг қобилияtlарни очилишига, билиш фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради.	Moderator - (Lat.moderor-normalization, check) checks activation of learning activity and forming of students abilities and abide accepted rules.
Супервизор	қўйидаги тўрт вазифани бажаради: ўқитувчи сифатида ўргатади, фасилитаторлик, маслаҳатчи, эксперт вазифани бажаради.	Supervisor-does 4tasks, teaches as a teacher facilitator, advisor and expert.
Супервизия	ўзаро муносабатлар тизими бўлиб, супервизор томонидан касбий фаолиятга оид бошқа мутахассисга маслаҳатлар беришни кўзда тутади.	Supervision-gives advice to other specialists on their professional, activities and interrelation system.
Кредит (зачет бирлиги)	ўлчов бирлиги бўлиб, талабанинг аудиторияда ва мустакил ўкув фаолиятини, баҳолайди (ўкув юкламасини).	Kredit (standard units) it is a unit of dimension which is assisted independent curriculum activity of a student in the room.
Рейтинг баҳолаш тизими	жорий, модулли ва семестр назоратида талабанинг бажарган ўкув фаолиятини ва эгаллаган	Assessment system-it is point of system as the scorethe skills and knowledge of students

	билимлари ва шаклланган кўнишка, малалкаларини баллар кўринишида баҳолаш тизими.	which formed during the academic activity in current, module and semester.
Рейтинг (рейтинг баҳоси)	талаба эришган даражасини сифатини баҳоловчи балл тизими.	GPA-score of system which learner's obtained quality level the quality of level of knowledge assessment system.
Креативлик	термини англия-америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўнишкалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.	Creativess-appeared in the 60s America psychology and termin England to create new conception and form new abilities and qualities (characteristics)
Креатив таълим	бу таълим олувчининг ижодий қобилиятини ривожлантиришга, такомиллаштиришга йўналтирилган таълим бўлиб, у таълим олувчидағи яратувчанлик, бунёдкорлик қобилиятларини ўстиришга хизмат қиласи.	Creative learning-this education is directed (trend) to perfection of development creative abilities of a learner and services to rise the abilities of creative ness and to produce something new or a work of art.
Муаммоли таълим	илмий билишни ривожлантиришга асосланган таълим шакли бўлиб, муаммоли вақтнинг яъни, жамият ривожланиши жараёнида билиш ва билмаслик ўртасида объектив равишда вужудга келадиган вазият.	Problematic learning- it is based on to develop scientific learning, problematic time, it is a situation which appear between knowledge and ignorant in the process of development society.
Transferancy	бу ECTS (European Credit Transfer System) тизимига хоҳлаган шахс ёки ташкилотнинг тўсиқсизкиришига шарт - шароит яратиш.	Transferancy - ECTS (European Credit, Transfer System)-creation entry facilities for any person or organization to this system without any challenges.

Синтез	элементлардан, бўлимлардан янгиликка эга бўлган яхлитликни яратиш кўникмасини англатади.	Syntheses-expresses totally creation skill which combined elements and units.
Технология	юононча “tehne”, яъни “маҳорат”, “санъат” ва “logos” – “фан”, деган сўзлардан олинган. Унинг ёрдамида манбаларда сифат ўзгаришлар рўй беради. Технология - бирор ишда, маҳоратда, жараёнда, санъатда қўлланиладиган йўллар, услублар тўпламидир (талқинли луғат).	Technology-greek word which derived from “tehne e i”, “competence”, “art” and “logos”-“science” with the help it quality changes of sources will happen. Technology-collection of using ways and methods in the competence, process and art.
Масофали таълим	масофада туриб ўкув ахборотларини алмashiш воситаларига асосланувчи маҳсус ахборот таълим муҳити ёрдамида таълим хизматлари тўпламидан иборат.	Distance learning it is collection of education services with the help of exchanging academic information based on special info ration environment from a distance
Blended learning	(аралаш ўқитиши)	Blended learning (interference teaching)
Вебинар	маъруза, семинар ёки конференция Интернет орқали бир вақтда ҳозир бўлган талабалар билан аудио видео билан жонли олиб борилади.	Vebinar report seminar or conference. It is conducted with lively audio visual through the internet.
Эвристик методлар	эвристик методи ўқитувчилардан ижодий хусусият касб этувчи юқори даражадаги билиш фаолиятини ташкил эта олиш кўникма ва малакаларига эга бўлишни тақозо этади. Бунинг натижасида ўқувчилар мустақил равишда янги билимларни ўзлаштира оладилар.	Evrisik methods- it requires to organize high level oof knowledge skills from students. As a result of it learners will obtain new knowledge independently.

VII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3920-сон Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанны 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш

тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли [Фармони](#).

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

16. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.
<http://science.vvstu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

17. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

18. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

19. Габитова А. Минимализм в музыке Т., 2007.

20. Ижроилиги тарихи” Т., «Мусика» 2007 й.

21. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

22. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

23. Когоутек Ц. Техника композиции в музыке XX века М., 2015.

24. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

25. Назайкинский Е. Жанр и стиль в музыке – М, 2003.

26. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ ; – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-00830_2017.pdf.

27. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf.

28. Ражабов И. “Мақомлар”. «SAN,AT» нашриёти Т., 2006 й.

29. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
30. Узбекская музыка на стыке столетий (XX-XXI вв.), проблемы (коллективная монография). Ташкент, 2008.
31. Хакназаров З. – О дирижировании, Т., 2011, изд-во “Musiqa”.
32. Andrew Paquette. An Introduction to Computer Graphics for Artists.- Springer Publishing Company, Incorporated, USA 2013.
33. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
34. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
35. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013.
- 175.
36. Mitchell. H.Q. , Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
37. Mitchell. H.Q. “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
38. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
39. The Techniques Orchestral Conducting by Ilya Musin. (Translated by Oleg Proskurnya), Edwin Mellen Press Ltd, 2014, USA.

IV. Интернет сайтылар

40. <http://edu.uz>
41. <http://prezident.uz>
42. <http://madaniyat.uz>
43. <http://mygov.uz>
44. <http://lex.uz>
45. <http://bimm.uz>
46. <http://ziyonet.uz>
47. <http://www.dsni.uz>
48. <http://www.artsait.ru>
49. <http://belcanto.ru/>
50. [http://music.edu.ru/catalog .](http://music.edu.ru/catalog)
51. <http://artyx.ru/>